

---

# А. С. Пушкин

## ДУБРОВСКИЙ

БИРИПЧИ ТОМ

I БОБ

Бундан бир неча йил илгари, ўз мулкларининг бирида, қадимги рус барини Кирила Петрович Троекуров яшар эди. Бойлаги, асилзодалиги ва ошина-билишларининг кўплиги туфайли, Троекуров мулклари мавжуд вилоятларда катта обрўга эга эди. Қўни-қўшнилари унинг арзимас бир орзусини ўринлатсалар бошлари кўкка етгар; вилоят чиновниклари унинг номини эшигганда дир-дир титрар эди. Кирила Петрович одамларнинг у-бу иззат-икромига ўзига муносиб ҳурмат деб қаарарди; уйи ҳаммавақт шовқин-сурон, баъзан эса тўс-тўполон билан ўтадиган базмларига иштирок этиб, унинг бариларга хос шўхликларини қондиришга тайёр меҳмонлар билан гавжум бўларди. У таклиф этганда келмасликка ёки маълум кунларда Покровское қишлоғига келиб унга салом бериб кетмасликка ҳеч ким ботина олмас эди. Оила ҳаётида эса Кирила Петрович билимсиз одамларга хос бўлган ҳамма нуқсонларини яққол кўрсатиб турарди. Ўз мавқендан талтайиб кетган бу одам, бебош ҳулқи ва калтабин ақлиниң ҳамма хоҳишлиарига тўла эрк беришга одатланган эди. У жисмоний бақувват бўлишига қарамай, ҳафтада икки марта мечкайликдан дард тортар ва ҳар оқшом ичмасдан туролмас эди. Ҳовлидаги уйларнинг бирида аёлларга хос қўл ҳунари билан шугулланиб, ўн олти нафар чўри қиз яшарди. Бу уйнинг деразалари ёточ панжаралар билан тўсилган, эшиклари қулф бўлиб, калитлари Кирила Петровичда сақланарди. Эш роҳибалар рухсат этилган соатлардагина, икки кампирнинг назорати остида боқда сайр қилгани чиқишарди. Вақти-вақти билан Кирила Петрович уларнинг баъзиларини эрга берар ва булар ўрнига янгилари келар эди. У деҳқонлар билан хизматкорларни жуда қаттиқ тутар ва истаганича жазолар эди; шундай бўлса-да, улар Кирила Петровичга садоқатли эдилар; улар хўжаларининг давлати ва шуҳрати билан фахрланар ҳамда унинг давлати соясида қўни-қўшилларга нисбатан анчагина номаъқулчиликлар ҳам қиласар эдилар.

Троекуровнинг бор-йўги қиласидиган иши — мулклари атросини айланишдан, алламаҳалларгача чўзиладиган базмлару мишиштозликларда иштирок этишдан иборат эди; у кун сайни янги наъмалар ўйлаб топар ва бунда одатда бирорта янги таниши жабрланар эди. Андрей Гаврилович Дубровскийдан бошқа ҳеч ким, ҳатто унинг эски ошналари ҳам, бу тўқликка шўхлик бемазагарчиликларидан қутулиб қололмасди. Истеъфодаги гвардия поручиги<sup>1</sup> Дубровский Кирила Петровичнинг яқин қўшиниси бўлиб, етмиш жоннинг<sup>2</sup> эгаси эди. Энг юқори мартабали одамларга ҳам кибр билан муомала қиласидиган Троекуров бечораҳол Дубровскийни ҳурмат қиласи эди. Бир вақтлар иккаласи битта аскарий қисмда хизмат қиласидиганларида ҳам ўртоқ эдилар, шунинг учун Дубровскийнинг гап кўтармас ва чўртиесар бир одам эканини Троекуров билар эди. Шароит уларни узоқ вақт бир-биридан жудо этди. Дубровский камбағаллашиб қолғач, истеъфога чиқишига ва ўз қўлида қолган қишлоққа кўчиб келиб яшашга мажбур бўлди. Кирила Петрович ўртоғининг аҳволидан хабардор бўлиб, унга ўз ҳомийлигини таклиф этди, бироқ Дубровский унга миннатдорлик билдириб, фақирликда бўлса ҳам, лекин ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Бир неча йил ўтгач, Троекуров генерал-аншеф<sup>3</sup> мансабида ишдан бўшаб, ўз мулкига қайтиб келди ва икки дўст бир-бирларини кўриб, курсанд бўлишди. Ўшандан бери улар ҳар куни бирга бўлар ва бир умр бирорвонкига бормайдиган Кирила Петрович, бу эски ошнасининг қўргончасига бемалол кириб бораверар эди. Улар тенгқур бўлганлари, бир табакадан чиққанлари, бир хилда тарбияланганлари туфайли феъзатворлари ва майллари ҳам бир-бирларига ўхшаб кетарди. Баъзи жиҳатдан уларнинг таҳдирлари ҳам бир хил эди: иккови ҳам бир хил эди: иккови ҳам севиб уйланган, иккови ҳам кўп ўтмасдан бева қолган, икковининг ҳам қўлида биттадан бола қолганди. Дубровскийнинг ўғли Петербургда тарбияланар, Кирила Петровичнинг қизи эса ўз уйида яшар эди. Кўпинча Кирила Петрович дўстий Дубровскийга: «Менга қара, оғанини, Андрей Гаврилович, Володъянг йўлини топиб кетса, унга қизим Машани бераман. Ҳеч нарсаси ийӯқлигига ҳам қарамайман» деяр эди. Андрей Гаврилович эса, бошини чайқаб туриб, одатда: «Йўқ, Кирила Петрович, Володъкам Марья Кириловнага муносиб эмас. Ўглим ўзига ўхшаган камбағал рворяннинг қизига уйлангани тузук. Эрка, тантик бир бойвуччага гумашта бўлгандан кўра, уйида бошлиқ бўлгани маъқул», деб жавоб қайтарар эди.

Такаббур Троекуров билан унинг камбағал қўшиниси ўртасидаги бу тотувликка ҳамманинг ҳаваси келар, Кирила Петровичнинг дастурхони устида ўтирган чоғларидаги, мезбонининг фикринга тўғри келмаслигига қарамасдан, Дубровский ўз фикрини тўппа-

<sup>1</sup> Кичик офицер.

<sup>2</sup> Помешчикларда қул қатори хизмат қиласидиган дехқонлар.

<sup>3</sup> Генерал-аншеф — XVIII асрда рус армиясидаги энг юқори мансаб.

түрү айтаверишими курғо, ҳамма унинг жураватига таажжуола-  
нар эди. Баъзи бирорлар Дубровскийдан ўрнак олиб, итоат дои-  
расидан чиқишига уриниб кўрганларида, Кирила Петрович улар-  
нинг шундай ҳам адабини берар эдики, улар қайтиб бундай ҳа-  
ракатга ҳеч қачон журавт қилмайдиган бўлиб кетар ва ёлғиз  
Дубровскийгина бу маломатлардан холи эди. Аммо кутилмаган  
бир ҳодиса ҳамма ишни бузиб, ўзгартириб юборди.

Илк куз кунларининг бирида, Кирила Петрович узоқроқ бир  
даласига чиқмоқчи бўлди. Бир кун илгари итбоқарлари ва жи-  
ловдорларига эрталаб соат бешда тайёр бўлиш тўғрисида буйруқ  
берилди. Чодир ва қозон-товоқлар Кирила Петрович овқатланадиган жойга аввалроқ жўнатилган эди. Хўжайн билан меҳмонлар итхонага қараб юришди, у ерда беш юздан ортиқ исковуч ва този итлар, ўз тилларида, Кирила Петровичнинг сахийлигини мақтаб, нозу неъмат тўла иссиққина жойда яйраб яшар эди. Шу жойнинг ўзида касал итлар учун алоҳида ажратилган бир хона бўлиб, уларни Тимошқа деган бош табиб назорат қилиб турар эди, бундан ташқари, яна зотдор итларнинг болалashi ва ўз болаларини эмизиши учун ҳам алоҳида хона ажратилган эди. Кирила Петрович мудом ўзининг бу ажойиб иши билан фахрланиб юрар ва ҳар бир меҳмон бу ерни камидаги йигирма марта кўрганига қарамай, қулай пайт келди дегунча, у итхонасини мақташга тушарди. Кирила Петрович атрофини меҳмонлар қуршаган ҳолда итхонани айлана бошлади. Тимошқа билан бош итбоқар унинг кетидан борар эди. У баъзи итхоналар олдида тўхтаб, гоҳ касал итларнинг соғлигини суриштирад, гоҳ бирмунча қаттиқ ва ҳақли танбеҳлар қилас, гоҳо таниш итларни чақириб олиб эркалатор ва улар билан гаплашган бўлар эди. Меҳмонлар Кирила Петровичнинг итхонасидан завқланишни ўзларининг бурчлари деб билардилар. Ёлғиз Дубровскийгина дамини чиқармас ва қовоги солиқ эди. У овга жуда ишқибоз бўлса ҳам, давлати фақат бир жуфт овчи ит билан бир гала този ит сақлашгагина имкон берарди; у бу ажойиб итхонани кўргач, салгина қўзғалган рашкини яширолмади. «Нега қовогингни солдинг, биродар,— деб сўради Кирила Петрович.— Ё менинг итхонам сенга ёқмадими?» «Йўқ,— деб жавоб берди у жиддий равишда,— итхонангиз жуда яхши, аммо одамларингизнинг аҳволи итларингизни кига қаранганди анча оғир бўлса керак». Бу гапга итбоқарлардан бири хафа бўлди. «Аввало худо, қолаверса бариннинг давлатлари соясида,— деди у,— биз ўз турмушимиздан нолимаймиз, лекин яширишнинг ҳожати йўқ, ҳақиқатан ҳам ҳатто баъзи бир дворянлар ўзларининг қўраларини шу итхоналардан битта-яримтасига алиштиурса ҳам ҳақи кетмайди. Негаки, бу ерда тўқроқ ва иссиқроқ яшайди». Кирила Петрович ўз малайининг бу одобсизлигига қаттиқ кулди, меҳмонлар ҳам, гарчи бу танбеҳнинг қисман ўзларига ҳам тегишини сезгандлари ҳолда, ҳар нечук унга эргашиб кулишди. Дубровскийнинг ранги оқарди, лекин дамини чиқармади. Уша топда Кирила Петровичга бир сават янги туғил-

ган кучукларни олиб келишди; у кучук саралашга киришди ва иккитасини танлаб, қолганларини сувга ташлаб юбориши буюрди. Бу орада Андрей Гаврилович секингипа чиқиб кетди ва буки ҳеч ким сезмай қолди.

Кирила Петрович меҳмонлар билан бирга итхонадан келиб, кечки овқатга ўтиридан шундагина Дубровскийнинг йўқлигини билди. Хизматкорлар уйига кетиб қолганини айтдилар. Троекуров унинг орқасидан дарҳол етиб бориб, қайтариб келишни буюрди. Кирила Петрович бир умр Дубровскийсиз овга чиқмаган эди, чунки Андрей Гаврилович итларнинг хусусиятини яхши билар ва ҳар қандай ов можароларини бехато ҳал қиласр эди. Дубровскийга юборилган хизматкор, меҳмонлар дастурхондан турмасданоқ қайтиб келиб, Троекуровга, Андрей Гавриловичнинг гапга кўнмаганини, қайтишга унамаганини айтди. Уз одатича ичкилик билан бир оз қизиб олган Кирила Петрович бу хабарни эшишиб аччиғланди ва ўша хизматкорнинг ўзини яна изига қайтариб юбориб, агарда Андрей Гаврилович дарҳол Покровскоега қайтиб келиб, шу ерда ётиб қолмаса, бир умр у билан юз кўрмас бўламан, деган гапни бориб айтишни буюрди. Хизматкор яна чопиб кетди. Кирила Петрович эса дастурхондан туриб, меҳмонларига рухсат берди-да, ўзи ухлагани кириб кетди.

Эртаси куни эрталаб унинг биринчи саволи: «Андрей Гаврилович шу ердами?» деган сўз бўлди. Жавоб ўрнига, унга учбурчак бир хат тутқазишди. Кирила Петрович хатни миразасига бериб, баланд овоз билан ўқишини буюрди ва мана бу сўзларни ёшлиди:

### «Марҳаматли афандим!

Сиз, то ўша итбоқар Парамошкани кечирим сўрамоқ учун менинг ёнимга юбормагунингизча, мен Покровскоега бормоқчи эмасман; унинг гуноҳини кечиши ёки унга жазо бериш менинг ихтиёrimda бўлади. Мен сизнинг малайларингиз ўёқда турсин, ҳатто ўзингизнинг ҳазилларингизни ҳам кўтаролмайман —чунки мен масхарабоз эмасман, тагли-тугли эски дворянман. Шунинг билан сизга содиқ камини:

Андрей Дубровский».

Мавжуд ахлоқ қондасига мувофиқ бу хат анчагина беодоблик билан ёзилган бўлиб, у ўзининг ажойиб услуби ва иншоси билан эмас, балки моҳияти билан Кирила Петровичнинг аччиғини келтирди: «Нима!— деб бақирди Кирила Петрович, ётган ўрнидан яланг оёқ пастга тушиб.— Мен одамларимни унинг олдига кечирим сўрагани юборар эмишман, кечириш ё жазолаш унинг ихтиёрида бўлар эмиш! Ҳандай хом хаёлларни ўйлайди. Ким билан ўйнашаётганини биладими ўзи? Ҳали у қараб турсин... Бир

таъзирини есин, Троекуров билан олишишнинг нималигини билб қўйисин!

Кирила Петрович кийимларини кийди-да, одатдаги дабдаба билан овга чиқиб кетди. Лекин ов ўнгидан келмади. Кун бўйи биргина қўён йўлиқди, уни ҳам қочириб юборишди. Далада, чо-дир ичиди берилган овқатнинг ҳам мазаси бўлмади, ҳар ҳолда Кирила Петровичга ёқмади. У ошпазни тутиб олиб урди, меҳмонларни сўкди ва қайтишда бутун ошналари билан жўрттага Дубровскийнинг ерларини босиб ўтди.

Бир неча кундан кейин ҳам икки қўшини ўртасидаги адоват кўтарилимади. Покровское қишлоғига Андрей Гаврилович келмас, Кирила Петрович усиз зерикар, хуноби оғлиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқар эди. Ўша ерли дворянларнинг саъни харакатлари билан бу гаплар пишитилган ва тўлатилиган ҳолда Дубровскийнинг қулоғига ҳам етиб турар эди. Шу сўрада рўй берган бир ҳодиса сўнгги ярашув умидини ҳам барбод қилди.

Бир куни Дубровский ўзининг кичинагина мулкини айланип юрган эди; қайнзорга яқинлашгандা болта товушини, бир оздан кейин эса қулаган дараҳт овозини эшитди. У юрганича қайнзорга кириб борди ва дараҳтларини баҳузур ўғирлаётган Покровское мужикларининг устидан чиқиб қолди. Мужиклар қочмоқчи бўлган эди, Дубровский кучери билан бирга улардан иккитасини тутиб олди ва қўлларини орқасига боғлаб ҳовлига олиб келди. Душманга қарашли отлардан утаси ғолибининг қўлига тушди. Дубровский ниҳоятда ғазабланди, негаки, Троекуровнинг одамлари, уччига чиққан қароқчи бўлышларига қарамай, хўжайинлари билан унинг ўртасидаги қалин дўстликни билтанлари учун, бундан илгари Дубровскийга қарашли ерларда бебошлиқ қилишга сира ҳам ботиолмас эдилар. Энди бўлса, улар одатдаги совуқчиликдан Фойдаланиш найига тушиб қолибдилар. Шунинг учун у уруш қоидалари тўғрисидаги тушунчаларининг ҳеч бирига риоя қилмай, ушланган асиrlарини қайнзорда ўзлари кессан новдалар билан яхшилаб савалашга ва отларини эса ўз йилқиларига қўшиб ишлатишга жазм қилди.

Бу тўғридаги овоза ўша куниёқ Кирила Петровичнинг қулоғига етди. Унинг қони қайнаб кетди ва у ғазаби жўш урган дастлабки пайтда ҳамма хизматкорлари билан бирга Кистеневкага (қўшнисининг қишлоғи шундай деб аталар эди) ҳужум қилмоқчи, уни ер билан яксон этмоқчи, помешчили эса ўз қўргонида камал қилмоқчи бўлди. Бундай ботирликлар унга бегона эмас эди. Аммо кўп ўтмай унинг фикри ўзгарди.

У залда вазмин қадам ташлаб ўёқдан-буёқча юриб тугаю экан; бехосдан назарни деразага туниди ва у уч от қўшилган бир араванинг дарвоза олдига келиб тўхтаганини кўрди; бошига чарм шапка, эгнига дағал юнг матодан тикилган шинель кийган хичкина бир одам аравадан тушиб, гумашта турадиган уй томон тарди. Троекуров бу одамнинг маслаҳатчи Шабашкин эканиния билиб, уни ўз ёнига чақиртирди. Бирпасдан кейин Шабашкин

Кирила Петровичнинг олдига кириб келди ва қайта-қайта унга таъзим қилиб, Троекуровнинг буйругини эшитиш учун иззат-хурматни бажо келтириб турди.

— Омонмисан, ҳа, отинг нимайди? — деди Троекуров. — Хўш, нима юмуш билан келдинг?

— Шаҳарга кетаётган эдим, жаноб олийлари,—деди Шабашкин.— Жаноби олийларидан бирорта буйруқ йўқмикан деб Иван Демьяновга учраган эдим.

— Хўп вақтида келдинг-да, ҳа, отинг нимайди? Менга жуда керак эдинг. Ароқдан ичиб, гапимга қулоқ сол.

Бундай хушмуомала маслаҳатчини жуда ҳайратга солди. У ароқ ичмай, Кирила Петровичнинг сўзларига астойдил қулоқ сола бошлади.

— Менинг бир қўшним бор,— деди Кирила Петрович.— Мулки кичик, ўзи дағал бир садам; мен ўшанинг мулкини ўзимга ўтказсан дейман, сен нима дейсан шунга?

— Агарда жаноби олийларининг қўлларида биронта ҳужжат ёки...

— Э-э, қўйсанг-чи, биродар, ҳужжатинг нимаси! Гап шундаки, агар қўлингдан келса, бутунлай ҳужжат-пужжатсиз тортиб олиш керак — билдингми! Шошма, бир оз сабр қил. Бир замонлар бу мулк бизники эди. Спицин деган аллақандай бир одаждан сотиб олиниб, кейин Дубровскийнинг отасига сотилған эди. Шундан чатоқ чиқарилса бўлмасмикин?

— Қийинроқ бўлар, мўътабар жаноби олийлари, ҳар ҳозда ўша олди-сотди қонуний йўл билан қилингган бўлса керак.

— Яхшироқ ўйлаб кўр, биродар, бирор йўлини топ.

— Агар сиз, жаноби олийлари, бир амаллаб қўшнингиздан мулкни тасарруф қилиш тўғрисидаги рўйхат ёки васиқасини қўлга киритиб олсангиз, унда албатта...

— Биламан, лекин ҳамма бало шундаки, унинг қўргонига ўтшуган вақтда барча қофозлари ёниб кетган.

— Нима дедингиз, жаноби олийлари, қофозлари ёниб кетгав дайсизми? Ундаи бўлса жуда яхши! Агар рухсат этсангиз, қонунга мувофиқ иш тутамиз ва шубҳасиз, муродингиз ҳосил бўлади.

— Рост айтасанми? Хўп, ҳаракат қилиб кўр. Қўлингдан келганча файрат қил, мукофот хусусида эса, кўнглиниг тўқ бўлсин.

Шабашкин ергача эгилиб таъзим қилди-да, чиқиб кетди ва ўша кундан бошлабоқ у қасд қилган ишига киришди. Шабашкиннинг файрати орқасида, роса икки ҳафтадан кейин, Дубровский шаҳардан бир қоғоз олди. Бу қоғозда Дубровскийнинг Кистеневка қишлоғига эгалигини тасдиқлайдиган ҳуқуқларни тўғрисида дарҳол изоҳот бериш талаб қилингган эди.

Бу кутилмаган сўровдан ҳайрон бўлган Андрей Гаврилович ўша куннинг ўзидаёқ жавоб ўрнида анчагина қўпол хат ёзиб юборди ва у ўзининг бу жавобида: Кистеневка қишлоғи марҳум

отасидан мерос қолганини, Троекуровнинг бунга ҳеч бир дахли йўқлигини, кимки унинг бу хусусий мулкига даъвогар бўлса, бу даъво фақат иғвогарлик ва муттаҳамликдан бошқа нарса эмас эканлигини билдири.

Мазкур жавоб суд маслаҳатчиси Шабашкинга жуда ёқиб тушди. Чунки у биринчидан, Дубровскийнинг иш билмаслигини, иккинчидан эса, унинг орқа-олдини суриштирумайдиган жиззаки одам эканини шу хатнинг мазмунидан билиб олди ва шунинг учун ҳам бундай одамни осонгина қўлга туширишга унинг ҳеч қандай шубҳаси қолмади.

Андрей Гавrilovich маслаҳатчининг саволларини совуқҳонлик билан ўқиб чиққач, батафсил жавоб ёзиш кераклигини англади. У анчагина пухта жавоб ёзиб юборди, лекин кейинчалик бунинг фойдаси бўлмади.

Иш чўзилиб кетди. Ўзининг ҳақлигига ишонган Андрей Гаврилович бу тўғрида ортиқ ташвиш тортмади, теварак-атрофга пул сочишга унда на истак ва на имкон бор эди, шунингдек у қалам аҳлларининг сотқин виждонини ҳаммадан кўра кўпроқ мазах қилиб келган одам бўлса ҳам, аммо арзимаган бир иғвонинг қурбони бўлиш каби фикр унинг ҳатто хаёлига ҳам келмас эди. Иккинчи томондан, Троекуровнинг ўзи ҳам қўзғаб қўйған бу ишининг ютиб чиқиши устида ортиқ уринмади, балки унинг номидан уёқда Шабашкин зўр бериб ишлар, судъяларни қўрқитар ва пора билан қўлга олар ҳамда турли-туман қонунларни ўз фойдасига буриб, қингир-қийшиқ изоҳотлар ясар эди. Ҳар қалай, 18... йил февраль ойининг 9-нчи кунида Дубровский шаҳар полицияси орқали бир қоғоз олди, бу қоғозда у поручик Дубровский билан генерал-аншеф Троекуров ўртасидаги мулк жанжали тўғрисида \*\* земство судининг ҳукмини эшитмоқ ҳамда ўзининг ўша ҳукмдан рози ёки норози эканлигини билдиromoқ учун, мазкур суд маҳкамасига чақирилган эди. Дубровский ўша куниёқ шаҳарга жўнаб кетди. Йўлда уни Троекуров қувиб етиб, ўгиб кетди. Улар бир-бирларига кибр билан қараб қўйишди, шунда Дубровский ўз рақибининг юзида ёвуз бир илжайиш кўрди.

## II БОБ

Андрей Гавrilovich шаҳарга бориб, бир савдогар ошнасичи-кига тушиди, у ерда тунаб, эрталаб уезд суди маҳкамасига кирди. Унга ҳеч ким эътибор қилмади. Ундан кейин Кирила Петрович етиб келди. Мирзалар ўринларидан туриб, қаламларини қулолларига қистирилдилар. Суд аъзолари уни эъзоз-икром билан қарши олиб, мартабаси, ёши ва насл-насабига ҳурмат юзасидан унга курси қўйиб беришди; у очиқ эшик ёнига ўтириди. Андрей Гаврилович эса деворга суюниб тик турди, бу вақт орага чуқур жимлик чўқди-да, суд котиби шангиллаб суд ҳукмини ўқий бошлади.

Биз, бу рус тупроғида бизнинг ҳар биримиз, мутлақ ўзимизники деб юрган дахлсиз мулкимиздан қандай қилиб ажраб қо-

лишими мумкинлігінің ишбот қыладыган йүллардан бириңін би-  
либ қўйиш ҳамма учун ҳам қизиқ бўлар, деган умид билан  
ҳукмномани бу ерда тўла келтирамиз.

18... йил октябрь ойининг 27 ламчи куни эдиким\*\* уезднинг суд маҳкамаси\*\* вилояти Кистеневка қишлоғида\*\* жон эркак, ҳам\*\* десятипа экин ери, ўтлоқ ва бошқалардан иборат бўлган ва генерал-аншеф Кирилла Щётр ўғли Троекуровга қарашли мулкнинг гвардия поручиги Андрей Гаврила ўғли Дубровский томонидан нотўғри тасарруф қилиниши хусусидаги ишни кўрди. Мазкур ишдан маълум бўлишича мазкур генерал-аншеф Троекуров ўтган 18... ламчи йил июн ойининг 9 ламчи куни ушбу суд маҳкамасига ариза бериб маълум қўлдики, мазкурнинг марҳум отаси коллеж асессори ва қадалери Щётр Ефим ўғли Троекуров 17... ламчи йил, август ойининг 14 ламчи кунида\*\*\* маҳаллий маҳкамада провинция котиби мансабида турган чогида, дворянлардан ва мирзахона хизматчиларидан бўлмиш Фадей Егор ўғли Спициндан бир қитъя ер сотиб олган экан, мазкур ер эса \*\* вилоятидаги юқорида зикр этилган Кистеневка қишлоғида экан (у қишлоқ бир замонлар \*\* тафтиш бўйича Кистенев висилкалари деб аталган экан); тўртинчи тафтиш бўйича мазкур қишлоқда эркак жинисидан \*\* жон мавжуд экан, мазкурларнинг ҳамма рўзгорлари, уй-жойлари, экиладиган ва экилмайдиган ерлар, ўрмонлар, пичанзорлар, Кистеневка деб номланган дарёда балиқ овланадиган жойлар ҳамда мазкур мулкка қарашли ҳамма ерлар, мулк соҳибининг ўзига хос ёғоч иморати, хуллас, мазкур дворянига ўз марҳум отаси дворян ва урядник Егор Терентий ўғли Спициндан мерос тариқасида қолмиш ва мазкур вориснинг тасарруфида бўлмиш мол-мulkнинг ҳаммаси, одамлардан бир жон ва ерлардан бир қарич ҳам қолдирилмай, 2500 сўм бараварига кавалер Троекурова сотилиб, ўша куннинг ўзида\*\* суди палатасида олди-сотди муомаласи ва мустаҳкам васиқа қоидалари бажо келтирилиб, мазкур мулкнинг тасарруфи \*\* шаҳарининг уезд суд маҳкамаси томонидан ушбу генерал-аншеф Троекуровнинг отасига ўтказилиб, мазкур мулк аввалги эгасининг тасарруfidan чиқарилган экан. Ниҳоят, 17... ламчи йил сентябрь ойининг 6 ламчи куни ушбу генерал-аншеф Троекуровнинг отаси худонинг ҳукми билан жон баҳақи таслим қиласди, аммо унинг ўғли, ҳозирда ариза берувчи генерал-аншеф Троекуров эса 17... ламчи йилдан, яъни қарийб болалик чогидан бери ҳарбий хизматда бўлиб, кўп вақтини хорижий мамлакатларда, жаангларда ўтказибdir, шу сабабдан у ўз отасининг вафоти ва унинг вафотидан сўнг қанча мулк қолгани хусусида маълумот ололмабдир. Эндиликла, мазкур генерал-аншеф ҳарбий хизматдан тамом озод бўлиб, ўз отасининг \*\* ва \*\* вилоятлари ҳамда \*\* уездларининг турли қишлоқларидаги 3000 жондан иборат мулкига қайтиб келиб кўрадиким, мазкур мулклардан юқорида кўрсатилмиш \*\* қишлоғидаги бир қитъя мулкнинг (ҳозирги тафтишга кўра, бу қишлоқда ҳаммаси бўлиб \*\* жон ҳисобда туради) ерларини барча мулклари билин ҳеч бир асоссиз ва ҳужжатсиз юқорида зикр қилинган мазкур гвардия поручиги Андрей Дубровский тасарруф қилар экан. Шу сабабдан у, генерал-аншеф Троекуров, ушбу ариза бараварида, мазкур бир қитъя мулкини сотувчи Спицин томонидан ушбу аризани берувчининг отасига борилмиш мустаҳкам васиқани топшириб, суд маҳкамасидан мазкур мулкка

вөдақ әгалик қилувчи Дубровскийдан уни олиб ўз әгасига, яъни мазкур Троекуровнинг тасарруфига ўтказилишини ҳамда Дубровский ўша мулкни ҳақсиз әгаллаб олиб, шунча замон тасарруф қилиб, кўп даромад олгани сабабидан тегишли текширувлар сўнгидаги мазкур Дубровскийдан ариза берувчиликнинг, яъни Троекуровнинг фойдасига қонун бўйича тегадиган ҳақларини ҳам ундириб берилишини сўрайди.

\*\*земский судининг бутун олиб борган тафтишларида маълум бўлдики: мана шу жанжалга сабаб бўлган мулкнинг эгаси гвардия поручиги Дубровский, ҳозирги пайтда ўз тасарруфида бўлмиш мулк ҳақида, дворян масла-ҳатчисига қўйидагича изоҳот берган: Кистеневка қишлоғидаги, яъни ҳозир-гп чорғда ўз тасарруфида бўлмиш мулк \*\* жон ва барча ерлари билан отаси, айтиллери подпоручиги Гаврила Евграф ўғли Дубровский томонидан, айни замонда дъявогар бўлган собиқ провинция котиби ва сўнгроқ коллеж ассе-сори Троекуровдан сотиб олинган бўлиб, бу ҳақда \*\* уезд суди томонидин 17... йил август ойининг 30 ламчи куни берилган ишонч васиқаси бўйича унгз, Андрей Гаврила ўғли Дубровскийга мерос тариқасида қолган. Бу ваги-қа титулярний советник<sup>1</sup> Григорий Василий ўғли Соболевга ўтказилган бў-либ, мана шу васиқада айтилишича, у, Троекуров, Спициндан олинган бутун мулк \*\* жон ери билан унинг 17... йил август ойининг 30 ламчи куни берилган ишонч қозоги билан бу-туни ақчани тўлагандан кейин, ўша сотиб олинган мулкнинг эгаси уни ўз тасарруфига олгани сотувчи Троекуровга ҳамда ҳозирги мулк әгасига маълум эмас. Боз устига: ишонч қозоги сақланмиш Соболевдан қачон ва кимнинг олдида унинг отасига ана шундай васиқа топширилгани ҳам унга — Андрей Дубровскийга маълум эмас, негаки, ўша чоқда у ҳали жуда ёни бўлиб, ота-сининг вафотидан кейин ҳам мазкур васиқани ахтариб тополмаган, аксинча, у бу ишга оид бўлган барча ҳужжатларни бошқа бир қатор қозозлар билан бирга, 17... йилдан буларнинг ҳовлисига ўт кетганда куйиб кетган бўлса ке-рак, деб фараз қиласди; зотан бу ҳол бутун қишлоқ аҳлига ҳам маълум экан. Троекуров томонидан сотилган ҳамда Соболевга ишонч васиқаси ўт-казилган 17... йилдан, яъни Дубровскийнинг отаси вафот қилган 17... йилдан бўён, қишлоқ аҳолисидан 52 кишининг қасамёд қилиб терговда берган жа-добларига кўра, бу жанжалли мулкни 70 йилдан бўён улар — Дубровскийлар ўз тасарруфида сақлаб келганлар, аммо бу ҳақда акт ёки васиқа борлиги уларга маълум эмас. Юқорида қайд этилган бу мулкни сотиб оловчи собиқ провинция котиби Пётр Троекуров томонидан эгаллик қилган-қилмаганлиги ҳақида улар бир нарса дея олмайдилар. Дубровский жанобларининг бундан 30 йил муқаддам кечаси ўт тушиб, бутунлай ёниб кетган қўраси, ўттадаги холис кишиларнинг гувоҳлик беришича, мана шу жанжалли мулк, ўша замоннинг қийинчилигини эътиборга олганда ҳам, ҳар йили камида 2000 сўм-дан даромад келтирган.

Аксинча, шу йил 3 январь куни суд маҳкамасига генерал-аншеф Кирила Пётр ўғли Троекуров кириб, яъни юқорида зикр қилинмиш гвардия поручиги

<sup>1</sup> Титулярний советник — подшо Россиясида давлат идораларида хизмат қилувчи чиновникларга бериладиган мансабларнинг энг пасти.

Андрей Дубровский терговда марҳум отаси Гаврила Дубровский томонидан сотиб олинган мулкнинг титулярний советник Соболевга «олдирилган ишонч қоғозини олиб келишини талаб қилгани, мазкур Дубровский, ҳақиқий васиқа ўёқда турсин, ҳатто 1752 йилдаги фармойиш ва генерал регламентнинг 29 ламчи бобида эслатилган кўрсатмаларга мос келарли бирорта далил ҳам тополмаган. Бундан маълум бўладики, ўша ишонч қоғози, ҳозирги чогда, уни, яъни ишонч қоғозини берувчининг вафотидан кейин, 1818 йил... ламчи майда чиққан фармойиш натижасида ўз-ўзидан бекор бўлган ҳисобланади. Шундай қилиб, бу иш юзасидан кимда етарли ҳужжат бўлса, мазкур жанжалли мулк ана шу ҳужжат әгасининг тасарруфига топширилади.

Генерал-аншеф Троекуров эса, мазкур жанжалли мулк ўзининг отасига қарашли эканлиги ҳақида, исбот сифатида, қонуний васиқани кўрсатгани сабабли, уни қонун кучига эга бўлган маълумотларга асосланган ҳолда, юқорида зикр қилинган ва ноҳақ тасарруф қилиб келган Дубровскийдан олиб, мазкур мулкнинг ҳақиқий меросхўри бўлмиш Троекурова берилсин. Ўз тасарруфидаги бўлмаган ва ҳеч қандай васиқаси йўқ мулкдан келгани даромаддан хотүғри фойдаланиб келгани сабабли, бу даромадларнинг ҳаммаси қанча бўлишидан қатъий назар, помешчик Дубровскийдан увидирилиб, Троекуровнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Қонун ва тафтиш бўйича \*\* уезд судида аниқландики:

Юқорида зикр этилган ва ҳозирги чогда гвардия поручиги Андрей Гаврила ўғли Дубровский тасарруфидаги бўлган Кистеневка қишлоғидаги мулкка генерал-аншеф Кирила Пётр ўғли Троекуров томонидан мукаммал ҳужжат тақдим этилди. Ҳозирги тафтишда кўрсатилишига кўра, у ерда ҳаммаси бўлиб эрлар \*\* жон, ер ва бошқа тегишли нарсалар бор. Мазкур мулкнинг генерал-аншеф Кирила Пётр ўғли Троекуровнинг марҳум отаси — вилоят контиби, сўйпроқ коллекцори бўлмиш Пётр Ефим ўғли Троекурова сотилганлиги тўғрисидаги бу ҳужжат уларга 17... ламчи йил, дворли хизматчи Фадей Спицин тарафидан берилган бўлади. Бундан ташҳари, ўша согиб олувчи, Троекуров, юқоридағи васиқа текширилганда маълум бўлдики, худди ўша йилнинг ўзидаёт \*\* земство суди томонидан мазкур мулкка әталик қилиш уни сотиб олувчи марҳум Троекуровнинг тасарруфига ўтказилганлиги хусусида ҳукм чиқарилгани кўриниб туради. Бунинг аксича, гвардия поручиги Андрей Гаврила ўғли Дубровский мазкур мулк марҳум сотиб олувчи Пётр Ефим ўғли Троекуров томонидан ушинг отаси номига, яъни Дубровский тасарруфига ўтказиб берилганлиги хусусида титулярний советник Соболевга берилган ишончли васиқани келтириб кўрсатади. Аммо мана шундай ҳолларда жонсиз мулк ашёларини ўз тасарруфига олиш... фармойиш бўйича қатъий ман қилинган бўлиб, бундан ташқари, ўшандай ишонч васиқалари берувчининг вафотидан кейинко ўзидан-ўзи йўқ этилгусидир.

Бундан ташҳари, жанжалли мулк ишини қарорда ва қатоҷ бўлганни аниқлаб берадиган, яъни иш бошидан — 18... ламчи йилдан бошлаб ҳозиргача Дубровский томонидан судга бирор ҳақиқий ҳужжат тақдим этилгани ўзи. Шунинг билан бирга ушбу суд ҳисоблайдики: мазкур бир қитъа мулк, \*\* жон одамлари ҳамда ерлари, шунингдек барча мулклари билал, ҳозир қандоқ аҳволда бўяса, ўша ҳолича, қўлида мустаҳкам васиқаси бўлган генерал-аншеф Троекуровнинг мулки деб тасдиқлансан; у мулк әгалигидан, гвар-

дия поручиги Дубровский маҳрум қилиниб, у мулкни Троекуровга ўтказиш хусусида \*\* уезд судига фармойиш берилсин.

Бундан ташқари: генерал-аншеф Троекуров ота-бобосидан қолган бу мулкни, гвардия поручиги Дубровский ўз қарамига олиб ва мазкур ердан келган даромадлардан бир неча йиллар мобайнида ноҳақ фойдаланиб келгани учун, мазкурдан пул даъво қиласди. Бу хусусида кексаларнинг гувоҳлиги билан шу нарса маълум бўлдики: мазкур мулк бир неча йиллар давомида Дубровскийлар қарамида бўлиб келган ва генерал-аншеф Троекуров эса шу чоққача мазкур ердан Дубровскийларнинг ноҳақ фойдаланиб келганилиги тўғрисида бирон-бир марта даъво ҳам қилмаган.

Қонун бўйича, агар бирор киши ўзга бир кишининг ерини экса ёки қўргонлаб олса, бунинг нотўғри эталлаганлиги тўғри исбот этилганда, ҳақ томонига мулкни барча экии ерлари, қўргонлари ва солинган бинолари билан бирга берилиши мумкин. Бу ўринда эса, исботи аниқ бўлмагани учун, генерал-аншеф Троекуров томонидан гвардия поручиги Дубровскийга қилинган пул даъвоси рад қилинсин: чунки унга қарашли бўлган мулкнинг бирор нарсанини ҳам камайтирмай, ўзига қайтариб беради. Борди-ю, генерал-аншеф Троекуров бу ҳукмдан норози бўлса, агар ўз даъвосининг ҳақлигини аниқроқ бирор далил билан исбот қиласа, у ҳолда тегишли бўлган юқори маҳкамагарга арз қилмоғи ҳам мумкин.

Бу ҳукмни даъвогарга ҳам, жавобгарга ҳам ўқиб эшиттирилгач, иккала томоннинг ҳам рози ёки норози эканлигига ушбу суд муҳокамасида полиция орқали имзоларини чектиримоқ зарур. Бу ҳукмга судга иштирок этганиларнинг барчаси имзо чекдилар.

Котиб жим бўлди, маслаҳатчи ўрнидан турди ва икки букилиб Троекуровга таъзим қиласди. Кейин қофозни унинг ёнига қўйиб, имзо чекишини сўради. Тантана қилган Троекуров, маслаҳатчининг қўйидан қаламни олди-да, суд ҳукми остига тўла мамнуният билан қўл қўйди.

Навбат Дубровскийга келди. Котиб қофозни унинг ёнига келтирди, Дубровский бошини қўйи соганича қимир этмасдан турар эди.

Котиб унга ўз илтимосини такрорлади ҳамда ҳукмдан тамом рози бўлганини ёки борди-ю, ўз ишининг ҳақ эканига ишончи комил бўлиб, тегишли жойга шикоят қўймоқчи бўлса, мутлақо норози эканини билдириб, қўл қўйишини сўради. Дубровский чурқ этмади... Кейин бирданига бошини кўтарди, кўзлари ўтдек чақнаб кетди, ер тепинди, сўнгра кучининг борича котибни шундай қаттиқ итариб юбордики, у ағдарилиб тушди, кейин сиёҳдонни олиб маслаҳатчига қараб отди. Ҳамма ваҳимага тушди. У: «Бу нима деган гап! Худонинг черковини оёқ ости қилишлик! Йўқол беорлар!» — деб бақирди. Кейин Кирила Петровичга қараб: «Бу қандай гапки, жаноб олийлари,— деди у давом этиб,— итбоқарлар худонинг уйига итларини олиб киришсин! Черковда итлар изғиб юришсин! Сиз шошманг, мен сизнинг бир адабингизни бериб қўймасам бўлмас экан...» Шовқин-суронли эшитган қоровуллар югуриб киришиб, зўрга уни қўлга олишиди.

Сүнгра ташқарига олиб чиқиб, чанага ўтқазиши. Ундан кейин Троекуров чиқди, уни бутун суд ахли кузатиб қўйди. Дубровскийнинг бирданига жинни бўлиб қолиши Троекуровга қаттиқ таъсир қилди ва унинг тантанасини ҳам заҳарга айлантириди.

Троекуровдан илтифот кутган судьялар, ундан бир оғиз ёқимли сўз эшитолмадилар. У ўша куниёқ Покровское қишлоғига жўнаб кетди. Бу орада Дубровский касал бўлиб, ётиб қолди; унинг баҳтига унча нодон бўлмаган уезд табиби ундан қол олди, сўнгра зулук билан шпан қўнғизи солди. Кечга яқин бемор бир оз ўзига келди. Эртаси куни уни энди деярли қўлидан кетган Кистеневка қишлоғига олиб кетишиди.

### III БОБ

Орадан анчагина вақт ўтди, бироқ бечора Дубровскийнинг аҳволи ҳамон оғир эди. Рост, жиннилик ортиқ авж қилмади, лекин кундан-кунга куч-қувватдан қолиб борарди. У ўзининг аввалги машгулотларини унутиб, уйидан камдан-кам чиқадиган ва туну кун хаёл сурадиган бўлиб қолган эди. Бир маҳаллар Дубровскийнинг ўғлини тарбиялаган Егоровна деган марҳаматли кампир энди унинг ўзига энага бўлиб қолган эди. Бу кампир уни худди бир гўдак боладек парвариш қилас, қай маҳал ухлаш, қай маҳал овқатланиши кераклигини айтар, овқат едирал ва ўрнига ётқизар эди. Андрей Гаврилович кампирнинг ҳамма айтганларига кўнтар ва ундан бошқа ҳеч ким билан гаплашмас эди. Андрей Гавриловичнинг ўз ишлари, рўзғор ва хўжалик юмушлиари тўғрисида ўйлашга қурби етмай қолди. Буни кўрган Егорона ҳамма нарса ҳақида ёш Дубровскийни хабардор қилиши лозимлигини англади. Дубровскийнинг ўғли бу вақтда Петербургдаги гвардиячи пиёда аскарлар полкларининг бирида хизмат қилас, Шундай қилиб, кампир харажат дафтаридан бир варарини йиртиб олиб, Кистеневка қишлоғининг бирдан-бир саводхони бўлмиш ошпаз Харитонга айтиб туриб хат ёздирди ва ўша куниёқ хатни шаҳар почтаконасига жўнатди.

Энди китобхонни қиссамизнинг асл қаҳрамони билан таништириш вақти келди.

Владимир Дубровский кадетлар корпусида<sup>1</sup> тарбияланиб, гвардия корнети унвони билан уни тамомлаб чиқди; Дубровский ўғлини зориқтирумаслик учун ҳеч нарсани аямади, шунинг учун йигит уйидан кутганидан ортиқ ёрдам олиб турди. У жуда исрофгар ва шухратпаст бўлганидан, ортиқча ҳою ҳавасларга берилди; ҳамма ёш йигитлар сингари, ахир бир куни бойвучча қизга уйланиб олиш хаёли билан яшаб, ўзининг келажаги тўғрисида ўйламасди, аксинча, картабозликка берилиб, мудом қарзга ботиб юрар эди.

<sup>1</sup> Кадетлар корпуси — Россияда революцияга қадар бўлган ёпиқ ҳарбий ўқув юрти, бунда офицерларнинг ўғилларидан офицер кадрлар тайёрланар эди.

Бир кун кечқурун бир неча офицер ошилари униги келиб, унинг қаҳрабодан қилинган трубкаларидан чекиб, юмшоқ диванларida ёнбошлаб ётганда, хизматкори Гриша унга бир хат келтириб берди, хатнинг ёзуви ва устидаги муҳрлари йигитни ҳайрон қолдирди. У шошиб хатни очди ба мана шуларни ўқиди:

«Валинеъматимиз Владимир Андреевич, менким, кампир шаганг отагинангнинг аҳволини сенга хабар қилмоқчиман! Унинг аҳволи жуда ёмон, эртадан кечгача тентак болага ўхшаб, индамасдан ўтиради, баъзан пойма-пой гапиради. «Банданинг жони — худонинг моли» деганлар. Тулпорим болам, тезроқ этиб кел. Биз сени олиб келиш учун Песочноега от-арава чиқармиз. Эшитдикки, земство суди бизникига келиб ҳаммамизни Кирила Петрович Троекуровнинг қўлига топширап эмиш, нимага десанг, биз унга қарашли эмишмиз, ваҳоланки биз азалдан сизжарники бўламиз ва умримиз бино бўлиб мундоқ гапларни эшитмаган эдик. Сен, ахир Петербургда турибсан, бу аҳволни бир оғиз гап билан подшоҳимизга билдириб қўйсанг, наинки, бизга мунчалик озор етишига йўл қўймасми эди, деб сенинг вафодор қўниг — энаганг:

Орина Егоровна Бузирева.

Шу хат билан Гришага ҳам ўзимнинг оналик саломимни юборман; у сенга яхши хизмат қиляптими? Бу ерда икки ҳафтадан бери ҳеч тинмасдан ёмғир ёғяпти, Миколина ҳайитига яқин поՃчи Рода қазо қилди».

Владимир Дубровский анчагина тўмтоқ бўлган бу сатрларни ўйр ҳаяжон билан бир неча марта ўқиб чиқди. У болалигидаёқ сависидан ажраган ва отасини ҳам тузуккина билмасдан туриб, саккиз ёшида Петербургга олиб келинган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, у отасига жуда қаттиқ кўнгил қўйган ва оиласвий ҳётнинг сокин севинчларини жуда оз тотган бўлишига қарамай, бу ҳаётни ҳам жон-дилидан севар эди.

Отасидан ажраб қолиш тўғрисидаги фикр унинг юрагини парчалар, энагасининг хатидан бечора беморнинг аҳволи анча оғир эканнини фаҳмлар ва бу нарса уни ваҳимага солар эди. У узоқ бир қишлоқда, эси паст бир кампир билан хизматкорлар қўлига қараб қолган, аллақандай хавф-хатарга маҳкум этилган ва бирор кимсадан ёрдам кўрмай, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоблар ичидага сўниб бораётган отасини кўз олдига келтирап эди. Шундан кейин у, ўзини кечириб бўлмайдиган бепарволикда айблади. Чунки у кўп замонлардан бери отасидан ҳеч хат-хабар олмаган ва уни сафарда ёки хўжалик ташвишлари билан озорадир, деб ўйлаб, унинг ҳолидан хабар олишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Модомики касал отасининг аҳволи Владимирнинг ўша ерда бўлишини тақозо қилар экан, у дарҳол отасининг олдига жўнашга, ариза бериб хизматдан бўшашга жазм қилди. Унинг безов-

талаңганини күрган ўртоқлари уй-уйларига жұнаб кетиши. Владимир ёлғыз қолғач, отиуска учун рухсат сүраб ариза ёзди, кейин трубкасини тутатиб, чуқур хаёлларга ботди.

У ўша куниәк отиуска олишга ҳаракат қилди ва уч кундан кейин йўлга тушди.

Владимир Андреевич Кистеневка қишлоғига буриладиган бекатга яқинлашиб келар экан, унинг кўнгли ғаш бўлиб, отасини кўрмай қолишдаи ваҳимага тушар ва бундан бўён қишлоқда ўтадиган диққинафас ҳаётни кўз олдига келтирап эди. Бу ҳаёт унинг кўзига чекка бир қишлоқда, танҳоликда ўтадиган фақирликдай ҳамда ўзига бутунлай нотаниш бўлган ишлар кетидан югуришдай кўринар эди. У бекатга етиб келгач, назоратчининг олдига кириб, ундан, бўш от борми, деб сўради. Назорагчи унинг қайси қишлоққа боришини суриштириб билгандан кейин Кистеневка қишлоғидан келган от-арава уни тўрт кундан бери шу ерда кутиб ётганини айтди. Кўп ўтмай Владимир Андреевичнинг олдига кекса кучер Антон кириб келди. У бир замонлар Владимирни отхонага олиб кириб томоша қилдираш ва унинг тойчасини боқар эди. Владимир Андреевични кўрган ҳамон Антон кўзига ёш олди ва икки букилиб унга таъзим қилди, сўнгра кекса бариннинг ҳозирча тирик эканини айтиб, араванин қўшгани югурди. Владимир Андреевич ионушта қилмасданоқ, шошиб жўнаб кетди. Антон отни қишлоқ йўлига солди ва йўл-йўлакай икковларя сўзлашиб кетишиди.

— Марҳамат қилиб айт-чи, Антон, отам билан Троекуров ўртасида нима гап ўтди ўзи?

— Худонинг ўзи билади буни, азизим Владимир Андреевич... Хўжайнимиз, афтидан, Кирила Петрович билан чиқишлимай қолди шекилли, шундан кейин гарчи унинг ўзидан ўтадиган суд бўлмаса ҳам, у бизнинг хўжайнимизни судга берди. Барийларнинг ишига аралашиш биз фақирларнинг иши эмас. Очигини айтганда, отангиз Кирила Петрович билан олишиб бекор қилди. шундоқ, унга тенг келиб бўлмайди ҳеч.

— Бундан чиқдики, Кирила Петрович бу ерда хоҳлаган ишини қиласр экан-да?

— Шундай, бегим, у маслаҳатчини сариқ чақага ҳам олмайди, испиравник унинг хизматида югуриб юради. Жапоблар қуллуқни бажо келтириб, унинг уйига келиб-кетиб туришади, хўрак бўлгандан кейин, чўчқалар келаверади-да, бегим.

— У одам бизнинг мулкимизни ғортиб олмоқчи бўлганя ростми?

— Э-э, бегим, биз ҳам шундай деб эшитдик. Яқинда оқсоқолимиз бешик тўйи қилган эди, шунда Покровское қишлоғининг попомари<sup>1</sup>: ўйин-кулгини бас қилинглар энди; Кирила Петровичнинг қўлида ҳаммангиз таъзирларингизни ейсизлар ҳали, деди. Шунда темирчи Митка туриб: бўлмагур гапларни қўй, Савельич,

<sup>1</sup> Пономарь — проваслав черковида энг қуий даражадаги руҳоний.

күнгилни ғаш қимма, меҳмонларнинг орасига ғулгула солма, Кирила Петрович ҳам ўз йўлига, Андрей Гаврилович ҳам ўз йўлига, ҳаммамиз худонинг қулларимиз, эл оғзига элак тутиб бўладими, гапиришаверади-да, деб айтди.

— Бундан чиқди, Троекуровнинг қўлига ўтишини хоҳламас экансизлар-да?

— Кирила Петровичнинг қўлига ўтиш дейсизми? Худо сақласин ундан, унинг ўз одамлари қийналиб ўлаётитти-ку, бегона одамлар унинг қўлига тушса борми, уларнинг терисини эмас, этларини ҳам шилиб олади. Йўқ, худо Андрей Гавриловичнинг умрини узоқ қилсин, агар қазоси етиб, узиладиган бўлса, сиз отахонимиздан бошқа бизга ҳеч кимнинг кераги йўқ. Сиз бизни бериб қўймасангиз бас, биз сизни деб маҳкам турамиз.

Антон шу сўзларни айтаркан, қамчисини отлар устида ўйнатди, тизгинларини силтаб тортди, отлар қаттиқ йўртиб кетди.

Кекса кучернинг вафодорлигидан таъсиранган Дубровский жим бўлиб, хаёлга чўмди. Бир соатдан кўпроқ вақт ўтгач, Гриша бирданига: «Ана, Покровское!», — деб унинг хаёlinи бўлди. Дубровский бошини кўтарди: арава кенг бир кўл ёқасидан борар, кўлдан чиқаётган анҳор эса адирлар орасидан буралиб оқар эди. Бу адирларнинг биридан ҳашаматли ғишин иморат шийпони ва унинг кўкка бўялган тунукаси кўриниб турар, иморатнинг атрофи эса ям-яшил ўрмон эди; иккинчи адирга беш қуббали черков ва қадимий бир жомхона қурилган эди. Ён атрофни эса полизлари ва қудуқлари билан деҳқонларнинг кулбалари тўлдирган эди. Дубровский бу жойларни таниди; у бир замонлар худди шу адирнинг устида Троекуровнинг қизи Маша билан ўйнаб юргани чоғларини эслади, ўзидан икки ёш кичик бўлган бу қизчанинг келажакда чиройли бўлиши ўша вақтдаёқ билиниб турар эди. Дубровский қиз тўғрисида Антондан баъзи нарсаларни сўрамоқчи бўлди-ю, лекин негадир уялиб сўраёлмади.

Улар Кирила Петровичнинг ҳовлисига яқинлашганларида, Владимир bogчадаги дараҳтлар орасида бир қиз оппоқ кўйлаганини ҳилпиратиб юрганини кўрди. Ҳамма қишлоқ кучерлари ва извончилиари сингари ғуурурдан холи бўлмаган Антон, отларга қамчи босиб, кўприкдан ва қишлоқ ёнидан чоптирганича ўтиб кетди. Қишлоқдан чиққач, арава тепаликка кўтарила бошлиди. Тегага чиққан ҳамон Владимирнинг кўзига қайинзор кўриниди, чапда — сайҳонликда эса, нурсизгина, тунукаси қизилга бўялган бир бинони кўриб, унинг юраги така-пука бўла бошлиди; у Кистеневка қишлоғи ва отасининг кўримсиз уйи қаршисида турар эди.

Ўн минутдан кейин Владимир ўз ҳовлисига кириб борди. У атрофига ниҳоятда ҳаяжонланиб қарап эди. Чунки у ўзининг тугилиб ўсан жойини ўн икки йилдан бери кўрмаган эди-да! Болалигида деворлар тагига ўтқазилган ёш қайин дараҳтлари, эндиликда ўсиб серкўланка бўлиб кетганди. Бир замонлар бу ҳовлига режаси яхшилаб тортилган уч тахта ажойиб гулзор ҳусн

бериб турарди. Гулзор ўртасида яхшилаб супуриб туриладиган кенггина йўлка ҳам бўларди. Энди эса бу ери тизза бўйи ўт босиб кетган бўлиб, ичида тушовланган бир от юарди. Итлар бир қур ҳурмоққа бошлаган эди, Антонни кўриб жим бўлиб қолди ва пахмоқ думларини ликиллатиши. Хизматкорлар уй-уyllарида чиқиб, шовқин-сурон билан ўз севинчларини билдириб, ёш баринни қуршаб олишди. Владимир улар орасидан зўрга ўтиб, эски пешайвон томон югорди. Даҳлиизда унга Егоровна дуч келди. Кампир ўзи тарбиялаган болани бағрига босиб, юмюм йиглади. Владимир бу марҳаматли кампирни ўз бағрига босаркан:

— Ҳа, омонмисиз, омонмисиз, энажон! — дерди қайта-қайта. — Хўш, отамга нима бўлди? Қаерда ўзи? Аҳволи қалай?

Шу вақт залга зўрга-зўрга қадам босиб, баланд бўйли, ранги зальфарон, озғин, яктақ ва қалпоқ кийган бир чол кириб келди ва у эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Омонмисан, Володъя! — деди. Владимир отасини қаттиқ бағрига босди. Шодлик касалга қаттиқ таъсир қилганидан бўлса керак, унинг дармони қуриб, оёқлари буқчайиб кетди, агар Владимир уни ушлаб қолмаганда, чол йиқилган бўларди.

— Нега ўрнингдан турдинг? — деди унга Егоровна. — Оёқ босиб тургани ҳоли йўгу тагин одамларнинг кетидан югурмоқчи бўлади.

Чолни ўз жойига олиб кириб ётқизиши. У ҳарчанд ўғли билан сўзлашибишига тиришса ҳам, фикрлари чалкашиб кетиб, оғзидан маъносиз, пойма-пой сўзлар чиқар эди. Кейин овози чиқмай, жим бўлиб қолди. Отасининг аҳволи Владимирга қаттиқ таъсир қилди. У отаси ётган уйга жойлашди-да, уларни ҳоли қолдиришларини сўради. Шундан кейин ҳамма Гришани ўртага олди ва уни хизматхонага бошлаб олиб киришиб, қишлоқча одат билан обдан меҳмон қилишди, ҳол-аҳвол сўрашиб, турли-туман сўроқлар билан унинг тинка-мадорини қуритишиди.

#### IV БОБ

Нози неъмат стелида  
Энди тобут турарди<sup>1</sup>.

Ёш Дубровский ўз уйига қайтиб келгандан бир неча кун кейин, ишга киришмоқчи бўлди, бироқ отасининг керакли маълумотларни беришга ҳоли келмаганидан, ишни нимадан бошлашин билмади. Бунинг устига, Андрей Гавриловичнинг мирза тутмаслиги ишни яна ҳам оғирлаштириб юборди. Отасининг

<sup>1</sup> Бу өлиграф Г. Р. Державиннинг «Князь Мещерский вафотига» деган шеъридан олинган.

қоғозлариниң күздан кечирап әкан, у маслаңатчининг биринчи хати билан у хатга ёзилган жавобнинг дастлабки қора нусхасини топиб олди. Лекин у қоғозлар мазмунидан отасининг бошига тұшған мусибат ҳақида алиқ бир тасаввур ололмади. Шундан кейин у бу ишнинг отаси фойдасига ҳал бўлишига умид боғлаб, унинг натижасини кутишга қарор қилди.

Бу орада Андрей Гавриловичнинг аҳволи борган сари оғирдашиб борарди. Владимир отасининг яқин ўртада вафот этажагини билиб, болага ўхшаб қолган чолнинг ёнидан силжимасди.

Бу орада норозилик аризаси бериш муддати ҳам ўтиб кетди. Кистеневка қишлоғи энди Троекуровнинг ихтиёрига ўтди. Троекуровни қутлаш ва унга чуқур әхтиромини изҳор этиш ҳамда янги қўлга киритилган мулкни идора қилиш ишига марҳаматли жаноби өзийларининг қачон киришмоқчи бўлганиларини ва у мулкнинг тасарруфига ўзлари киришадиларми ё бошқа бирор кишига ваколат берадиларми — мана шуларни сўраш учун Шабашкин унинг олдига келди. Кирила Петрович ноқулай аҳволга тушиб қолди. Чунки унинг табиатида асли гаразгўйлик йўқ эди. Уч олиш нияти уни бутунлай адаштириб юборганидан энди унинг виждони азсланаётган эди. Ешлиқдан ўртоқ бўлиб бирга ўсган, лекин энди душмани бўлган одамнинг ҳозир қайси аҳволда ётганини у билар ва шунинг учун ҳам бу галаба унинг кўнглини қувонтирмас эди. Троекуров бирор баҳона топиб, Шабашкинни сўқиб бериш мақсадида, хунук бир важоҳат билан унинг юзига тикилди, бироқ арзигудек важ тополмай, ғазаб билан:

— Тур, йўқол, сенга кўзим учиб тургани йўқ! — деб жеркиб ташлади.

Шабашкин Кирила Петровичнинг кайфи жойида эмаслигини кўриб, таъзим қилди-да, тезгина чиқиб кетди. Кирила Петрович ёлғиз қолгач: «Зафар гулдуроси, янгра!»<sup>1</sup> куйига ҳуштак чалиб, уйининг у бошидан бу бошига юра бошлади; зотан, бу ҳол унинг жуда кўнгли безовталигини кўрсатар эди.

Ниҳоят, у пойга аравасига от қўшишни буюрди ва қалинроқ кийинди-да (чунки сентябрь охирлари эди), аравани қўрадан ўзи ҳайдаб чиқиб кетди.

Кўп ўтмай, Андрей Гавриловичнинг уйини кўрди ва Кирила Петровичнинг кўнгли қарама-қарши ҳислар билан тўлди. Қасос олиб кўнгли таскин топиш ва гурур олижаноб ҳисларни бир қадар босиб кетди. Лекин шунга қарамай, олижаноб ҳислар ниҳоят тантана қилди. Кирила Петрович қадрдан қўшниси билан яршишга, мол-мулкни қайтариб бериб, орадаги адоват изларини тағомила йўқотишга жазм қилди. У шу яхши ният билан кўнг-

<sup>1</sup> Бу мисра ҳам Г. Р. Державиннинг (1791) «Измаилнинг олиниши шарағита киазъ Потёмкин уйидаги тантананинг тафсил» деган шеъридан олинган.

лига таскин бериб, қўшнисининг қўргони томон отларини елдириб кетди ва тўппа-тўғри унинг ҳовлисига кириб борди.

Бу вақт бемор ўз ётогининг, деразаси олдида ўтиради. У Кирила Петровични кўриб, юзида ваҳимали бир безовталик пайдо бўлди: ҳар доким оппоқ оқариб турадиган юзлари қип-қизарид, кўзлари чақиаб кетди ва бир нималар деб гўлдираган бўлди. Унинг ёнида хўжалик дафтарларини кўзидан кечириб ўтирган ўгли бошини кўтариб отасига қаради-ю, отасининг аҳволига ҳайрон бўлиб қолди. Бемор ваҳима ва ғазаб ичидаги бармоғи билан ташқарига ишора қилди. У ўрнидан турмоқчи бўлиб апил-тапил чепонининг этакларини йиғиштириди ва юмшоқ курсидап бир оз кўтарилид-ю... бирдан йиқилиб тушди. Ўгли отаси томон отилди. Чол ҳушсиз, якка нафас бўлиб қолган эди.

— Тез бўлинг, шаҳарга табибга чопинг! — деб қичқирди Владимир. Шу орада хизматкор кириб:

— Сизни Кирила Петрович сўраяпти,— деди.

Владимир уйга даҳшатли назар ташлади.

— Кирила Петровичга чиқиб айт, мен уни эшикдан ҳайдаб чиқаришмни кутмасдан, тезроқ йўқолсин. Бор!

Хизматкер хўжайинининг буйругини бажариш учун хурсанд бўлиб, югуриб чиқиб кетди. Егоровна эса қўлини силкитиб, чиyllаган овоз билан:

— Жон болам, бошингни кулфатга қўйма! Кирила Петрозич ҳаммамизни еб ташлайди,— деди.

— Жим тур, энажон,— деди Владимир аччингланиб,— Атонки ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳарга, табибга юбор.

Энага чиқиб кетди. Олдинги уйда ҳеч ким йўқ, ҳамма Кирила Петровични кўриш учун ташқарига чиқиб кетган эди. Энага зинага чиқиб, ён хўжайин номидан айтилаётган сўзларни эшигди. Унинг юзи тун сингари қорайиб кетди ва нафрат билан бир кулимсираб қўйди-да, хизматкорларга дарғазаб назар ташлаб, секин отининг бошини силтади ва ҳовли олдидан ўтиб кетди. У бундан бир минут илгари Андрей Гавrilovich ўтирган деразага қаради, лекин энди уни кўрмади. Энага бўлса, ёш хўжайининиң буйругини эсидан чиқариб, зинапояда серрайиб турарди. Бошқа хизматкорлар эса ғовур кўтариб, бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида сўзлашардилар. Бирдан Владимир одамлар олдига чиқди-да, дона-дона қилиб:

— Табибининг кераги йўқ, отахоним жон берди,— деди.

Олаговур кўтарилиди. Одамлар катта хўжайин ётган уйга қараб югуришди. Унинг ўнг қўли Владимир ётқизиб қўйган преслодан полга тегай-тегай деб осилиб турарди, боши кўкрагига энгашган эди. Ҳали совимаган, лекин жони узилиши биланоқ изожоҳати ўзгариб кетган танада ҳаёт асари қолмаган эди. Егоролна фарёд кўтариб йиглади. Хизматкорлар мурдани ўраб олиниди. Уни ювинтириб, 1797 йилда тикитирилган мундирини кийгизишиди, сўнг олиб бориб катта стол устига ётқизишиди. Бу стол атрофида улар хўжайинларига бир неча йил хизмат қилган эдилар.

Уч кундан кейин дағы маросими бўлди. Бечора чолнинг жасади кафандга ўралган, атрофида шамлар ёқилган ҳолда стол устида ётарди. Емакхона хизматкорлар билан тўла эди. Тобутни олиб чиқиш учун ҳозирлик кўрардилар. Владимир билан яна учта хизматкор тобутни кўтардилар. Поп олдинга тушди. Дъячок жаноза оятларини ўқиб, попнинг орқасидан юрди. Кистеневканинг эгаси сўнгти марта ўз ҳовлиси бўсағасидан ташқарига чиқди. Тобутни ўрмондан олиб ўтдилар. Черков ўрмоннинг орқасида эди. Ҳаво очиқ ва совуқ бўлиб, дараҳтлардан кузги япроқлар тўкилиб турарди.

Ўрмондан чиқилгач, Кистеневка қишилогининг ёғочдан солинган черкови, кекса липа дараҳтлари билан ўралган қабристон кўринди. Владимирнинг онаси шу ерга кўмилган бўлиб, унинг ёнидан кеча янги бир сагана қазилган эди.

Черковнинг ичи хўжайнларига сўнгги марта таъзим қилиш учун келган Кистеневка деҳқонлари билан тўлган эди. Ёш Дубровский тобут ёнида туаркан, на йиглар ва на ибодат қиласар эди. Аммо авзойи жуда бузуқ кўринарди. Мотам маросими тугади. Марҳум билан видолашгани даставвал Владимир, унинг кетидан ҳамма хизматкорлар келди, сўнг қопқоқни олиб келиб тобутни михладилар. Хотин-халажчуввос солиб йиглаб юборди; мужиклар кўз ёшларини муштлари билан артиб қўярдилар. Владимир билан бояги учала хизматкор тобутни кўтариб қабристон томон йўл тутди, бутун қишлоқ аҳолиси улар кетидан эргашди. Тобут саганага туширилди, ҳамма бир сиқимдан тупроқ ташлади, гўрга тупроқ тортилди, одамлар қабрга таъзим қилишди ва тарқалишди. Владимир жадал юриб ҳаммадан ўзиб кетди ва Кистеневка ўрмонига кириб ғойиб бўлди.

Егоровна попни ва черковнинг бошқа одамларини Владимирнинг номидан фотиҳа ошига чақирди ва бунда ёш бариннинг иштирок этмоқчи эмаслигини айтди; шундай қилиб, поп Антон, хотини Федотовна, дъячок ва Егоровна тўртталаси бариннинг ҳовлисига пиёда жўнашди ва йўл-йўлакай улар марҳумнинг хайру саховати, унинг вориси бошига тушиши мумкин бўлган воқеаларни гаплашиб бордилар (Троекуровнинг Кистеневкага келгани, унга ёш Дубровскийнинг қилган муомаласи бутун маҳалла-кўйига эшитилган бўлиб, қишлоқ сиёсатдонлари бу воқеанинг муҳим оқибати бўлажагини олдиндан каромат қиласардилар).

— Нима бўлса кўрамиз,— деди поп хотини.— Аммо бошимизда Владимир Андреевич турмаса ёмон бўлади. Яхши бола чамаси, омон бўлгур!

Егоровна унинг сўзини бўлиб:

— Бизнинг бошимизда у турмасдан ким турарди?— деди.— Кирила Петрович кўп қутурмаса ҳам бўларди, ундан қўрқадиган одам йўқ; менинг лочиним ўзини ўзи қўрий олади, худо хоҳласа, яхши одамлар уни ёлғиз қўймас. Ўлгудек юзи қора

одам бу Кирила Петрович, лекин менини тириккам унга. Алуқол бу ердан қари күппак! Чиқ ҳовлидан!» — деб бақирганды, думини қисиб қолди-ку!

— Эх, Егоровна,— деди дъячок,— Кирила Петровичга ўшандай дегани Григорийнинг қандай тили борди экан, а! Мен энг каттамизга ит бўлиб ирилласам ириллайманки, аммо Кирила Петровичга сира ҳам бетлай олмайман. Чунки уни кўрган ҳамон жоним чиқиб, дир-дир титраб, тиззаларим ўзидан-ўзи букилиб, бўйним эгила бошлади...

— Беҳуда гап ҳаммаси,— деди поп,— бир кун келадики, мана шу Андрей Гавrilovichga ўхшаб, Кирила Петровичнинг ҳам жанозаси ўқилади, жуда нари борса унинг фотиҳа оши буникидан каттароқ бўлар, аммо худонинг даргоҳида бари бир!

— Э, тақсир! Биз ҳам фотиҳа ошига маҳалла-кўйнинг ҳаммасини чақирмоқчи эдик, бироқ Владимир Андреевич унамади. Ҳар қалай бизнинг ҳамма нарсамиз мўл, нимани хоҳласангиз шу билан сийлаб, нима десангиз шуни тайёр қилиб бера оламиз. Майли, энди маҳалла-кўй бўлмаса, сизларни яхшилаб сийлармиз, азиз меҳмонлар.

Бу ширин ваъдалар ҳамда сертаом дастурхонга етишиш умиди сұхбатдошларнинг қадамларини илдамлаштириди ва улар сиҳат-саломат марҳумнинг ҳовлисига етиб келдилар. Булар келгандаги дастурхонлар ёзилган, таомлар қўйилган бўлиб, ароқ тайёр турар эди.

Бу орада Владимир кўнглидаги қайгуни йўл юриб ва ҷарчаш билан пасайтиromoқчи бўлиб, ўрмоннинг ичкарисига кириб кетди. У тўғри келган йўлдан борар эди; шоҳлар унинг у ер-бу ерига тегиб тимдалар, оёқлари тез-тез ботқоққа ботар, бироқ унинг ўзи ҳеч нарсани сезмас эди. Ниҳоят, у ҳар томони ўрмон билан ўралган кичкина бир пасқам жойга чиқди; куз чоги ярим яланночланган дараҳатлар тагидан бурала-бурала жимгина бир ариқча оқиб ётарди. Владимир шу ерда тўхтаб, муздек чимга ўтириди, кўнглига бир-биридан хунук бўлган ўйлар кела бошлади... У ўзининг ёлғизлигини қаттиқ ҳис қилди. Келажак унинг кўзига қора булатлар билан қопланган ҳолда кўринарди. Троекуров билан бўлган душманлик унга янги баҳтсизликлардан хабар берар эди. Унинг кичик давлати бошқа одам қўлига ўтиб кетиши ва у ниҳоят фаҳирилкда қолиши мумкин эди. У бир нечта қуриган япроқчаларни оқизиб кетаётган ариқчанинг оҳиста оқимиға тикилиб, қиммир этмасдан узоқ ўтириди, бу оқим унга одатдаги ҳаёт оқимини эслатди. Ниҳоят у қоронги туша бошлаганини пайқаб, ўринидан турди ва уйига кетадиган йўлни ахтара бошлади; йўлни топгунча, бу таниш бўлмаган ўрмойда анчагача адашиб юрди ва ниҳоят бир сўқмоқ йўлга тушиб олди-да, шу йўл билан у тўппа-тўғри ўз уйи олдига етиб келди.

Дубровскийнинг қаршисидан ўз қавмлари билан кетаётган поп чиқиб қолди. Шу ҷоқ унинг ҳаёлига: бу яхшилик аломати эмас, деган бир фикр келди-да, у беихтиёр бир четга бурилиб,

ўзини дараҳтлар панасига олди... Улар Дубровскийни кўришмади, балки ўзаро қизгин гаплашиб, унинг ёнидан ўтиб кетиши.

— Емон ишга ёндашма, яхши ишдан адашма,— деди поп ўз хотинига.— Бу ерда қолишимизнинг ҳеч ҳожати йўқ. Бу иш нима билан битмасин, сенга дахли йўқ.

Попнинг хотини алланималар деб жавоб қайтарди, бироқ уни Владимир эшифтади.

Дубровский уйига яқинлашгач, бир тўда оломонни кўрди, унинг ҳовлиси дехқонлар билан хизматкорларга тўла эди. Олисдан шовқин ва олаговур эшитиларди. Омбор олдидан от қўшилган иккита фойтун бўлиб, мундирли сюртук кийган бир неча нотаниш одам алланарсаннинг маслаҳатини қилиб айғонда туришарди.

— Бу нима гап?— деб аччиғланиб сўради Владимир ўзига томон югуриб келган Антондан.— Булар ким, қандай иш билан келишиши?

— Оҳ, отахонимиз, Владимир Андреевич!— деб нафаси бўғизига тиқилиб жавоб берди чол.— Булар суд одамлари. Улар бизни сенинг лутфи карамингдан жудо қилиб, Троекуровга топширишмоқчи...

Владимир бошини қутии солди, одамлари баҳтсиз хўжайинни қуршаб олиши.

— Отахонимиз!— деб улар Владимирининг қўлларини ўпига қичқиришар эди.— Бизлар сендан бўлак баринни хоҳламаймиз, амр қилсанг суднинг таъзирини берардик, ўлсак ўламизки, сени хафа қилдириб қўймаймиз.

Владимир уларга қаараркан, кўнглини ғалати ҳислар тўлқинлатар эди.

— Сизлар жим туринглар,— деди у ўз одамларига.— Бу амалдорлар билан ўзим гаплашаман. Оломон орасидан кимдир унга:

— Ҳа, гаплаш, отахон, таъзирини бир бериб қўй бу муттаҳамларни!— деб қичқирди.

Владимир чиновниклар ёнига борди. Шабашкин бошида картузи ва икки қўли белида, кибр билан ён-берига қарап эди. Баланд бўйли ва семизгина, ёши элликларга борган, қизил юзли ва шоп мўйловли исправник ўзига яқинлашиб келаётган Дубровскийни кўргач, бир томоқ қириб олди-да, ҳирқироқ овоз билан гапира кетди:

— Шундай қилиб, мен айтган гапларимни яна тақрорлайман: уезд судининг ҳукмига мувофиқ, ушбу кундан эътиборан ҳаммангиз Кирила Петрович Троекуровнинг қарамоғига ўтасиз. У киши ўз измларини Шабашкин жанобларига бердилар. Бино-барин, ҳаммаларингиз бу одамнинг барча буйруқларига сўзсиз итоат қилурсиз... Сиз, аёллар эса уни севимг ва ҳурмат қилинг, ўзи ҳам сизларга жуда ўч.

Бу ҳазил чоғида исправникнинг ўзи ҳам хоҳолаб кулиб юборди. Шабашкин ва бошқалар исправникка қўшилиб кулиши.

Владимирнинг қопи қайнаб кетди. У ўзипи ясама совуққонликка солиб, ҳалиги хушчақчақ исправникдан:

— Марҳамат қилиб, айтиб беринг-чи, бу нима деган гап ўзи?— деб сўради.

— Бу шундай деганимки,— деб жавоб берди ҳийлагар чиновник,— биз бу ерга мана шу мулкни Кирила Петрович Троекурова ўтказгани ҳамда бошқа бекорчиларнинг яхшилика омон-эсон бу ердан жўнаб қолишларини сўрагани келдик.

— У ҳолда, сиз помешчикнинг ҳукмронлиги бекор қилинганини менинг деҳқонларимга айтгандан кўра, ўзимга айтсангиз бўлмасмиди...

— Сен кимсан ўзинг?— деди Шабашкин унга ўқрайиб қараб.— Собиқ помешчик Андрей Гаврила ўғли Дубровский қазоси етиб ўлиб кетди, биз сени танимаймиз ва танишни истамаймиз ҳам.

— Бу киши бизнинг ёш баринимиз Владимир Андреевич бўладилар,— деди оломон ичидан бир киши.

— Ким у валдираётган?— деди исправник ўдагайлаб.— Қанақа барин, қандай Владимир Андреевич? Сизларнинг баринингиз— Кирила Петрович Троекуров бўлади, эшиздингизми, гаранглар?

— Йўқ, ундай эмас!— деди яна ўша овоз.

— Бу исён-ку!— деб қичқирди исправник.— Ҳай, оқсоқол, қаердасан!

Оқсоқол олдинга чиқди.

— Ҳозир топ, ким экан у мён билан айтишган, адабини бериб қўйай!

Оқсоқол ким гапирганини оломондан сўради. Ҳеч ким чурқ этмади, кўп ўтмай орқада шивир-шивир гап бошланди ва у тобора кучайиб, бирнасда даҳшатли олаговурга айланди. Исправникнинг нафаси ичига тушиб, ётиги билан оломонни босмоқчи бўлди.

— Нега қараб турибсизлар, йигитлар! Йўқолсин улар!— деб қичқирди ҳалойиқ ва босиб кела бошлади.

Шабашкин ва бошқа чиновниклар шошиб-пишиб ўзларини даҳлизига урдилар ва ичкарига кириб эшикни ичидан беркитиб олдилар.

— Йигитлар, босинглар!— деб қичқирди яна ўша овоз. Оломон ёпирилаверди...

— Тўхтанглар!— деб бақирди Дубровский.— Аҳмоқлар! Бу нима қилганингиз? Бу аҳволда сизлар ўзингизни ҳам, мени ҳам бекорга нобуд қиласизлар. Тарқалинг уй-уйингизга, мени ўз ҳолимга қўйинг! Қўрқманг, подшоҳимиз одил, мен ундан илтимос қиласман, у бизни ранжитмайди... Ҳаммамиз унинг фарзандимиз. Агар сиз бундай исён кўтариб, қароқчиллик йўлига ўтсангиз, у ҳолда ҳазрати бузрукворимиз сизларни ҳимоя қилолмайди.

Ёш Дубровскийнинг бу сўзи, жаранглаган овози ва келишган қадду қомати оломонга кўнгилдагидек таъсир қилди. Ҳалойиқ

ҳовуридан тушиб, уй-уйига тарқалди, ҳовли бүшаб қолди. Амалдорлар даҳлизда ўтирап эди. Нихоят, Шабашкин эшикни секингина очиб, зина айвонига чиқди-да, таҳқирланган каби Дубровскийга иккى букилиб таъзим қилди ва меҳрибонлик билан ҳимоя қилгани учун унга миннатдорлик билдириди.

Владимир унинг сўзларини нафрлатланиб туриб тинглади-ю, жавоб бермади.

— Ижозатлари билан,— деб сўзида давом этди маслаҳатчи,— биз шу кеча шу ерда тунашга жазм қилдик; негаки, қоронги тушиб қолди, тагин мужикларингиз йўлда бизга ҳужум қилиб ўтиришмасин. Марҳаматингизни дарига тутмай, хизматкорларингизга бўйруқ берсангиз, меҳмонхонага ҳеч бўлмаса пичан солиб берсалар. Тонг отар-отмас, биз жўнаб кетамиз.

— Билганингизни қилинг,— деб жавоб берди Дубровский совуққина,— мен энди бу ерда хўжайин эмасман.

У шу сўзларни айтиб, отасининг уйига кириб кетди ва эшикни ичидан беркитиб олди.

## VI БОБ

«Шундай қилиб, ҳаммаси тамом бўлди — деди у ўз-ўзига,— бугун эрталаб бошпанам ва бир бурда ноним бор эди. Эртага эса ўзим туғилиб ўсган ва отам вафот этган уйни отамнинг ўлимига ва менинг гадо бўлиб қолишимга сабаб бўлган кишига ташлаб чиқиб кетишим керак». Унинг кўзлари онасининг портретига тикилганича қолди. Рассом снасини панжарага суюнган ва эрталабки оқ қўйлакда, сочига биттагина қизил гул тақиҳан ҳолда тасвир қилган эди. «Бу сурат ҳам оиласиз душманига қоладиган бўлди,— деб ўйлади Владимир,— уни энди синиқ курсилар билан бирга омборга ташлашади, ё бўлмаса, итбоқарларига мазах ва әрмак бўлиши учун даҳлизга осиб қўйилади. Онамнинг ётоқхонасига, отам жон берган хонага эса унинг приказчиги кўчиб киради, ёки ўзи учун ишратхона қилиб қўяди. Йўқ! Йўқ! Менга насиб бўлмаган бу қайгули макон, унга ҳам насиб бўлмасин!» Владимир тишлирини маҳкам қисди, унинг миясида қўрқинчли ўйлар туғилди. Қулогига пораҳўрларнинг хўжайнинлик қилишгаётган овозлари эштилар, улар дам уни қил, дам буни қил деб талаб этардилар, бу эса унинг ғамгии ўйлари орасида ёқимсиз овунчоқ каби туюларди. Нихоят, ҳаммаёқ жимиб қолди.

Владимир комод ва ғаладонларни очиб, марҳум отасининг ҳозозларини кўздан кечира бошлади. Уларнинг кўпчилиги хўжалик ҳисоблари ва турли ишларга оид хатлардан иборат эди. Владимир уларни ўқимасданоқ йиртиб ташлади. Булар орасидан бир пакет чиқди, унинг устига: «хотинимнинг жактублари» деб ёзиб қўйилган эди. Владимир қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда хатларни ўқий бошлади: бу хатлар Туркия юриши вақтида ёзилган

бўлиб, Кистеневка қишлоғидан армияга жўнатилган эди. Онаси ўзининг бу хатларида эрига гарниб ҳаёти ва рўзгор юмушлари тўғрисида ёзаркан, унга ёқимли сўзлар билан айрилиқдан шикоят этиб, уни ўз уйига, ўз севимли қучогига чорлар эди. Хатларининг бирида у кичкина Владимирнинг соғлиғи тўғрисида ташвишланганини хабар қилган бўлса, яна бирида эса боласининг ҳалитданоқ кўринаётган қобилиятига қувонганини айтиб, келажаги бахтли ва порлоқ бўлишини изҳор этган эди. Владимир бу хатларни ўқишга берилиб, ҳамма нарсани унуди ва вужуди билан оиласвий ҳаёт фарогатини ҳис этиб, вақтнинг қандай ўтганини билмай қолди. Девор соати ўн бирга жом урди. Владимир хатларни чўнтағига солди-да, шамни қўлига олиб, хонадан чиқди. Залда, тахта полда чиновниклар ухлаб ётишар, стол устида уларнинг бўшатган шишалари туар, бутун уй ичини ўткир ромнинг ҳиди тутиб кетган эди. Владимир уларнинг ёнидан нафратланиб ўтиб, даҳлизга чиқди. Эшиклар ёпиқ эди. Калитни тополмагач, у яна залга қайтди, калит стол устида ётарди. Владимир эшикни очиши билан бир одамга дуч келиб қолди: у ўзини бир бурчакка олиб туар, қўлида эса болта ялтирап эди. Владимир шамини яқин тутиб, унинг темирчи Архип эканини билди.

— Нима қилиб турибсиз бу ерда? — деб сўради у.

— Э-э, Владимир Андреевич, сизмисиз? — деб жавоб берди пичирлаб Архип. — Худо ўз паноҳида сақласин! Яхшики шам ёқиб чиқдингиз!

Владимир унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Нега беркиниб турибсиз бу ерда? — сўради у кейин темирчидан.

— Ҳамма бормикин... Шу ердамикин... бир хабар олай-чи, деб юрган эдим, — дея аста жавоб берди Архип дудуқланиб.

— Болтани нега олиб юрибсиз?

— Болтани дейсизми? Шундай вақтда болтасиз юриб бўладими? Бу амалдорлар, мен сизга айтсан, шундай юзи қора одамларки ҳаш-паш дегунингизча...

— Маст экансиз, болтани ташлаб, бориб ухланг.

— Мени маст дедингизми? Отаконим, Владимир Андреевич, худо ҳақи бир қултум ҳам оғзимга олганим йўқ... Шундай вақтда томоқдан ичкилик ўтадими, шу ҳам инсофданми ахир, бу порахўлар бизнинг тепамизга чиқишишмоқчи... Роса хуррак тортиятида, лаънатилар; ҳаммасини бирданига бопласак, ҳеч ким сезмас ҳам эди...

Дубровский қовогини солиб:

— Менга қаранг, Архип, — деди у бир оз жим қолгач, — бу ишингиз бўлмайди. Айб амалдорларда эмас. Чироқни ёқинг-да, менинг орқамдан юринг.

Архип бариннинг қўлидан шамни олди, печканинг орқасидан чироқни топди, уни ёқди ва иккови бирга оҳистагина зинапоя-

дан тушиб, ҳовли томон кетиши. Қоровул чүян тахтани урди ва итлар ҳурди.

— Қоровул ким? — сүради Дубровский.

— Биз, отахон, Василиса билан Лукерья, — деб жавоб берди ингичка бир овоз.

— Үйларингга кетинглар, — деди Дубровский уларга, — сизларнинг керагингиз йўқ.

— Тамом! — деб қўйди Архип.

— Раҳмат сизга, валинеъматимиз, — дейишди иккала аёл ва дарҳол уйларига жўнаб кетиши.

Дубровский йўлида давом этди. Икки киши унга яқин келди ва уни чақириши. Дубровский уларни овозидан Антон билан Гриша эканини таниди.

— Нега ухламай юрибсизлар? — деб сўради улардан.

— Уйқу келадими шундай вақтда, — деди Антон. — Қандай кунларга қолдик биз, ким ўйлаган эди бундай бўлишини...

— Жим! — деб унинг сўзини бўлди Дубровский. — Егоровна қаерда?

— Хўжайнинг уйида, ўз хонасида, — деб жавоб берди Гриша.

— Бор, олиб кел уни бу ерга, бизникиларнинг ҳаммасини бу ёққа олиб чиқ, анави амалдорлардан бошқа ҳеч ким қолмасин ичкарида. Сен, Антон, аравани қўш.

Гриша кетди ва бир минутдан кейин онаси билан келди. Кампир бу кеча ечинмаганди; амалдорлардан бошқа ҳеч ким кўз юммаган эди.

— Ҳамма шу ердами? — деб сўради Дубровский, — уйларда ҳеч ким қолмадими?

— Порахўрлардан бошқа ҳеч ким қолмади, — деб жавоб берди Гриша.

— Энди пичан ё похол олиб келинглар, — деди Дубровский.

Одамлар отхонага чопиб кетиши ва қучоқ-қучоқ пичан кўтариб келиши.

— Зинанинг тагига қўйинглар. Ҳа, балли. Қани энди, йигитлар, ўт қўйинглар!

Архип фонусни очди, Дубровский қўлидаги тутантириқни унга тутди.

— Шошма! — деди у Архипга. — Шошилишда даҳлиз эшигини бекитиб чиқсанга ўхшайман, тез бориб очиб қўй.

Архип югуриб даҳлизга кирди — эшик ўзи очиқ эди. Архип уни қуулфлади-да, оҳистагина: «Очиб қўй эмиш, очиб қўйиб бўлибман!» деб Дубровскийнинг ёнига қайтди.

Дубровский тутантириқни пичанга тутди, пичан ловилаб, алангаси осмонга кўтарилиди ва бутун ҳовлини ёритиб юборди.

— Во-еий! — деб нолиб қичқирди Егоровна. — Бу нима қилганинг, Владимир Андреевич!

— Жим тур! — деди Дубровский. — Хўш, йигитлар, хайр

энди, худо қаёққа бошласа ўша ёққа кетдим; янги хўжайинларингиз билан баҳтли бўлинглар.

— Э, отахонимиз, валинеъматимиз,— деб жавоб беришди одамлар,— ўлсак ўламизки, лекин сендан айрилмаймиз, биз сен билан бирга кетамиз.

Аравани келтирилди; Дубровский Гриша билан бирга аравага чиқди ва одамларига учрашиш жойи этиб Кистеневка ўрмонини белгилади. Антон отларни қамчилади ва улар дарвозадан чиқиб кетишиди.

Шамол кўтарилди. Бирпасда бутун бинони аланга ўраб олди. Қизил тутун тунука устида бурқиради. Ойналар чарсиллар, синиб ерга тушар, ёниб турган ҳарилар ағдарилар, амалдорларнинг: «Ёниб кетамиз, қутқаринглар, қутқаринглар!» деган додвойи эши билар эди.

— Ёқадими?— деб қўйди заҳарханда қилиб Архип, ёнгинга қарап экан.

— Архипушка,— деди унга Егоровна,— у лаънатиларни қутқазиб юбор, сенга худодан қайтади.

— Ёқадими?— деб жавоб берди темирчи.

Шу ҷоқ дераза ёнида амалдорлар кўринди, улар икки қават деразани синдиromoқчи бўлишиди. Шу вақт «гурс» этиб том босди-да, дод-войлар тиниб қолди.

Кўп ўтмай ҳамма хизматкорлар ҳовли юзига тўпланишиди. Аёллар дод-вой қилиб нарсаларини қутқаришга тиришар, ёш болалар ёнгинга хурсанд бўлиб иргишилашар, учқунлар олов бўронидан учиб бориб, қишлоқ уйларига туташар эди.

— Иш жуда жойида бўлди-да!— деди Архип.— Ёнишини қаранглар-а? Покровскоедан туриб бемалол томоша қилса бўладиган бўлди!

Шу топда янги бир нарса унинг диққатини жалб этди: ёниб турган саройнинг томида бир мушук ўёқдан-буёқча чопиб юrar, чор атрофи аланга билан ўралгани учун, ўзини қаерга уришини билмас ва бечора жонивор кишининг раҳми келадиган даражада миёвлаб ёрдамга чақирап, унинг питирлашини кўрган болалар қотиб-қотиб кулишар эди.

— Нега куласизлар, шайтонваччалар,— деди темирчи аччигланиб.— Худодан қўрқмайсизлар, худонинг бир маҳлуқи ўляпти-ю, сиз эси пастлар, куласизлар-а!..

У шу сўзларни айтгач, ёниб турган томга шоти қўйиб, мушукни қутқазгани чиқди. Мушук унинг ниятини билди да, шошилинч бир миннатдорлик билан унинг қўлига тирмашиб олди. Баъзи жойлари куйған темирчи қўлидаги ўлжаси билан ерга тушди.

— Хўш, йигитлар, хайр энди!— деди у ҳайрон бўлган одамларга.— Бу ерда энди меннинг қиладиган ишим қолгани йўқ. Яхши қолинглар, яхши-ёмон гап ўтган бўлса кечиринглар.

Темирчи кетди, ёнгин яна анчагача давом этди. Ниҳоят, босилди ва алангаси сўнган чўғлар тун қоронғисида қўр бўлиб қи-

зарыб ёниб ётди ва унинг атрофига хонумони куйиб кул бўлган кистеневкаликлар дайдиб юришар эди.

## VII БОБ

Эртасига ёнгин тўғрисидаги хабар бутун атрофга ёйилди. Ёнгин тўғрисида ҳар ким ҳар хил гумон ва тахминлар қиласар эди. Баъзилар Дубровскийнинг одамлари ўликни кўмиб келишган куни маст бўлишиб, эҳтиётсизлик орқасида уйга ўт қўйиб юборишган бўлишса керак, деб ишонтирмоқчи бўлишса, баъзилари бу ишда, уйни қўлга киритишлари муносабати билан айш-ишрат қилишган амалдорларни айблар эди, кўпчилик эса қўргон земство суди ҳамда бутун хизматкорлар билан ўзидан-ўзи ёниб кетган, деб исбот қилмоқчи бўлар эдилар. Баъзилар ҳақиқатни англаб, бу ёмон фалокатга, газаби ва жаҳлига чидолмаган Дубровскийнинг ўзи сабаб бўлганини сўзлар эди. Эртаси куни ёнгин бўлган жойга Троекуровнинг ўзи келиб текшириш ўтказди. Маълум бўлдики, исправник, земство судининг маслаҳатчиси, стряпчий<sup>1</sup> ва мирза ҳамда Владимир Дубровский, энага — Егоровна, хизматкорлардан Григорий, кучер Антон ва темирчи Архиплар ҳаёққадир бедарак йўқолишган. Хизматкорларнинг ҳаммаси амалдорлар том босган пайтда куйиб кетганликларига гувоҳлик беришиди; уларнинг куйган суюклари ковлаб топилди. Василиса билан Лукерья деган аёл Дубровский билан темирчи Архипни ёнгиндан бир оз аввал кўрганларини айтишиди. Ҳамманинг айтишига қаргандা, темирчи Архип тирик бўлиб, афтидан, якка ўзи бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ёнгиннинг энг катта айбори ўша эди. Асосий гумон Дубровскийдан эди. Кирила Петрович бўлган ишнинг ҳаммасини батафсил ёзиб, губернаторга юборди ва янги бир иш очилди.

Ҳадемай янги овозалар чиқиб, одамларнинг қизиқсинишлари ва гап-сўзлари бошқача тус ола бошлади. Нима дейсан: \*\* да қароқчилар пайдо бўлиб, бутун теварак-атрофга қўрқув solaётганмиш, деган хабарлар тарқалди. Уларга қарши ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар етарли натижага бермаётганимиш. Бирбиридан даҳшатли ўғирликлар рўй бераётганмиш. На ўйларда тинчлик бору на қишлоқларда тинчлик бор эмиш. Ичи қароқчилар билан тўла бир нечта уч отлиқ аравалар куппа-кундуз кунлари бутун губернияни айланиб, сайёҳчилар ва почталарнинг йўлипи тўсадиган, помешчикларнинг уйларини талаб, ўт қўйиб кетадиган бўлган эмиш. Ўгриларнинг бошлиғи ўзининг зийраклиги, довюраклиги ва аллақандай олижаноблиги билан машҳурмиш... Унинг тўғрисида ана шундай ажойиб гаплар тарқала бошлади. Ҳамманинг оғзида Дубровскийнинг номи эди. Ботир босқинчиларга бошчиллик қилаётган ўша эканига ҳеч кимда шубҳа қолмаганди. Фақат бир нарсага ҳамма ҳайроп эди; улар Трое-

<sup>1</sup> Стряпчий — суд қоғозлари ва ишларини олиб борувчи идора чиновники.

куровнинг қўргонига тегмаган, унинг биронта саройини ҳам тала-  
маган ва аравасини ҳам тўсишмаган эди. Троекуров эса, буци ўзи-  
нинг одатдаги манманлигига бориб, икки нарсадан кўрар: би-  
ринчиси — ўзининг бутун вилоятини қўрқитиб олганидан, деб  
билса, иккинчиси — ўзига қарашли қишлоқлардаги полициячилар-  
нинг жуда яхши ишлаганидан, деб ўйлар эди. Бошида қўшнилар  
Троекуровнинг ўзига бино қўйишидан ўзаро кулишиб ва чақи-  
рилмаган меҳмонларнинг Покровское қишлоғига келишини ҳар  
куни кутишиб юриши; чунки бу ерда жуда мириқиш мумкин  
эди; лекин оқибат, қўшнилар Троекуровга қароқчиларнинг унга  
нисбатан аллақандай ҳурмат сақлаганликларига тан беришга  
мажбур бўлдилар... Троекуров ўзида йўқ керилар ва Дубровский-  
нинг ҳар бир янги босқинчлиги тўғрисида хабар келгач, губер-  
натор, исправник ҳамда рота командирларини масхара қилиб  
гапирав, чунки Дубровский уларнинг қўлидан ҳаммавақт сог-са-  
ломат чиқиб кетар эди.

Бу орада — 1-нчи октябрь куни — Троекуров яшаган қишлоқ-  
даги ибодатхонанинг байрами бўлди. Аммо бу тантанали маро-  
симни ва ундан кейинги воқеаларни баён қилмасдан аввал, биз  
китобхонларимизни янги, ёки қиссамизнинг бошида номлари  
оз-моз эслатиб ўтилган кишилар билан таништиришимиз лозим.

### VIII БОБ

Китобхонларимизнинг ўзлари ҳам пайқаб қолишган бўлса  
керакки, юқорида бир-икки сўз билан номи зикр этилган Кирила  
Петровичнинг қизи қиссамизнинг қаҳрамонидир. Биз тасвир қи-  
лаётган даврда у ўн етти ўнда бўлиб, ҳусни камолга етган эди.  
Отаси уни ниҳоятда севар, лекин шунга қарамай, ўз билганидан  
ҳам қолмас эди-ю, бироқ баъзида унинг ҳархашаларини ҳам  
кўтарар, баъзида эса, дағаллик ва қаттиққўллик билан уни чў-  
читар ҳам эди. Аммо у қизининг яхши кўрганини билса ҳам, ле-  
кин ҳеч қачон унинг ишончига сазовор бўла олмас эди. Қиз  
ўзининг ҳис-туйгулари ва фикрларини ундан яширишга одатлан-  
ган эди; чунки у буларни отаси томонидан қандай қабул эти-  
лишини ҳеч қачон билмасди. Қизнинг дугоналари йўқ бўлиб, ёл-  
ғиз ўсан эди. Қўни-қўшниларининг хотин ва қизлари Кирила  
Петровичникуга кам киришар, чунки бу ердаги суҳбат ва базм-  
лар учун аёллар эмас, эркаклар лозим бўлар эди. Бизнинг гўзал  
қаҳрамонимиз отаси томонидан берилган бундай зиёфатларга  
камдан-кам қатнашар эди. Кўпчилиги XVII асрдаги француз  
ёзувчиларининг асарларидан иборат бўлган катта кутубхона қиз-  
нинг ихтиёрига берилган эди. Бутун умрида «Пазанда ошпаз»  
деган китобдан бошқа ҳеч нарсани ўқимаган отаси, китоб тан-  
лашда қизига раҳбарлик қила олмасди, шунинг учук ҳам Маша,  
табиийки, турли китобларни кўп титиб кўргандан кейин, роман-  
ларни ўқишига киришган эди. У бир замонлар мамзель Мими раҳ-  
барлигига бошланган тарбиясини мана шу равишда камолотга

етказган эди. Мамзель Мимига Кирила Петровичнинг ишонч ва ичтифоти катта эди; бу яқинликнинг оқибати ниҳоят жуда аниқ бўлиб қолгач, Кирила Петрович уни киши билмас ўзининг бошқа бир мулкига жўнатишга мажбур бўлди. Мамзель Мими ўзи тўғрисида бу оиласда жуда ёқимли бир хотира қолдирди. У яхши қиз бўлиб, Кирила Петровичга анчагина таъсири бор бўлса ҳам, лекин у ўзининг бу таъсирини ҳеч қачон гараз билан қўлламас эди. Кирила Петрович ҳам уни бошқалардан кўра кўпроқ севарди. Йега десангиз, мамзель Мимига ўхшаган тўққиз яшар қорақўз ва шўх бола Кирила Петровичнинг ёнида парвариш топди ва унинг ўғли деб ҳисобланди, ҳолбуки, худди Кирила Петровичга ўхшаган бир қанча ялангоёқ болалар унинг деразаси олдида чопиб юришар ва булар хизматкорларнинг болалари деб ҳисобланар одилар. Кирила Петрович ўзининг кичкина Сашаси учун Москвадан бир француз муаллимни чақирирди ва бу биз тасвир этаётган воҳсалар содир бўлаётган чогда етиб келган эди.

Бу муаллим ўзининг ёқимли ташки кўриниши ва содда муо-  
малалири билан Кирила Петровичга маъқул бўлди. У Кирила  
Петровичга ўзининг атtestатини ҳамда Троекурдовнинг бир қа-  
риндоzu ёзib берган хатини топширди. Чунки у, яъни мазкур  
француз муаллимимиз, ўша хат берган кишиникида тўрт йил  
мураббийлик қилган эди. Кирила Петрович буларпинг ҳаммаси-  
ни кўриб чиқди ва фақат унга муаллимнинг ёшлиги маъқул  
бўлмади. Аммо бу ажойиб камчиликнинг сабаби унинг ёши  
бахтсиз муаллимлик увони учун жуда зарур бўлган бардош ва  
тажрибага мос тушмаслиги бўлмай, балки Кирила Петровичнинг  
бошқа шубҳалари туфайли эди ва у ўзининг бу шубҳаларини  
дарҳол изҳор этишга жазм қилди. Бунинг учун у Машани ёнига  
чақирирди (Кирила Петрович французчани билмас эди, унга  
қизи таржимонлик қиласади).

— Бери кел, Маша. Сен мана бу мусъега айт, майли, мен уни  
хизматга оламан; аммо шарт шуки, қизларимнинг кетига туша  
кўрмасин, йўқса, мен бу итваччани... шундай деб таржима қил,  
Маша.

Маша қизариб кетди ва муаллимга қараб француз тилида:  
отам сизнинг камтар ва одобли бўлишингиздан умидвор, деди.

Француз қизга таъзим қилди да, ҳатто менга илтифот кўрсат-  
маганлари тақдирда ҳам, мен у кишининг ҳурматларига сазо-  
вор бўлиш учун ҳаракат қиласман, деб жавоб берди.

Маша унинг жавобини, оқизмай-томизмай отасига таржима  
қилиб берди.

— Яхши, яхши,— деди Кирила Петрович.— Унга ҳеч қандай  
илтифот ва ҳурматнинг кераги йўқ. Унинг иши Сашага қарааш  
ва унга грамматика ҳамда география ўргатиш, шундай деб тар-  
жима қилиб бер унга.

Марья Кириловна таржимасида отасининг қўпол сўзларини  
силлироқ қилиб айтди, шундан кейин Кирила Петрович фран-  
цузни унинг учун белгиланган хонага чиқариб юборди.

Аристократик хурофотлар билал тарбияланган Маша ён французга унчалик эътибор қилмади, муаллим унинг учун бир хизматкор ёки бир уста қаторида эди, хизматкор билан устани эса у эркак ўрида кўрмас эди. Маша ўзининг т-г Дефоржни маҳлиё қилиб қўйганини ҳам, муаллимнинг қизарнб, қалтираб кетганини ҳам, ҳатто овозининг ўзгариб кетганини ҳам пайкаради. Кейинча, қиз бир неча кун сурункасига муаллим билан кўришиб турди, бироқ ўшанда ҳам у бу муаллимга унчалик эътибор бермади. Бироқ кутимага бир воқеа рўй бериб, қизда муаллим тўғрисида бутунлай янги фикр пайдо бўлди.

Кирила Петровичнинг ҳовлисида одатда бир неча айиқ боласи боқилар ва булар Покровское помешчигининг ёнг муҳим эрмакларидан бири эди. Айиқ болаларини ёш пайтида ҳар куни меҳмонхонага олиб келишиб, бу ерда уларни Кирила Петрович мушуклар ва кучуклар билан уриштириб, соатлаб овора бўлағ эди. Катта бўлганларидан кейин эса уларни занжирларга солиб қўйилар ва улар энди ўзларининг чинакамига мазах қилинишларини кутиб ётардилар. Баъзида уларни Кирила Петровичнинг деразаси олдига, ҳовлига олиб чиқилиб, ҳамма срига уни сиртига қаратиб мих қоқилган бўш вино бочкаларини уларнинг олдига юмалатиб юборардилар; бочкаларни айиқ ҳидлаб кўрар, сўнгра секингина панжасини тегизар, панжасига мих кириб, газабланар, сўнг у жаҳли чиқиб бочкани қаттиқроқ итариб юборар ва панжаси баттар оғир эди... Токи бечора айиқни ғоят қаттиқ газаблантирган бочкани унинг олдидан тортиб олмагунларича, у бочкага ёпишаверар эди. Шундай воқеалар ҳам бўлар эдикни, бир жуфт айиқни аравага қўшиб, унга меҳмонларни мажбуран ўтқазиб, уларни ҳудонинг иродасига топширишарди-да, айиқларни қувиб ҳайдаб юборишарди. Аммо Кирила Петровичнинг ёнг яхши кўрган ҳазили қўйидагича эди.

Бўш уйнинг деворига ҳалқа қоқиб, оч айиқни арқон билал ана шу ҳалқага боғлаб қўйиларди. Арқоннинг узунлиги қарийб бутун хонанинг ҳамма томонига етгани ҳолда, фақат ҳалқанинг рўбарўсидаги бурчаккагина етмас эди. Бу эса даҳшатли ҳайвоннинг ҳужумидан қутулиш жойи эди. Одатда янги келган сдамни мана шу уйнинг эшиги олдига олиб боришарди-да, тўсатдан уни айиқнинг олдига итариб юбориб, орқасидан эшикни беркитиб қўйишар, ҳалиги бечора айиқ полвоннинг олдидаги ёлғиз қолар эди. Шўрлик меҳмои, этаклари йиртилган ва ҳаммада ёни тимдаланган, қонига беланган ҳолда, тезда ҳалиги хавфсан бурчакни топиб олар, лекин деворга маҳкам ёпишган ҳолда, баъзан ҳатто уч сеатгача чидаб туришга, қутурган айиқнинг ўзидан икки қадам нарида бўкираётганини, сапчиётганини, олдинги оёқларини баланд кўтариб тикланяётганини, унга-етиб олиш учун зўр бериб интилаётганини кўриб туришга мажбур бўларди.

Рус баринининг олижаноб ҳазиллари мана шунаقا бўларди!  
Муаллим келгач, Кирила Петрович бир неча кундан кейин

уни эсга олди ва айиқ ётган уйда уни ҳам бир меҳмон қилиб қўйишни мўлжаллади. Шу мақсадда, у бир кунин эрта билан муаллимни чақиртириди ва уни ҳоронғи йўлаклардан ўзи билан бирга ҳалиги хона эшиги олдига олиб борди, шунда бирданига ён эшик очилиб, икки хизматкор французыни уй ичига итариб юборди-да, эшикни сиртидан қулфлаб қўйишди. Муаллим эсини йигиб олгач, рўпарасида ҳалқага боғланган айиқни кўрди: айиқ йироқдан, меҳмоннинг ҳидини олиб пишқирди, сўнгра бирданига кейинги оёқларида туриб, унга томон юра бошлади... Француз эса пинагини ҳам бузмади, қочмади ҳам, балки ҳужумни кутиб турди. Айиқ яқинлашди, Дефорж чўнтағидан кичкинагина тўп-пончасини олди-да, оч ҳайвоннинг қулоғига тақаб туриб отди. Айиқ йиқилди. Одамлар югуриб келишди. Эшик очилиб, ўз ҳазилининг оқибатидан ҳайрон қолган Кирила Петрович кириб келди.

Кирила Петрович бунинг сабабини: Дефорж учун яширинча ҳозирланган бу ҳазилдан уни ким хабардор қилиб қўйганини ва нима учун у чўнтағида ўқланган тўппонча олиб юришини, албатта, билмоқчи бўлди. У қизига одам юборди. Маша дарҳол етиб келиб, отасининг саволларини французга таржима қилиб берди.

— Менинг айиқ тўғрисида ҳеч қандай хабарим йўқ,— деб жавоб берди Дефорж.— Аммо мен доим ёнимда тўппонча олиб юраман, чунки мен бундай камситишларни кўтаролмаганим ҳолда, оддий фуқаро бўлганим туфайли, камситган кишини қасосга чақиришга ҳам ҳаққим йўқ.

Маша ҳайрон бўлиб унга қаради ва Дефоржнинг сўзларини Кирила Петровичга таржима қилиб берди. Кирила Петрович индамади, айиқни олиб чиқиб, терисини шилишга буюрди, кейин ўз одамларига қараб: «Оббо шоввоз-эй. Қўрқмади-я, пинагини ҳам бузмади-я!», деди. Шундан кейин у Дефоржни яхши кўриб қолди ва уни ортиқ синаб кўришни ўйламади.

Аммо бу ҳодиса Марья Кириловнага янада кучлироқ таъсир қилди. Чунки у айиқнинг ўлиб ётганини, Дефоржнинг айиқнинг ўлиги тепасида туриб, ўзи билан хотиржам гаплашганини кўрди. У мардлик ва иззат нафсини ардоқлаш фазилатларининг фақат бир тоифагагина хос эмаслигини билди ва шундан кейин у ёш муаллимни ҳурмат қила бошлайдиган бўлди ва унинг бу ҳурмати кундан-кунга оша борди. Булар орасида бир даража муносабат пайдо бўлиб, қизнинг товуши яхши ва музикага қобилиятли бўлганлигидан, Дефорж унга дарс бермоқчи бўлди. Шундан кейин, қиз бу тўғрида ўзига иқрор бўлмаса-да, аммо муаллимни яхши кўриб қолганини англаш — китобхонлар учун унча қийин бўлмаса керак.

## IX БОБ

Байрам арафасида меҳмонлар кела бошлади, баъзилари Кирила Петровичнинг уйига, баъзилари гумаштаникига, баъзилари попникига, баъзилари эса, бадавлат деҳқонларникига қўниши. Отхоналар меҳмонларнинг отлари билан, ҳовли ва саройларнинг саҳни турли аравалар билан тўлди. Эрта билан соат тўққизда ибодатга жом чалинди ва ҳамма Кирила Петрович солдирган ва у ҳар йил безатиб турадиган янги гиштин черковга жўнади. Бообрў художўйларнинг шу қадар кўплигидан оддий деҳқонлар черковга сифмай, эшик олдида ва ташқарида қолдилар. Кирила Петрович келмагунча ибодат бошланмади. Кирила Петрович олти от қўшилган коляскада келди-да, қизи Марья Кириловна билан биргаликда тантанали равишда ўз жойига қараб юрди. Ҳамма эркак ва аёлларнинг кўзи қизда бўлди: эркаклар унинг ҳусни жамолига қойил қолиши, аёллар унинг кийимига эътибор бериб қарап эдилар. Ибодат бошланди. Кирила Петровичнинг хонаки ҳофизлари курсида туриб хониш қилди. Кирила Петрович ҳам улар билан бирга, ўнг-сўлига қарамас, ибодат қилар эди. Дъякон баланд овоз билан *ушбу ибодатхонани қурувчини тилга олганди*, Кирила Петрович ғуурорли бир бўйсуниш билан ерга букилди.

Ибодат тугади. Даствабут олдига Кирила Петрович борди. Ундан кейин ҳамма келди, сўнгра унинг олдига ҳурмат-тавозе билан қўшнилар кела бошлашди. Хонимлар Машани қуршаб олиши. Кирила Петрович черковдан чиқаётib, ҳаммани меҳмонга айтди-да, коляскага ўтириб, уйига кетди. Бошқалар ҳам үнинг кетидан эргашиши. Уйлар меҳмонлар билан тўлди. Ҳар дам янги-янги одамлар келар ва хўжайиннинг ёнига зўрга ўтишар эди. Модадан қолгац, эски, бироқ қимматбаҳо кийимлар кийган марварид ва бриллиантлар таққан хонимлар ярим давра қуриб савлат тўкиб ўтирап эди. Эркаклар эса ароқ билан балиқ икраси атрофида уймалашиб гала-ғовур қилишарди. Залда саксон кишига дастурхон тузатиларди. Хизматкорлар елиб-югуриб, шиша ва графинларни стол устига қўйишар, дастурхонларни тузатишар эди. Ниҳоят эшик оғаси: «Овқат тайёр», деб хабар берди. Даствабут стол томон Кирила Петрович юрди, унинг орқасидан хонимлар боришид ва катта-кичликка риоя қилиб, савлат билан ўз жойларига ўтириши, қизлар эса бир гала ҳуррак эчкиларга ўхшаб, бир ерга уюшиб, ёнма-ён ўтириши. Уларнинг қаршисига эркаклар жойлашди. Столнинг охирига кичкина Саша билан бирга муаллим ўтирди.

Хизматкорлар тарелкаларни ҳар кимнинг даражасига қараб қўйишар, ақллари етмай қолган тақдирда Лафатер ибратларига амал қилишар ва деярли янглишмас эдилар. Тарелкалар билан қошиқларнинг жаранг-журунги меҳмонларнинг ғовур-ғувурлари-

га қўшилиб, Кирила Петрович ўзи ёздирган дастурхонга завқ билан қарап ва ўзининг очиққўлли мезбон сканлигидан завқланаб хурсанд бўлар эди. Худди шу вақт ҳовлига олти от қўшилган бир коляска кириб келди.

— Ким у?— деб сўради Кирила Петрович. Бир неча овоз унга: «Антон Пафнутич», деб жавоб беришди.

Эшик очилиб, эллик ёшларга кирган юмалоқ ва чўтири юзли, бақбақаси уч қават бўлиб осилиб тушган Антон Пафнутич Спизин, кеч қолгани учун узр сўрамоқчи бўлиб, эгилиб, кулимсираб емакхонаага отилиб кириб келди...

— Вилка, қошиқ беринглар!— деб қичқирди Кирила Петрович.— Қани, марҳамат, Антон Пафнутич, ўтири, кейин бизга айт-чи: йу қандай гап, ибодат бақтида бўлмадинг, овқатга ҳам кечикиб келдинг. Ахир сен, художўй ва хушхўр одам эдинг-ку?

— Кечириңг,— деб жавоб берди Антон Пафнутич, салфеткани нўжат рангли кафтанининг ёқасига қистиаркан,— кечириңг, отахоним Кирила Петрович! Мен-ку, йўлга эрта чиқувдим, лекин ўн чақирим ҳам йўл юрмай туриб, араванинг олдинги гилдираклери шини иккита бўлинниб кетса бўладими? Хайриятки, қишлоқ яқин эди, қишлоққа судраб олиб бориб, темирчини топиб, ўёқ-буёгини ўнглагунимизча роса уч соат ўтиб кетди, иложи бўлмади. Яқин йўл билан — Кистеневка ўрмони орқали юришга ботинолмадим, нариёқдан айланиб кела қолдим...

— Эхе!— деди Кирила Петрович унинг сўзини бўлиб.— Ҳали марди майдонлардан эмас әкансан-да: нимадан қўрқасан?

— Нимага қўрқмай, отахоним Кирила Петрович, Дубровский-чи, тағин бир фалқат босиб қўлига тушиб қолсам борми, ўҳӯ, у ўзуняқаки, ўзи ҳеч жимни аямайдиган одам, менинг худди тоғримни шилиб олади я!

— Нега сенинг терингни шилиб оларкан, а, оғайни?

— Нега шилиб олмасин, отахоним Кирила Петрович? Марҳум Андрей Гавриловичга қилинган даъво-чи? Сизни хурсанд қиласман деб, яъни виждан ва адолатнинг талабига мувофиқ, Дубровскийлар Кистеневкани ноҳақ, яъни фақат жанобингизнинг илтифотлари туфайли әгаллаб ётипти, деб исбот қилган мен эмасми, ахир? Зотаң, марҳум ҳам (жойи жаннатда бўлсин!) мен билан бошқача гаплашмоқчи эди, энди, афтидан, ўғли отасининг айтганини қиласа керак. Ҳалигача худо сақлаб келди. Бор-йўги бир омборимни талаб кетиши, ҳадемай қўргонимга бостириб келишмаса ҳам гўргайди.

— Аммо қўргонингга бостириб келишса тоза маза қилишида,— деди Кирила Петрович.— Менинч, қизил қутичанг тўла олтин бўйса керак...

— Қаёқда дейсиз, отахоним Кирила Петрович! Илгари тўла эди, ҳозир бутунлай бўшаб қолган!

— Ёлғонингни қўй, Антон Пафнutyч. Биз сени яхши биламиз: шунча пулни сарф қилиб бўпсан, туришинг чўчқадан баттар, меҳмон чақирмасанг, мужикларингни хўп шилсанг: топганингни йигасанда, бошقا нима қиласдинг.

— Сиз доим тегишашиб, отахоним Кирила Петрович,— деб мингиллади Антон Пафнutyч кулимсираб.— Биз бўлсак, азбарой худо хонавайрон бўлдик...

Кейин Антон Пафнutyч уй эгасининг баринча ҳазиллари ни ёғлиқ сомсаларга қўшиб ура бошлади. Шундан сўнг Кирила Петрович уни тинч қўйиб, уйига биринчи марта меҳмон бўлтиб келган ва столнинг нариги четида муаллимнинг ёнида ўтирган янги исправникка мурожаат қилди:

— Қани айтинг-ки, Дубровскийни сиз тута оласизми, йўқми исправник жаноблари?

Исправник қўрқиб кетди, таъзим қилди, кулди ва ниҳоят тутила-тутила:

— Ҳаракат қиламиз, жаноби олийлари,— деди.

— Ҳм, ҳаракат қиламиз денг, кўпдан ҳаракат қиляптилар-у, бироқ фойдаси бўлмаяпти-да. Дарвоҷе, уни тутишнинг ҳожати ҳам ийқ. Чунки Дубровскийнинг босқинлари исправниклар учун бир неъмат-ку: уёққа чоп, буёққа чоп, тергааш ва ҳар хил баҳоналар билан чўнтакларини пулга тўлдиришиади. Бундай неъматни қаердан топиб бўлади дейсиз? Тўғрими, исправник жаноблари?

— Айни ҳақиқат, жаноби олийлари,— деб жавоб берди, бутунлай довдираф қолган исправник.

Меҳмонлар қаҳ-қаҳ уриб юбориши.

— Шу тўғри сўзлиги учун яхши кўраман буни,— деди Кирила Петрович,— Лекин марҳум исправнигимиз Тарас Алексеевичга ачинаман, агар уни кўйдириб юборишмагандা, бу атрофда бунчалик нотинчлик бўлмасди. Хўш, энди, Дубровский тўғрисида нима гаплар бор? Сўнгги марта уни қаерда кўришипти?

— Меникида, Кирила Петрович,— деб гулдиради йўғон овозли аёл,— ўтган сешанба куни у меникида овқат қилди...

Ҳамма Анна Савишина Глобовага қаради. У тул хотин бўлиб, одобли ва қувноқ бўлгани учун ҳамма уни севар эди. Ҳамма қизиқиб унинг гапига қулоқ солди.

— Аввали шуки, бундан уч ҳафтача илгари мен ўғлим Ванюшага пул юбормоқчи бўлиб, гумаштамни почтахонага жўнатувдим. Мен ўғлимни унча эркалатиб юбормайман, чунки эркалатмоқчи бўлганимда ҳам қурбим етмайди, лекин, биласизларки, гвардия офицери яхши туриши керак, шунинг учун мен ҳам тоинган даромадимни имконим борича ўғлим билан баҳам кўраман. Шундай қилиб, Дубровскийнинг борлиги неча марта хаёлимта келса ҳам, таваккал қилиб, ўғлимга икки минг сўм пул юбордим: шаҳар яқин-ку, ниҳоят етти чақирим, худонинг ўзи асрасин, дедим. Бир вағт, кечқурун гумаштам ранги ўчган, кийимлари йиртилган, ўзи яёв келяпти, кўрдиму воҳ деб юбор-

дим. «Нима гап? Нима бўлди сенга?», дедим. У менга: «Онажоним Анна Савишина, мени қароқчилар талади, ўзимни ўлдиришларига оз қолди, Дубровскийнинг ўзи ҳам бор эди, у мени осмоқчи бўлди, кейин раҳми келиб, қўйиб юборди, аммо ҳамма нарсанни тортиб олди, отни ҳам, аравани ҳам», деди. Менинг эсим оғиб қолди: э худованди карим, энди Ванюшам нима қиласди, деб ўйладим. Башқа чора йўқ эди: ўғлимга бир хат ёзиб, бўлган гапларни батамом айтдим ва бир чақа юбормай, дуо қилиб қўя қолдим.

Орадан бир-икки ҳафта ўтди. Бир куни тўсатдан ҳовлимга бир коляска кириб келди. Қандайдир бир генерал сиз билан кўришмоқчи эмиш, деб айтишди; марҳамат қилсинлар, дедим. Ўзи ўттис беш ёшларда, буғдорранг, қора соч, соқол-мўйлови худди Кульневнинг<sup>1</sup> суратига ўхшаган бирор кириб келди ва ўзини марҳум эрим Иван Андреевич билан бирга ишлаган ҳамда яқин дўстларидан деб танидти: шу йўлдан ўтиб кетаётган эдим, сизнинг шу ерда туришингизни билганим учун, марҳум дўстимнинг бева рафиқасини кўрмай ўтиб кетишни эп билмадим, деди. Бақадри ҳол, меҳмон қилдим, ўёқ-буёқдан гаплашиб ўтирилик, ниҳоят сўз Дубровский тўғрисида борди. Мен ўз бошимга тушган мусибатни айтдим. Генералнинг қовоғи солинди. «Бу қизиқ гап!— деди у.— Мен Дубровский ҳаммани талайвермайди, бойларнигина талайди, шунда ҳам тамом қоқлаб кетмасдан, ўзларига ҳам оз-моз қолдириб кетади, деб эшигувдим. Одам ўлдиришда ҳам ҳеч ким уни айблаетгани йўқ. Демак, бу ерда ёлғон аралашганга ўхшайди. Қани, ўша гумаштангизни буёққа бир чақирини буғлинг-чи?» Мен гумаштамни чақирирдим, у келиб генерални кўриши билан тошдай қотиб қолди. «Қани, менга айт-чи, оғайни!— деб сўради генерал гумаштамдан.— Дубровский сени қандай қилиб талади ва қандай қилиб осмоқчи бўлди». Менинг гумаштам дир-дир титраб, ўзини генералнинг оёғи остига ташлади ва: «Отахоним, айб менда, ёлғон айтиб эдим»,— деди. «Ундан бўлса,— деди генерал,— воқеани bekangga битта-битта айтиб бер, мен эшитай». Гумаштам эсини йўқотиб қўйди. «Хўп бўлмаса,— деб давом этди генерал,— айт-чи, қани: Дубровскийга қаерда йўлиқдинг?» «Қўш қарагай ёнида, отахоним, қўш қарагай ёнида». «У сенга нима деди?» «У мендан кимнинг одами эканимни, қаерга ва нима учун кетаётганимни сўради». «Хўш, ундан кейин-чи?» «Ундан кейин хат билан пулни сўради». «Хўш». «Мен унга хат билан пулни бердим». «У-чи?.. Хўш, у-чи?» «Отахоним, айб менда». «Хўш, у нима қилди?» «У менга хат билан пулни қайтиб бериб: бор энди, кетавер, буни почтага топшириб, деди». «Хўш, сен нима қилдинг?» «Отахоним айб менда». «Мен, азизим, сенинг таъзирингни бераман,— деди генерал газаб билан,— сиз хоним, бу муттаҳамнинг сандифини ахтаришга буюринг, ўзини менга топширинг, менинг ўзим унинг яхшилаб ада-

<sup>1</sup> Кульнеев Я. П. — швед рус урушида донги чиққан ҳарбий арбоб.

бини бериб құйман — бундай ишларни қайтиб қилмайдиган қилиб. Шуны бир билиб қүйингки, Дубровскийнинг ўзи ҳам гвардия офицieri бұлған, у ўз ўртогини ранжитмайди», деди. Шундан кейингина мен генерал жанобларининг ким эканини тушундим: ортиқча гапнинг ҳожати йүқ зди. Күчерлар гумаштаки колясканинг шотисига боғлашди. Пул топилди. Генерал меникіда овқат қилиб, дархол жұнаб кетди, гумаштамни ҳам шу бўйи олиб кетди. Гумаштамни эртаси куни ўрмондан топиб келишди: дуб дараҳтига боғлаб, худди липа дараҳти сингари терисини шилиб олишибди.

Анна Савишнанинг ҳикоясига ҳамма, айниңса қизлар, жимгина қулоқ солишиди. Уларнинг кўпи, айниңса Радклиф<sup>1</sup>нинг қўрқинчли романларини ўқиган ва ундан таъсиранган ўткир хаёлпарат Марья Кириловна, Дубровскийни романтик қаҳрамон билиб, унга кўнгилларида хайриҳоҳлик билдиришибди.

— Сен, Анна Савишна, сеникига Дубровскийнинг худди ўзи келди, деб ўйлайсанми? — деб сўради Кирила Петрович. — Катта хато қиласан, сеникига ким келганини билмайман-у, аммо у ҳар ҳолда Дубровский бўлмаса керак.

— Нега Дубровский бўлмасин, отахон? Катта йўлга чиқиб, ўтганин тўхтатиб, ҳаммаёгини қараб ўтказса, у бўлмасдан ким бўлсин.

— Унисини билмадим, лекин, ҳар ҳолда Дубровский эмасдир. Мен уни болалигидан биламан, наҳотки соchlари қрайиб кетган бўлса, чунки у ёшлигига жингаләк, сариқ сочли бола зди, аммо шунисини аниқ биламанки, Дубровский менинг Машамдан тахминан беш ёшлар чамаси катта зди, демак, ҳозир у ўттиз бешларда эмас, балки йигирма учларда бўлиши керак.

— Айтганингиз тўғри, жаноби олийлари,— деди исправник,— чўнтағимда Владимир Дубровскийнинг ҳамма аломатлари ёзилган қоғоз бор, унда аниқ кўрсатилган, унинг ёши йигирма учларда.

— Ҳа! — деди Кирила Петрович. — Яхши бўлди: қани, ўқичи, бир эштайлик; унинг аломатларини билсак ёмон бўлмайди; башарти учраб қолса, қочиб қутула олмайди.

Исправник чўнтағидан анча кирланиб қолган бир тахта қоғоз олди-да, уни савлат билан очди, сўнгра қироат билан ўқий бошлади:

«Владимир Дубровскийнинг аломатлари, мазкурнинг собиқ хизматкорларининг сўзларига биноан ёзилди.

Ёши йигирма учда, ўрта бўйли, юзи тоза, соқолини қирдириб юради, қўйкўз, соchlари сарғиш, қиррабурун. Бундан бошқа ўзига хос аломатлари йўқ унда\*.

— Шугинами? — деди Кирила Петрович.

— Шугила,— деб жавоб берди исправник қоғозни букларкан.

— Табриклайман бўлмаса, исправник жаноблари. Зап қоғоз

<sup>1</sup> Радклиф (Редклиф) Анна (1764—1823)— инглиз ёзувчиси.

эканми! Бу қоз билан Дубровскийни топиш ҳеч гап эмас сизларга. Бўйи ўртача, сочи сарғиши, қиррабурун, қўйкўз бўлмаган ким бор! Гаров боғлашаман, агар рўпарам-рўпара ўтириб Дубровскийнинг худди ўзи билан уч соат гаплашсанг ҳам, худо сени ким билан рўпара қилиб қўйганини билмайсан. Бу маҳкама аҳлларининг калласи хўб ишлайди-да!

Исправник ҳалиги қофозни чўнтағига индамай солиб қўйидида, дамини чиқармасдан, карам билан гоз гўштини тушираверди. Бу орада хизматкорлар ҳар бир меҳмоннинг одига бир неча мартадан келиб, бўшалган қадаҳларни тўлдириб кетди. Горское ва Цимильянское номли визюларнинг бир неча шишаси «пақпук» очилди ва илтифот билан ҳақиқий шампань шароби ўрина қабул қилинди, шундан сўнг юзлар қизариб, сұхбат авж олди, алжираш ва хурсандчилик бошланди.

— Йўқ,— деди Кирила Петрович сўзида давом қилиб,— раҳматли Тарас Алексеевичек исправникни биз энди кўрмаймиз! Чунки у ҳалигидан анқов, лапашанг одам эмас эди. Афсуски, азаматни ёқиб юборишиди, йўқса унинг қўлидан бутун бошлиқ шайкадан биронтаси ҳам қочиб қутуловмасди. У ҳаммасини қўймай тутиб оларди, ҳатто Дубровскийнинг ўзи ҳам қўлга тушмай қолмасди. Тарас Алексеевич Дубровскийдан порани-ку оларди-я, лекин ўзини ҳам қўлдан чиқармасди. Раҳматлининг одати шунаقا эди. Қандай қилайлик, энди бу ишга ўзим аралашиб, қароқчиларнинг устига одамларим билан ўзим чиқаман шекилли. Дастреб йўнгирма кишини олиб чиқаман, улар ўғрилар уясъин тўзитиб ташлайди. Менинг одамларим довюрак, ҳар биттаси бир айиққа қарши чиқадиган азаматлар, қароқчилардан қўрқишмайди.

— Отахоним Кирила Петрович, айиғингиз омон борми?— деди Антон Пафнутич ва бир замонлар ўзи билан тўқнаш келган пахмоқ ошнасини ва шунда чеккан заҳматларини эсига олди.

— Миша<sup>1</sup> бечора ўлиб кетди,— деди Кирила Петрович,— жонивор душман қўлида шарафли ўлим топди. Ана, ундан зўр келган киши!— деди Кирила Петрович француз Дефоржни кўрсатиб.— Сен менинг француздан ўрнак ол. У сен учун ўч олди... Агар жоиз бўлса... Эсингдами?

— Эсимда бўлмай-чи,— деди Антон Пафнутич қашиниб,— жуда яхши эсимда. Шундай қилиб, айиқполвон ўлиб кетди денг? Аттанг! Азбаройи худо, ичим ачияпти! Қандай яхши эди.

Қандай если эди! Унақа айиқни энди топиб бўлмайди. Бу мусъес нега ўлдирди уни?

Кирила Петрович, ўсига қарашли ҳар бир нарса билан мақтаниш қобилиятига эга бўлганидан, катта бир завқ билан ўз француздининг ботирлигини сўзлай кетди. Меҳмонлар айиқ полвоннинг ўлими тўғрисидаги ҳикояни эътибор билан тинг-

<sup>1</sup> Миша — отиб ташланган айиқполвонининг оти.

лашди ва ҳайрон бўлиб Дефоржга қарашди, у эса гап ўзининг ботирлиги тўғрисида сораётганини билib, жойида жимгина ўти-паркан, шўх шогирдига ахлоқ ва одобга оид танбеҳлар қиласар эди.

Уч соатча давом этган зиёфат тугади; уй эгаси лунгисини бўйнидан олиб, стол устига қўйиш билан ҳамма ўрнидан турди ва меҳмонхонага ўтишди. У ерда меҳмонлар кофе ичдилар, карта ўйнадилар, ёмакхонада ажойиб равишда бошланган майхўрликни давом эттирдилар.

## Х БОБ

Кечқурун соат еттиларда баъзи бир меҳмонлар кетмоқчи бўлган эди, пунш билан кайфи кўтарилиб қолган уй эгаси, дарвозаларни беркитиб қўйиши буюриди ва эрталабгача дарвозадан ҳеч ким чиқарилмайди, деб эълон қилди. Кўп ўтмай музика садолари жаранглаб, залнинг эшиклари очилиб, базм бошланиб кетди. Уй эгаси билан унинг яқин кишилари бир бурчакда уст-ма-уст қадаҳ кўтаришиб, ёшларнинг хурсандчилигини томоша қилиб ўтиришар эди. Кампирлар карта ўйнарди. Улан отлиқларидан биронта бригада турмаган жойларда хонимларга қарангандай эркаклар озроқ бўлганидек, бу ерда ҳам эркаклар аёллардан оз эди, шунинг учун ҳам рақсга ярайдиган эркакларнинг ҳаммаси аллақачон эгаллаб олишган эди. Муаллим ҳаммадан ажралиб тураг, ҳаммадан кўра кўпроқ ўйинга тушар, ҳамма қизлар уни танлар ва у билан вальсга тushiш жуда қулай дейишар эди. У бир неча марта Марья Кириловна билан рақсга тушди, қизлар эса уларни эрмак қилиб кузатиб туришди. Ниҳоят ёрим кечага яқин, уй эгаси чарчаб, ўйинларни тўхтатди-да, кечки овқатни беришни буюриб, ўзи ухлагани кириб кетди.

Кирила Петровичнинг йўқлиги одамларни анча яйратиб ва жонлантириб юборди. Эркаклар хонимларнинг ёнларидан жой олишга журъят этишди. Қизлар кулиб, ёнидагилар билан пичирлашар, хонимлар эса столнинг нариги томонидагилар билан шангиллаб сўзлашар эди. Эркаклар ичклик ичиб, гап отиб ва қаҳ-қаҳ уриб ўтиришарди; хуллас кечки овқат жуда хурсандчиклик билан ўтиб, базм аҳлида кўпгина ажойиб хотиралар қолдирди.

Бу умумий хурсандчиликка фақат бир одам қўшилмас эди: Антон Пафнутьевичнинг қоловиги солиқ бўлиб, у ўз ўрнида индамай ўтирас ва аллақандай паришонхотирлик билан овқат ер ҳамда жуда безовта кўринар эди. Қароқчилар ҳақидаги гаплар уншундай ташвишга солиб қўйганди.

Унинг қароқчилардан қўрқиши бежиз эмаслигини биз ҳадемай кўрамиз.

Антон Пафнутьевич, ўзининг қизил қутичасини бўш деганде ёлғон айтмаган ва гуноҳга ботмаган эди: қизил қутича чиндан ҳам бўшаган бўлиб, бир замонлар унда сақланган пуллар эндиликда чарм халта ичига кўчган ва бу халтани Антон Пафнутьевич ҳозир кўкрагида, кўйлаги остида сақлар эди. У, ўзидаги ҳеч кимга ишонмаслик ва доимий қўрқоқлик касалини халтачага бўлган

эҳтиёткорликдан деб билиб, ўзини-ўзи юпатиб юарди. Энди эса у, бироннинг ҳовлисида ётиб қолишга мажбур бўлгандан ке-йин, ўғрилар осонлик билан кира оладиган бирор хилват уйда ётиб қолмай, деб қўрқиб, ўзига ишончли бир ҳамдам изларкан, ўёқ-буёққа қаради-да, охири Дефоржни маъқул кўрди. Муаллимнинг бақувват одам эканидан далолат берадиган ташки кўриниши, ундан ҳам кўра, бечора Антон Пафнutyич эслаганда танига қалтироқ турадиган, уни танлашига сабаб бўлди. Столдан туришгач, Антон Пафнutyич, томоқ қириб, йўталиб, ёш французнинг атрофида айлана бошлади ва ниҳоят унга мурожаат қилди:

— Ҳм, ҳм, мумкин бўлмаомикин, мусье, шу бир кечани сизнинг кулбангида ўтказсам, зероки сиз менинг тасаввуримда...

Дефорж назокат билан таъзим қилиб:

— Que désire monsieur?<sup>1</sup> — деб сўради.

— Эҳ, мусье, сенинг ҳалигача русчани ўрганмаганинг ҳам бало бўлди-ку. Же ве, муа, ше ву күш<sup>2</sup>, тушундингми?

— Monsieur, tres volontiers veuillez donner des ordres en consequence<sup>3</sup>, — деб жавоб қилди Дефорж.

Француз тилига бунчалик омиллигидан хурсанд бўлган Антон Пафнutyич ўша ондаёқ буйруқ бергани кетди.

Меҳмонлар бир-бирлари билан хайрлашгач, ўзлари учун ажратилган уйларга кетишиди. Антон Пафнutyич эса муаллим билан бирга унинг хонаси томон юрди. Тун қоронги эди. Дефорж қўлидаги фонуси билан йўлни ёритиб борди. Антон Пафнutyич эса, пулнинг ўзида эканига ишонч ҳосил қилиш учун кўкрагидаги чарм ҳалтасини ушлаб-ушлаб қўяр экан, унинг орқасидан анча дадиллик билан юриб борар эди.

Ҳужрага келгач, муаллим шамни ёқди, шундан кейин иккаласи ечина бошлади; бу орада Антон Пафнutyич қулфлар билан деразаларни кўздан кечиравкан, бу кўнгилга ором бермас, кўрик таъсири билан бошини чайқай-чайқай, уй ичида айланиб юрди. Эшикларнинг илгаклари биттадан бўлиб, деразаларнинг ромлари ҳали икки қават қилинмаган экан. У, бу тўғрида Дефоржга нолимоқчи бўлди, лекин француз тилини яхши билмаганидан, бунчалик мураккаб фикрни баён қилолмади: француз ҳам унинг муддаосига тушумади; шундан кейин Антон Пафнutyич ўз нолишидан воз кечишга мажбур бўлди. Уларнинг жойлари рўпарама-рўпара солинган бўлиб, иккалasi ҳам ўринларига кириб ётишгач, француз шамни ўчирди.

— Пуркуа ву туше, пуркуа ва туше<sup>4</sup>? — деб бақирди Антон Пафнutyич, русча «тушить» («ўчирмоқ») деган сўзни француз

<sup>1</sup> Қандай хизматнингиз бор эди, тақсир?

<sup>2</sup> Мен сизнинг хонангизда ётсан дейман.

<sup>3</sup> Жуда яхши, марҳамат қилиб, тегишли кишиларга буйруқ беринг.

<sup>4</sup> Нега, ахир, ундан қиласиз... нега ўчиряпсиз?..

тили қоидасига чалакам-чатти солиб.— Мен қоронғида ухлаёлмайман.

Дефорж унинг сўзларига тушунмади, унга, яхши ётиб туринг, деди.

— О, лаънати кофир!— деб гулдиллади Спицин кўрпага ўранкаркан.— Шамни ўчириб қўйди-я! Бари бир, ўзига ёмон бўладику. Чунки мен қоронғида ухлолмайман.— Ҳой мусье! Мусье!— деди у яна.— Же ве авек ву парле!

Бироқ француз унга жавоб бермади ва дарров хуррак тортди.

«Бу лаънати француз журракни роса тортятти-ку,— деб ўйлади Антон Пафнутъич.— Менинг бўлса кўзимга уйқу ҳам келмайди. Ҳадемай очиқ эшикдан ўғрилар кириб келишса, ё бўлмаса деразадан ошиб тушишса борми: бу лаънатини тўп отиб ҳам уйғотиб бўлмайди».

— Мусье! Ҳой, мусье! Жин урсин сени!

Антон Пафнутъич жим бўлиб қолди, ҳоргинлик ва май кайфи аста-секин унинг ваҳимасини енди, у мудрай бошлади ва ҳадемай қаттиқ уйқуга кетди.

Унинг уйғониши ғалати бўлди. У кўзи уйқуда-ю, кўйлагининг ёқасидан аллаким оҳистагина тортаётганини сезди. Антон Пафнутъич кўзини очиб, гира-шира куз тонгида, рўпарасида турган Дефоржни кўрди: французнинг бир қўлида тўппонча, бир қўли билан унинг кўкрагидаги олтин халтасини ечар эди. Антон Пафнутъич ҳанг-манг бўлиб, ётган ерида қотиб қолди.

— Кесь ке се, мусье, кесь ке се?<sup>2</sup>— деди у қалтироқ овоз билан.

— Жим, унингизни чиқарманг!— деб жавоб берди муаллим соғф рус тилида.— Унингизни чиқарсангиз, ҳалок бўласиз, мен— Дубровский бўламан.

## XI БОБ

Энди биз ҳикоямизнинг ҳозиргача айттолмаган сўнгги ҳодисаларини аввалги воқеалар билан бирга қўшиб англатишга китобхонларимиздан ижозат сўраймиз.

\*\*бекатида, юқорида зикр этилган назоратчининг уйида, бир бурчакда, афтидан ювош ва бардошли кўринган бир йўловчи ўтиради; ҳар ҳолда бу одам ё разночине<sup>3</sup>, ёки ажнабийлардан бўлиб, бу почта йўлларида гап-сўзи ўтадиганлардан эмас эди. Унинг бричкаси ҳовлида, ўқига мой суринларини кутиб ётарди. Бричкада кичкинагина бир чамадонча бўлиб, бу ҳам эгасининг камбағаллигидан дарак бериб турарди. Йўловчи ўзига на чой чақириди, на кофе; у деразадан кўзини олмас ва тахта девор орқасида ўтирган назоратчи хотиннинг гашини келтириб, тинимсиз ҳуштак чалишда давом этарди.

<sup>1</sup> Мен сиз билан гаплашмоқчиман, ахир, биродар.

<sup>2</sup> Бу нима қылганингиз, биродар, нима гап ўзи?

<sup>3</sup> Қадим Россиядаги дворянлардан бошқа табақаларга мансуб бўлган зиёли.

— Худойим бизга зап ҳуштакчини юборди-да,— дерди ҳалини хотин пичирлаб,— бир лаҳза тўхташни билмайди-я, илоҳим ер ютсин сен лаънатини!

— Ҳа, нима бўпти?— деди назоратчи.— Нима заари бор? Чалса чалар.

— Нима заари бор дейсан-а?— дер эди хотини аччиғланаби.— Ҳуштак чалишнинг хосияти йўқлигини билмайсанми?

— Қанақа хосиятсизлик? Ҳуштак чалса — қўлдан давлат кетади, деганими? Э! Пахомовна, хоҳ ҳуштак чалсин, хоҳ чалмасин — бизда бари бир давлатник ўзи йўқ-ку.

— Жўннатиб юбора қол, Сидорич. Уни олиб ўтириб нима қиласан? От керак бўлса—бер тезроқ қорасини йўқотси, бу француз учун бошим билан жавобгар бўлишни истамайман. Ҳа-а, ана айтганим келди! Чопганча келяпти. Эҳ-ҳә, чопишини қара; генерал бўлмасин тагин?

Эшик олдига коляска келиб тўхтади. Хизматкор аравадан иргиб тушиб, эшикни очди ва бир оздан кейин назоратчининг ёнига ҳарбий шинель ҳамда оқ шапка кийган бир йигит кириб келди. Унинг кетидан хизматкори битта қутича олиб кириб дезага қўйди.

— Менга от бер!— деб буюрди офицер.

— Ҳозир,— деб жавоб қилиди назоратчи.— Йўл ҳужжатларини марҳамат қилсалар.

— Менда ҳужжат йўқ!— деди офицер.— Мен бошқа ёққа — ҳалиги томонга бораман.. Наҳотки, мени танимаётган бўлсанг?

Назоратчи ҳовлиқиб қолди ва кучерларини шошилтиришга ютурди. Йигит эса уй ичидан уёқдан-буёққа юриб туриб, тахта деворнинг нарёғига ўтди ва назоратчининг хотинидан секингина:

— Ким бу?— деб сўради.

— Худо билади,— деди назоратчининг хотини,— аллақандай бир француз. Беш соат бўлди, от кутиб, ҳуштак чалгани-чалган. Жонимга ҳам тегиб кетди, ер юткур.

Йигит йўловчи билан французчалаб гаплашиб кўрди.

— Қаёққа марҳамат қилиб кетаётисиз?— деб сўради ундан.

— Шу яқиндаги шаҳарга,— деди француз,— ундан нари бир гомешчикникига бораман. У киши мени сиртимдан муаллимликка ёллади. Мен у ерга шу бугун етиб бораман деб йўловдим, аммо назоратчи жаноблари бошқачароқ қарайапти. Бу жойларда от топиш қийин экан, офицер жаноблари.

— Бу ердаги помешчиклардан қайси бирининг хизматига кирдингиз?— деб сўради офицер.

— Троекуров жанобларининг хизматларига,— деб жавоб берди француз.

— Троекуров? Ким экан у Троекуров?

— Ma foi, mon officier<sup>1</sup>... Мен у кишининг яхшилик томонини

<sup>1</sup> Билолмадим, офицер жаноблари.

нам әшитганман. Әшитишимга қараганда, у жуда такаббур, ўжар, ўз одамларига писбатан каттиққүл одам әмиш ва ҳеч ким билан чиқишолмасмиш, унинг номини әшитганда, ҳамма дирдир титрармиш, муаллимларни ҳам (avec les ouïchitels) аямасмиш, иккитасини ўлгунча калтаклаган әмиш.

— Кечирасиз! Ҳали сиз шунақа золим одамнинг хизматига кирдингизми?

— Қандай қилай, офицер жаноблари. У менга яхшигина маош, яъни йилига уч минг сўм бермоқчи, бундан ташқари, ҳамма нарса унинг ўзидан. Эҳтимол, мен бошқалардан баҳтироқ бўларман. Менинг қари онам бор, маошимнинг ярмини унга юбораман, шу билан тирикчилик қиласди. Пулларимнинг қолган қисмини беш йилгача тўплаб борсам, келажакда бирорга муҳтож бўлмайдиган жиндаккина дастмоя ҳам йигиб оламан, шундан кейин *bousoir*<sup>1</sup> қилиб, Парижга жўнайман-да, савдосотик ишига киришаман.

— Троекуровникида сизни ҳеч ким танийдими? — деб сўради офицер.

— Ҳеч ким танимайди,— деди французд, — мени Москвадаги бир ошнаси орқали чақирди, у одамнинг ошпази менинг ватандошим эди, мени ўша тавсия қиласди. Агар билсангиз, мен ўзим аслда муаллимликка әмас, кондитерликка ўқиган киши эдим, аммо менга сизларнинг мамлакатларингизда муаллимлик қилиш жуда қулай иш дейишиди...

Офицер ўйлаб қолди.

— Менга қаранг,— деди офицер,— ўша келажагингизнинг ўрнига сизга ҳозирнинг ўзидаёқ нақд ўн минг сўм бериб, шу ондаёқ Парижга жўнаб кетишингизни талаб қилсалар, нима дер эдингиз?

Францууз ҳайрон бўлиб офицерга қаради ва жилмайиб бошини чайқаб қўйди.

— Отлар тайёр,— деди шу онда кириб келган назоратчи. Хизматкор ҳам шуни тасдиқ қилди.

— Ҳозир,— деди офицер,— бирпас чиқиб туринглар.— Назоратчи билан хизматкор чиқиб кетишиди. Офицер сўзида давом этди: — Мен сиз билан ҳазиллашаётганим йўқ. Мен еизга ўн минг сўмни ҳозироқ бероламан, менга фақат сизнинг бу ердан кетишингиз ва ҳужжатларингиз керак.— У, шу сўзларни айтаркан, ҳалиги қутичасини очиб, ичидан бир неча боғлам қоғоз пул олди.

Француузнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У, нима дейиншини ҳам билмай қолди.

— Менинг кетишим... менинг ҳужжатларим,— деб ҳайрон қолиб тақоррлади у.— Мана менинг ҳужжатларим... Лекин сиз мен билан ҳазиллашыпсиз: сизга менинг ҳужжатларим нима учун керак?

<sup>1</sup> Ҳайр-матъур.

— Бу билан сизнинг ишингиз бўлмасин. Мен сиздан сўраяпман: розимисиз шунга, ёки йўқми?

Ҳади ҳам ўз қулоқларига ишонмаган француз, ҳужжатлари ни ёш офицерга узатди, у эса, дарҳол буларни унинг қўлидан олиб, кўздан кечира бошлади!

— Мана бу — паспортингиз... яхши. Мана бу — тавсия мактуби, кўрамиз. Мана бу — туғилган йилингиз тўғрисида гувоҳнома, жуда соз. Мана бу — сизнинг пулингиз, энди қайтиб кетаверинг. Хайр.

Француз ҳанг-манг бўлиб қолди.

Офицер қайтиб келди:

— Мен сизга айтадиган энг муҳим бир нарсани унутаёзибман. Сиз менга вижданан сўз беринг, бу гапларнинг ҳаммаси фақат иккимизнинг ўртамиизда қолиши керак, шунга вижданан сўз беринг.

— Вижданан сўз бераман,— деди француз,— фақат ҳужжатларимга ҳайронман, ҳужжатсиз қандай қиласин?

— Дастрраб қайси шаҳарга борсангиз, мен — Дубровский томонидан таландим, деб айтинг. Сўзингизга ишониб, дарҳол сизга тегишли гувоҳномалар беришади. Хайр энди, тез фурсатда Парижга етиб бориб, кампир онангизни соғ-саломат кўришни худо сизга насиб қиласин.

Дубровский уйдан чиқиб коляскага ўтириди-да, отларни чоптириб кетди.

Назоратчи дераза олдида қараб турарди, коляска жўнаб кетгач, у хотинига қараб:

— Ҳой, Пахомовна, ҳеч гапдан хабаринг борми? Ҳозирги келган офицер йигит Дубровский бўлади! — деди.

Назоратчининг хотини апил-тапил дераза ёнига келди, лекин у кеч қолган эди. Дубровский анча узоқлашиб кетганди. Сўнгра у эрини койиб кетди:

— Сен, Сидорич, худодан қўрқмайсан, нега менга аввалроқ айтмадинг, ақалли бир марта кўрганимда бўларди Дубровскийни, энди яна қачон йўли тушади-ю! Инсоф деган нарса йўқ сенда, чиндан ҳам инссесизсан!

Француз ҳамон ўз жойида қоқкан қозиқдай турар эди. Офицер билан аҳдлашуви, пул, буларнинг ҳаммаси унга гүё бир тушга ўхшаб кўришар эди. Бироқ чўнтағига солиб олгани боғлам-боғлам пуллар унга бу ажойиб ҳодисанинг ҳақиқат эканини тўла исбот қилиб турарди.

У шаҳаргача от кира қилмоқчи бўлди. Кучер отларни секин юрдириб борганидан, улар шаҳарга кечаси етиб боришди.

Улар соқчи ўрнида вайронга бир будка турган соқчихонага етмасданоқ француз бричкани тўхтатишини буюрди, сўнг бричкадан тушди-да, бричка билан чамадонини ароқ олиб ичиш учун кучерга ҳадя қилганини имо-ишора билан тушунтириб, ўзи шаҳар томон пиёда кетди. Дубровскийнинг таклифига француз қандай ҳайрон қолган бўлса, унинг бу сахийлигига арава-

каш ҳам худди шу қадар ҳайрон қолди. Лекин кучер уни жиннинг йўйиб, астойдил таъзим қилди-да, шаҳарга боришини эп кўрмай, эгаси ўзига яхши таниш бўлган машҳур бир ишратхонага қараб йўл олди. Кучер бутун кечани у ерда ўтказиб, бричка билан чамадондан айрилиб, учта яйдоқ отга эга бўлиб, эрталаб юзлари шишган ва кўзлари қизарган ҳолда боши оққан томонга равона бўлди.

Дубровский французнинг қоғозларини қўлга киритгач, юқорида кўрганимиз каби, Троекуровнинг ҳузурига дадил кириб борди ва унинг уйига жойлашиб олди. Унинг яширин мақсадлари қандай бўлмасин (буни биз кейин биламиз), аммо унинг феълу авторида айбга саналадиган ҳеч нарса йўқ эди. Тўғриси, у Сашанинг тарбияси билан оз шуғулланди, унинг шўхликларига истаганча йўл қўйиб берди, расмият учун бериладиган дарсларни қаттиқ суриштирумади. Лекин бунинг ўрнига қиз шогирдининг музикадаги муваффақиятларини жуда сидқидиллик билан кузатиб борди ва кўпинча у билан фортеяно ёнида соатларча ўтирадиган бўлиб қолди. Бу ёш муаллимни ҳамма севар эди. Кирила Петрович уни ов вақтида кўрсатган чаққонлиги учун, Марья Кириловна чексиз ихлослари ва хушмуомалалари учун, Саша ўзининг шўхликларига йўл қўйиб берганлиги учун, хизматкорлар эса унинг яхшиликлари ва асосан ўзининг моддий аҳволи жилла унча бўлмаганига қарамай, қилаётган сахийлиги учун яхши кўтар әди. У эса ўзини, ҳар тарафлама шу оила билан боғлиқ бўлгани учун, унинг бир аъзоси деб ҳисоблар эди.

Унинг муаллим унвони билан хизматга кирганига, ҳалиги унуптилмас байрам кунигача бир ойга яқин вақт ўтган бўлса ҳам, бу камтар ёш француз қиёфасида, ёлғиз биргина номининг ўзи бутун теварак-атрофдаги мулкдорларни ваҳимага солган, даҳшатли бир қароқчи яшириниб юрганлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Шу муддат орасида Кирила Петрович яшаган Покровское қишлоғидан Дубровский ҳеч қаёққа чиқмаган бўлса-да, лекин унинг босқинчилклари тўғрисидаги овозалар қиншлопқ аҳолисининг ихтирочи мишлишчилари сабабли, ҳануз боシリмади, ундан ташқари, эҳтимол, бошлиқлари йўқ бўлса ҳам, унинг шайкаси ўз ишини давом эттирган бўлиши мумкин.

Дубровский ўзининг шахсий душмани ва ўз бошига тушган фалокатларнинг бош айборларидан бири, деб ҳисобласа бўладиган киши билан бир уйда тунар экан, қилмишларини давом эттиришдан ўзини тиёлмади. У чарм халта тўғрисидаги гаплардан ҳам хабардор бўлиб, уни қўлга туширишга жазм қилди. Зотан унинг муаллимдан бирданига босқинчига айланиб, бечора Антон Пафнутични қандай ҳайратга солганини биз кўрган әдик.

Покровскоеда ётиб қолган меҳмонлар эрталаб соат тўқизда бирин-кетин меҳмонхонага тўпланиши. Бу ерда самовар қайнаб турар, самовар олдида эса эрталаб кийиладиган кўйлакда Марья Кириловна ўтирас, Кирила Петрович эса—устида байка сортук,

оеклариды түфли—косадек катта писелада чои ичар эди. Ҳаммадан кейиң Антон Пафнутийч кирди; унинг ранги шу қадар оқаргап ва ўзи шу қадар паришон кўринардики, бу ҳолпи кўриб ҳамма ҳайрон бўлди ва Кирила Петрович ундан, нотоб эмасмисан, деб сўради. Спицин довдираб жавоб қайтарди ва шу ерда ҳеч нарса кўрмагандек хотиржам ўтирган муаллимга ваҳимага тушиб қараб қўйди. Бир неча минутдан кейин хизматкор кириб Спицинга коляскаси тайёр бўлганини билдириди. Антон Пафнутийч апил-талил ўрнидан турди-да, ҳаммага таъзим қилиб, уй эгасининг илтимосига қарамай, тезгина уйдан чиқиб, жўнаб кетди. Унга имма бўлганини билишолмади. Кирила Петрович эса, кўп овқат еб бўкиб қолгандир, деб ўйлади. Эрталабки чой ва хайрлашув нонуштаси берилгач, бошқа меҳмонлар ҳам уй-уйларига тарқалишиди ва кўп ўтмай, Покровское қишлоғи бўшаб қолди ва ҳамма нарса ўз тартибига тушди.

## XII БОБ

Орадан бир неча кун ўтди, бироқ бу вақт ичида ҳеч ҳандай муҳим ҳодиса юз бермади. Покровское қишлоғининг аҳолиси ҳамон бир хилда кун ўтказишар эди. Кирила Петрович ҳар кун овга чиқарди. Марья Кириловна эса китоб ўқир, сайд қиласар ва музикадан дарс оларди, айниқса, музика дарслари билан кўпроқ шугулланар эди. У ўз қалбини тушуна бошлаган бўлиб, кўнгли ёш француз йигитининг фазилатларига бепарво эмаслигини беихтиёр алам билан эътироф этарди. Шу билан бир қаторда йигит ҳам одоб ва ҳурмат доирасидан четга чиқмас ва шу билан у қизнинг гурурига ҳамда ҳуркак гумонларига таскин берар эди. Қиз, одамии ўзига жалб этувчи одатларга нисбатан тобора кўпроқ ишонч билан қарайдиган бўлиб борар ва шундай бўлиб қолганди.

У, Дефорж бўлмаса зерикар, у бор чоғларда эса, доим у билан машгул бўлар, ҳар бир нарса тўғрисида унинг фикрини билишга уринар ва унинг ҳамма фикрларига қўшилар эди. Қиз, балки, уни ҳали севганича йўқидир, лекин биринчи марта дуч келадиган тасодифий бир тўскинлик ёки тақдирнинг ногаҳоний бирон жабри орқасида қизнинг кўнглида эҳтирос олови алангалини кетиши ҳам мумкин эди.

Бир куни, Марья Кириловна ўзини муаллим кутиб турган залга кириб келар экан, унинг оқарган юзида довдираш аломатлари борлигини сезиб ҳайрон бўлди. Қиз, фортельянони очди, бир неча куйни чалди, лекин муаллим, боши оғриганини баҳона қилиб, узр сўради, дарсни тўхтатди ва ноталарни ёпаркан, қизнинг қўлига яширинча бир хат узатди. Марья Кириловна, беихтиёр хатни олди ва ўша оннинг ўзидаёқ бу ишга ўқинди, бироқ Дубровский залдан аллақачон гойиб бўлган эди. Марья Кириловна ўз уйига кириб, хатни очди ва қўйидагиларни ўқиди:

«Бугун соат 7 да ариқ бўйидаги шийлончага келинг. Сиз билан сўзлашадиган зарур гапларим бор».

Бу хат уни ниҳоятда қизиқтириди. Чунки у ўзи истаган ва қўрқсан бу эътирофни кўпдан кутар эди. Шунингдек, ўзи кўпдан пайқаб юрган бу нарсанинг ростга чиқишини эшитиш унга ёқиб тушишини билса ҳам, бироқ фақирлиги туфайли ҳеч қаҷон унинг розилиги насиб бўлмайдиган одамдан бундай эътирофни эшитиш одобдан эмаслигини ҳам яхши биларди. Шундай бўлса ҳам, у учрағигани бормоқчи бўлди, бироқ бир нарсага ҳайрон эди: у муаллимнинг эътирофини қай йўсинда қабул қиласди — аристократча газаб биланми, ёки индамай «хўп» дейиш биланми?.. Ҳолбуки, ўзи ҳар онда соатга қараб қўйяр эди. Қоронги тушди, шамлар ёқилди, Кирила Петрович меҳмон бўлиб келган қўшнилари билан бостон ўйнашга ўтириди. Емакхонадаги соат чорак кам еттига жом чалди. Марья Кириловна оҳистагина зинапояга чиқди ва у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, сўнг боғ томон чопиб кетди.

Кечаки қоронги, кўк юзини қора булат қоплаган, икки қадам наридаги ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Аммо Марья Кириловна қоронгиди, ўзига таниш бўлган ўйлардан юриб, бир минутдан кейин оқ шийлончага етиб борди; у бу ерда нафасини ростлаб олиш ва ўзини Дефоржга беларво ҳамда хотиржам қилиб кўрсатиш учун тўхтаган эди. Бироқ Дефорж унинг олдидат турарди.

— Раҳмат, сизга,— деди у оҳиста ва ғамгии овоз билан,— ўтичинмии қайтармаганингиз учун. Агар келмаганингизда мен қаттиқ ранжирдим.

Марья Кириловна олдиндан ўйлаб қўйган жавобини берди:

— Умид қиласманки, ҳар ҳолда, истагингизга раъй берганим учун мени ўкинишга мажбур этмассиз.

Дефорж, гўё гапга киришмоқ учун нафасини ростлаётгандек, жим турар эди.

— Шаройт шунни талаб қиласди... Мен бу ердан кетишга мажбурман,— деди у ниҳоят,— яқинда, балки, эшитиб қоларсиз. Фақат айрилилдан аввал мен сиз билан сўзлашиб олишим керак...

Марья Кириловна жавоб бермади. У, бу сўзларни кутилган эътирофнинг муқаддимаси деб ўйлади.

— Мен сиз ўйлаган одам эмасман,— деб сўзида давом этди у бошини эгиг.— Мен — француз Дефорж эмасман, мен — Дубровский бўламан.

Марья Кириловна қичқириб юборди.

Худо ҳақи қўрқманг, сиз менинг немимдан қўрқмаслигингиз керак. Тўгри, мен ўша, отангиз мени бир бурда нонимдан маҳрум қилган, отамнинг уйидан ҳайдаб, қароқчилик ўйлига киришга мажбур этилган бечорамаи. Фақат сиз, отангиз учун ҳам, ўзингиз учун ҳам мендан қўрқмасангиз бўлади. Бўлар иш бўлди. Мен унинг гуноҳларини кечирдим. Билиб қўйинг: уни сиз қутқариб қолдингиз. Мен биринчи марта қонли қасосни ундан—

сизнинг отангиздан олишим керак эди. Шу мақсадда мен: қаердан ўт қўйса, қай томондан унинг ётоқхонасига кирса бўларкин, қандай қилиб унинг қочадиган йўлларини бутунлай тўсиб ташлаш мумкин бўларкин, деб ўйлаб, унинг ҳовлиси атрофида юрганимда, менинг ёнимдан, само париси сингари сиз ўтиб қолдингиз, шундан кейин менинг кўнглим юмшаб кетди. Шундан кейин мен, сиз яшаган уйнинг муқаддас, сизга қариндош бўлган ҳар бир кимса менинг нафратимдан четда эканини тушундим. Уч олиш фикрини ҳам телбалик деб билиб, воз кечдим. Сизнинг оқ кўйлагингизни йироқдан бўлса ҳам бир кўриш ниятида кунлар бўйик Покровское богларида кезардим. Сиз бепарвеник билан сайр-томоша қилиб юрган чоғларингизда, мен яширин ҳозир бўлган ерда сиз ичун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, деган ширин хаёл билан дарахтлар орасида бекиниб, сизни кузатиб юрадим. Ниҳоят, бир тасодиф юз бериб, мен сизларнинг ҳовлингизга жойлашиб олдим. Бу уч ҳафта менинг учун баҳтли кунларим бўлди. Бу кунларнинг хотирави менинг гамгин ҳётимда катта юпач бўлажак... Мен бугун бир хабар олдим, бундан кейин бу ерда қолишим мумкин эмас. Мен сиз билан бугун... ҳатто ҳозирнинг ўзидаёқ хайрлашишим керак... Лекин, кейинча мени лаънатлаб, нафратланиб юрмаслигингиз учун, мен аввало ўз сирларимни сизга айтишим керак эди. Баъзи-баъзида Дубровскийни эсингизга олиб қўйинг. Шуни бир билингки, у бошқа ҳаёт учун дуёға келган эди, унинг қалби сизни севди ва ҳеч қачон...

Сўз шу ерга келганда оҳистагина ҳуштак овози эшистилди ва Дубровский жим бўлиб қолди. У қизнинг қўлидан маҳкам ушлаб, ўтдай қизғин лабларига босди. Яна ҳуштак овози такрорланди.

— Кечирасиз,— деди Дубровский,— мени чақиришяпти, бир пас ҳаяллаш ҳам менга қимматга тушиши мумкин.— У бир оз нари кетди. Марья Кириловна эса қимирамай туроварди. Дубровский қайтиб келди-да, яна қизнинг қўлидан тутди:— Агар қачондир,— деди у мулойим ва таъсири бир овоз билан,— агар қачондир бўшингизга бирор кулфат тушадиган бўлса ва сиз, ҳеч кимдан ёрдам ҳам ҳимоя ҳам кўролмайдиган бўлсангиз, ўшанда ўзингизни қутқариш учун мендан истаганча кўмак сўрашга ваъда берасизми? Менинг сизга бўлган садоқатимни рад қилмасликка ваъда берасизми?

Марья Кириловна тозуш чиқармай йиглар эди. Учинчи марта ҳуштак овози келди.

— Сиз мени ҳалок қиласиз!— деб қичқирди Дубровский.— То жавоб бермагунингизча кетмайман, ваъда берасизми, йўқми?

— Ваъда бераман,— деб пичирлади бечора қиз.

Дубровский билан учрашувдан ҳаяжонга келган Марья Кириловна боғдан қайтди. Кўрсаки: ҳовлидаги одамлар ҳар томонга чопишган, бутун хонадон ҳаракатга келган, ҳовлида одам қўп, эшик олдида уч отлиқ арава турипти, қиз узоқдан Кирила Петровичнинг овозини эшигтгач, ўзининг йўқлиги билиниб қол-

масин дөв, шошганича унга кирди. Залда уни Кирила Петрович қарши олди, бу вақт меҳмонлар, бизга таниш бўлган исправники ўртага олиб, ҳар томондан унга саволлар беришар эди. Сафар либоси кийган ва бошдан-ёғигача қуролланган исправник эса аллақандай сир ва бетоқатлик билан уларга жавоб берарди.

— Қаерда эдинг, Маша? — деб сўради Кирила Петрович.— Мистер Дефоржни кўрмадингми?

Маша аранг, йўқ, деган маънода жавоб қила олди отасига.

— Буни қара энди,— деди Кирила Петрович сўзида давом этиб,— исправник уни тутиб кетмоқчи бўлиб келипти. Дубровский шунинг ўзи, деб мени ишонтиromoқчи бўляпти.

— Ҳамма аломатлари худди ўзгинаси жаноби олийлари,— деди исправник тавозе билан.

— Ҳой, биродар,— деди Кирила Петрович унинг сўзини бўлиб,— бор, жўна бу ердан, ўша аломатларинг билан! Ҳамма ишни ўзим текшириб кўрмагунимча, мен сенга французимни бермайман. Антон Пафнутьевич ўлгудек қўрқоқ, ёлғончи одам, унинг сўзига ишониб бўладими? У ўзи шунақа ваҳимадор бўлиб қолипти, қаранглар-а, муаллим уни таламоқчи бўлган эмиш! Бўлмаса, нимага у ўша куни эрталаб менга бу ҳақда бир оғиз ҳам бир нима демади?

— Француз уни қўрқитипти, жаноби олийлари,— деди исправник,— ҳеч кимга айтмайсан, деб унга қасам ичиринти...

— Бекор гап! — деди унга Кирила Петрович,— ҳозир мени ўзим ҳаммасини аниқлайман. Муаллим қани, ахир? — деб сўради у эшикдан кириб келган хизматкордан.

— Ҳеч қаердан топилмади,— деб жавоб берди хизматкор.

— Топ, қидириб топ! — деб бақирди хизматкорга, ўзи ҳам гумонсираб қолган Троекуров. Сўнгра исправникка қараб:— Қани, ўша мақтаган аломатларингни менга бир кўрсат-чи! — деди. Исправник дарҳол қоғозни узатди.— Ҳм, ҳм, йигирма уч яшар... Бу шундай-ку, лекин бу билан ҳали ҳеч нарсани исбот қилиб бўлмайди... Қани муаллим дейман?

— Топилмади,— деб жавоб беришиди яна.

Кирила Петрович хавотирлана бошлади. Марья Кириловна эса бу вақт ранги оппоқ оқариб кетган ва ҳушини йўқотиб қўяёзган эди. Отаси буни пайқаб:

— Рангинг ўчган, қизим,— деди,— сени қўрқитиб юбориштипи-да.

— Йўқ, отажон,— деди Маша,— бошим оғрияпти.

— Бор, Маша, уйингга кир, ташвиш тортма!

Маша отасининг қўлини ўпти-да, тезроқ ўз уйига кириб кетди ва кириб ўзини каравотга ташлади, эсини йўқотиб қўйган каби ҳўнграб йиглай бошлади. Ҷўри қизлар югуриб келиб, ечинтиришди, совуқ сув ва турли-туман дориворлар билан зўрга тинчитиб, жойинга ётқизишиб-ю, шу билан қиз уйқуга кетди.

Бу орада французычи топиша олмади. Кирила Петрович залнинг у бошидан бу бошига бориб келар ва «Зафар гулдуроси

яңгра!» қүшиғига ғазабланио ҳүштак чалар эди. Мәхмөнлар уз-аро пичирлашарди, исправникниң қуруқа чопиб, аҳмоқ бўлгани қолганди. Француз эса топилмади. У олдиндан хабар топиб, қочиб кетган эди. Лекин уни ким ва қандай воқиф этган? Бу сир очилмай қолди.

Соат ўн бир бўлиб қолса-да, ҳеч кимнинг уйқуси келмади. Ниҳоят, Кирила Петрович исправникка зарда қилиб:

— Хўш, ҳани? Тонг отгунча пойлаб ўтирасанми энди бу ерда? Менинг ҳовлим сенга майхона эмас ахир. Агар у Дубровский бўлгандা ҳам, сен бундай чаққонлигиң билан Дубровскийни тутиб бўлсан, биродар. Шундай экан, қаердан келган бўлсанг, жўна ўша ёққа, бундан бўён эпчилроқ бўл! — деди. Кейин мәхмөнларга қараб давом этди.— Энди сизлар ҳам жўнасанглар бўлади. Араваларингизни қўширинг, менинг уйқум келди.

Троекуров ўз мәхмөнлари билан ана шундай совуққина хайрлашиб қолди.

### XIII БОБ

Яна бир қанча вақт ўтди, муҳимроқ бир воҳеа рўй бермади. Лекин янаги ёз бошларида Кирила Петровичнинг оиласи ҳаётида кўп ўзгаришлар бўлди.

Кирила Петрович яшаган жойдан ўттиз чақиримча нарида князъ Верейскийниң катта мулки бор эди. Князъ кўп ийллар давомида чет мамлакатларда яшаган бўлиб, ўзи йўғида унинг мулкини истеъфога чиққан бир майор бошқарар эди. Покровское билан Арбатово қишлоқлари ўртасида ҳеч қандай алоҳа йўқ эди. Май ойининг охирларида князъ чет элдан ҳали ҳеч қачон кўрмаган ўз қишлоғига қайтиб келди. Мудом эркин ҳаёт кечириб ўрганган бу одам, ёлғизликка чидолмай, келганидан уч кун кейин, бир вақтлар талиши бўлган Кирила Петровичнинг уйига мәхмөн бўлиб борди.

Князъ эллик ўшларда бўлса ҳам, лекин сиртдан анча қарироқ кўринарди. Ортиқча ҳою ҳаваслар унинг соғлигини нуратиб, суробини тўғрилаб қўйган эди. Аммо шунга қарамай, истараси иссиқ ва жозибадор эди. Улфат кўрган одамлиги эса айниқса уни хотин-қизлар орасида кўпроқ илтифотга сазовор қиласади. У доим улфат қидирар ва доим зерикар эди. Кирила Петрович бу одамнинг мәхмөн бўлиб келганига жуда севинди ва унинг бу келишини киборлар жамоатини кўрган бир кишининг ўзига кўрсатган ҳурмати деб билди. У, одати бўйича, мәхмөнга ўз жойларини кўрсатар экан, уни ҳам итхонасига олиб кирди. Аммо қўланса ҳид князънинг димогига кириб, унинг нафаси бўғилди ва у атир сепилган рўмолчаси билан бурнини ушлаб, бу ердан тезроқ чиқиб кетишга шошилди. Кирила Петровичнинг каллакланган аргувонли, тўртбурчак ҳовузли ва тўппа-тўғри чўзилиб кетган хиёбонли эски борги унга маъқул бўлмади; у инглиз боғларини ва табиат дейилган кенгликни яхши кўради, шундай бўлса

ҳам, қойил қолганлыгыни Силдириб, мақтаб юрди. Хизматкор келиб овқат тайёр бұлганидан хабар берди. Улар овқатланғаны кетишиди. Князь бу күнгил ёзиб келишідан чарчаган ва бу ерга келганига пушаймон еган ҳолда, пича оқсаброқ қадам босар әди.

Аммо залда уларни Марья Кириловна күтиб олгач, бу эски модабоз, қизнинг ҳуснуга мақлиә бўлиб қолди. Троекуров уни қизининг ёнига ўтқизди. Қизнинг ёнида князга жон кирди: қувониб, очилиб кетди ва қизиқ ҳикоялар айтиб бериб, қизнинг дик-қатини бир неча бор ўзига жалб этди. Овқатдан кейин Кирила Петрович, отда сайр қиласийлик, деб таклиф қилган әди, князь оёғидаги бахмал этикларини кўрсатиб узр сўради ва ўзининг бод касалидан кулган бўлиб, дилижонда сайр қилишни афзал кўрди, мақсади, нозанин қўшиисидан айрилмаслик әди. Дилижонни қўшишиди. Унга икки чол билан гўзал қиз ўтиришида, учловон жўнаб кетишиди. Йўл-йўлакай гап тўхтамади. Марья Кириловна бу киборлар тоифасига мансуб одамнинг хушиомадомуз ва кўнгил очадиган гапларини жон деб тингларкан, шу чоқ Верейский бирданига Кирила Петровичдан:

— Бу иморат нега куйган? Сизга қарашлими?..— деб сўраб қолди. Кирила Петрович қовоғини солди: чунки ёниб кетган қўргон туфайли қўзгаладиган хотиралар унга ёқмас әди. Шундай бўлса ҳам у:

— Бу жойлар ҳозир менга қарайди, илгари эса Дубровский-га қарап әди,— деб жавоб қилди.

— Дубровскийга?— деб тақрорлади Верейский.— Уша машҳур қароқчигами?

— Отасига,— деди Троекуров.— Отаси ҳам бориб турган қароқчи әди.

— Бизнинг Ринальдо<sup>1</sup> қаерда экан? У тирикми, ёки қўлга тушганми?

— Тирик ҳам, озод ҳам, бизнинг исправниклар билан ўгрилар ўртасида тили бирлик давом этадиган бўлса, уни тутиб ҳам бўлмайди. Айтганча, князь, Дубровский сенинг Арбатовоигда ҳам бўлибди, дейишадими?

— Ҳа, ўтган йили у алланарсага ўт қўйибми, талабми кетганди шекилли... Нима дейсиз, Марья Кириловна, шу романтик қаҳрамон билан яқиндан танишилса жуда қизиқ бўларди-да, а?

— Нимаси қизиқ бўларди,— деди Троекуров.— Бу у билан таниш: у бунга уч ҳафта музикадан дарс берди, худога шукурки, дарслари учун ҳеч нарса олмади.

Шундан кейин Кирила Петрович ўз ҳовлисида яшаган француз муаллимини таърифлаб кетди. Марья Кириловна бетоқат бўлиб ўтиради. Верейский эса жуда эътибор билан қулоқ солди. Лекин бу нарсалар унга жуда галати кўриниб, сўзини бошқа ёқ-

<sup>1</sup> Ринальдо-Ринальдини — афсонавий бир йўлтўсар, кўп романларниң қаҳрамони.

қа бурди. Қайтио келгандаридан кейин эса у дархол аравасини қүшишга буюрди-да, Кирила Петровичнинг ётиб қол, деб қисташига ҳам қулоқ солмай, чойдан кейиноқ жўнаб кетди. Аммо жўнамасдан илгари у Кирила Петровични қизи Марья Кириловна билан бирга меҳмонга айтди ва мағрур Троекуров ҳам унинг князлик даражасини, иккита юлдуз нипшонини, ота-бобосидан қолган уч минг жони бор мулкини ҳурмат қилиб, князь Верейскийни маълум даражада ўзига тенг кўриб, уникига меҳмонга боришига розилик берди.

Шундан икки кун ўтгач, Кирила Петрович қизи билан князь Верейскийнинг қўрғонига меҳмонга жўнади. Арбатовога яқинлашганда, у деҳқонларнинг озода ва кўркам уйларига, князнинг инглиз саройлари тақлидидаги солинган катта ғиштин иморатига қизиқиб қаради. Иморат олдида ўти қалин, кўм-кўк яйлов бўлиб, у ерда Швейцария сигирлари қўнғироқларини жиринглатиб ўтлаб юрар эди. Иморатнинг тўрт томони кенг боғ эди. Уй эгаси меҳмонларни эшик олдида кутиб олди ва ёш гўзалнинг қўлидан ушлаган ҳолда, уни зинадан олиб чиқди. Улар ажойиб бир залга киришди, у ерда уч киши учун дастурхон ҳозирланган эди. Князь меҳмонларни дераза ёнига олиб борди ва уларнинг кўз олдиларида ажойиб бир манзара очилди. Дераза олдидан Волга дарёси оқиб ётар, унда таранг тортилган елканли юқ ортилган кемалар сузиб боришар, азобижон деб жуда маъноли ном берилган балиқчи қайиқлари онда-сонда кўриниб қолар эди. Дарёнинг у юзида адиirlар ва далалар чўзилиб кетган бўлиб, теварак-атрофни бир неча қишлоқ жонлантириб турар эди. Кейин улар князнинг чет эллардан сотиб олган бир қанча суратларини томоша қилишди. Князь Марья Кириловнага бу суратларнинг мазмунини ва рассомларнинг тарихини айтиб бериб, уларнинг фазилатлари ва камчиликларини англатди. У суратлар тўғрисида сўзлар экан, эзма билимдонларнинг қуруқ тилларида гапирмасдан, туйгу ва завқ билан гапирарди. Марья Кириловна унинг сўзларини мамнунлик билан тинглади. Дастурхонга ўтилди. Троекуров бу меҳмондўст уй эгасининг шаробларига ва ошпазининг ҳунарига қойил қолди. Марья Кириловна эса умрида иккинчи марта кўрган бу одам билан ҳеч бир ўнгайсизланмай баҳузур гаплашаверди. Таомдан кейин уй эгаси меҳмонларни боқقا таклиф қилди. Улар ўртасида ороллари кўп бўлган кенг бир кўл бўйидаги шийпончада ўтириб кофе ичишиди. Шу чоғ бирданига духовой музика овози эшитилди-ю, олти эшкакли бир қайиқ худди шийпонча олдига келиб тўхтади. Улар қайиқка тушиб кўлда сайр этишди, оролларнинг ёнларидан ўтишди, уларнинг баъзиларига тушиб томоша ҳам қилишди, бирида мармардан ясалган одам ҳайкали, бирида хилват бир ўнгир, яна бирида сирли ёзувлари бўлган бир ҳайкални кўришди. Бу сирли ёзувлар Марья Кириловнада ёш қизларга хос бир қизиқиши ҳиссини қўзғади-ю, бироқ князнинг қасддан сир очиб айтмаганилиги туфайли у буларни тугал англай олмади. Шу би-

лан кун ҳам сезилмасдан ўтиб кетиб, кеч кира бошлади. Князь ҳавонинг совуқлигини ва шабнамни баҳона қилиб, уйга қайтиши га шошилди; чунки уларни уйда қайнаган самовар кутиб турарди. Князь Марья Кириловнадан қари бўйдоқнинг уйидаги бекалик қилишини сўради. Қиз илтимосини қабул қилиб, бу ёқимтой маҳмадонанинг битмас-туганмас ҳикояларини тинглаб, чой қуийб бериб ўтирди. Шу чоғ бирданига ўқ овози эшитилиб кўкни мушак шуъласи ёритди. Князь Марья Кириловнанинг елкасига шол рўмол ташлаб, уни ва Троекуровни балконга таклиф қилди. Уйнинг олдида, тим қоронгилик ичиди, турли рангдаги оловлар туташиб, гир-гир айланар, бошоқлар сингари, хурмо дараҳтлари сингари, фонтан сингари осмонга кўтарилар, сўнгра ёмғирдек ва юлдузлардек ерга тўклиб, бир нафас сўнар ва кейин яна авж олар эди. Марья Кириловна худди ўш боладек севинар эди. Буни кўрган князь Верейский қувонар, Троекуров эса князнинг *tous les frais*<sup>1</sup> ҳурмат ва ўзига ёқиш истагининг нишонаси, деб ундан жуда хурсанд бўларди.

Кечки овқат ҳам тушки овқатдан ҳеч бир қолишмайдиган бўлди. Меҳмонлар ўзларига аталган хоналарга кириб кетишиди, эрталаб ёқимли уй эгаси билан хайрлашилар экан, тез фурсатда яна кўришишга бир-бирларига ваъда бердилар.

#### XIV БОБ

Марья Кириловна ўз уйидаги очиқ дераза олдида, гардишга солиб кашта тикиб ўтиради. У муҳаббат кўйида паришонлик билан қизил гулни зангор ипак билан тикиб қўйган Конраднинг<sup>2</sup> маъшуқаси каби ипакларни чалкаштирмас эди. Унинг чеварлик билан игна тутиши орқасида асл нусханинг нақшлари тўрга хатосиз кўчирилар, лекин шундай бўлса ҳам, қизнинг хаёли каштада эмас, аллақайларда кезар эди.

Бирдан деразадан бир қўл чўзилиб, гардиш узра аллаким бир хат қўйди-да, Марья Кириловна эс-ҳушини йигиб олгунча, ўзи кўздан гойиб бўлди. Шу чоғ хизматкор кириб, уни Кирила Петрович чақираётганини айтди. Қиз, қалтираб туриб хатни дуррачаси тагига яшириди-да шошиб, отасининг хонасига чиқди.

Кирила Петрович ёлгиз эмас эди. Унинг ёнида князь Верейский ўтиради. Марья Кириловна кириши билан князь ўрнидан турди ва ўзидаги ҳозиргача кўринмаган бесаранжомлик билан индамасдан қизга таъзим қилди.

— Берироқ кел, Маша,— деди Кирила Петрович,— сенга бир янги гап айтаман, ўйлайманки, хурсанд бўлсанг керак. Мана бу киши сенинг куёвинг бўлади, князь сенга уйланмоқчи.

Қиз қотиб қолди, юзи мурдадек оқарди, чурқ этмади. Князь

<sup>1</sup> Бу чиқимларининг ҳаммасини.

<sup>2</sup> Конрад — поляк шоири Мицкевичнинг «Конрад Валленрод» номли достопининг қаҳрамони.

яқин келиб, қизнинг қўлидан тутди ва ҳаяжонланган бўлиб: мени баҳтли қилишга розимисиз, деб сўради. Маша индамади.

— Рози, албатта рози, — деди Кирила Петрович, — ўзинг биласан князъ: қиз бундай сўзни тилига ололмайди. Хўш, болаларим, қани ўшишинглар, баҳтли бўлинглар.

Маша қимир этмасдан турди, кекса князъ келиб унинг қўлидан ўпган эди, қизнинг рангиз юзидан бирданига кўз ёшлари оқди. Князъ хўмрайгандай бўлди.

— Ана холос, ана холос, — деди Кирила Петрович. — Бор, кўз ёшингни артиб, қувноқ бўлиб кел! — Сўнгра Верейскийга деди: — Бундай пайтда қизлар ўзи ҳаммавақт йиглашади, бу уларнинг одати... Қани энди, князъ, иш хусусида, яъни сеп тўғрисида гаплашиб олайлик.

Марья Кириловна чиқиб кетиш имкониятидан дарров фойдаланди, у юрганича уйига кирди, эшикни ичидан беркитиб олди-да, ўзини кекса князниг хотини хаёл қилиб, йигига зўр берди: князъ бирданига унга жирканч ва хунук бўлиб кўриниб кетди... Бу никоҳ қизни худди дор ва гўрдай қўрқитди... У газабига чидай олмасдан ўз-ўзига: «Йўқ, йўқ, асло! Бундан кўра ўлганим, монастирга кириб кетганим, Дубровскийга текканим яхшироқ», деди. Шу чоғ унинг эсига бояги хат тушди, у, бу хат Дубровскийдан экачинни сезгандай, апил-тапил очди-да, ҳовлиқиб ўқий бошлади. Дарҳақиқат, хат Дубровскийдан бўлиб, қуйидаги сўзлардангина иборат эди:

«Кечқурун соат 10 да илгариги жойда».

## XV БОБ

Тинч июль кечаси, ойдин, гоҳ-гоҳ ёқимли шабада эсиб, боғда енгил бир шитирлаш кезади.

Гўзал ён қиз учрашиш жойига қушдай учиб борди. Ҳеч ким кўринмади, бирдан шийпонча орқасидан Дубровский чиқиб, қизнинг рўпарасида пайдо бўлди.

— Мен ҳаммасини биламан, — деди у секин ва қайғули овоз билан қизга. — Берган ваъдангизни эсланг.

— Сиз менга ўз ҳимоянгизни таклиф қилаётисиз, — деди қиз, — лекин хафа бўлманг: мен бундан қўрқаман. Айтинг, қандай қилиб сиз менга ёрдам бера олишингиз мумкин?

— Сизни ўша ёмон кўрган кишингиздан қутқаришпим мумкин.

— Худо ҳақи, сиз унга тега кўрманг, агар мени севсангиз — унга сира тегманг; мен бирор даҳшатли воқеанинг гуноҳкори бўлишини истамайман...

— Хўп, мен унга тегмайман, чунки сизнинг истагингизни мен ўзим учун муқаддас биламан. У эса ўз ҳаёти учун сиздан миннатдор бўлиши керак. Сизга бўлган муҳаббатим туфайли, мен ҳеч қачон ёвузлик қилмайман. Ҳатто мен жиноят қилган

тақдиримда ҳам, сизнинг шаъннингизга дод тушмаслиги керак. Хўш, мен сизни бу золим отангизнинг қўлидан қандай қутқара оламан?

— Ҳали ҳам умидим бор. Мен ўзимнинг кўз ёшларим ва доду фифоним билан унга таъсир қила оларман, деб ўйлайман. Отам ўжар одам, аммо мени яхши кўради.

— Беҳуда умид боғламанг: у сизнинг кўз ёшларингизни севиб әмас, маъқул бир манфаат юзасидан эрга тегувчи барча ёш қизларга хос оддий қўрқоқлик ва нафрат, деб ўйлайди. Борди-ю, ҳоҳишингизга қарамай, сизни баҳтли қилишни ўз зиммасига олса ва тақдирингизни бир умрга кекса бир кишининг қўлига топшириш учун зўрлик билан никоҳ қилгани олиб борса...

— Унда, унда ҳеч чора қолмайди, мени олиб кетгани келинг, мен сизнинг хотинингиз бўламан.

Дубровский титраб кетди, унинг оппоқ юзи қип-қизарди ва шу ондаёқ ранги аввалгидан баттар оқарди. У бошини қуйи солиб, анчагача жим қолди.

— Ўзингизни дадил тутинг, отангизга ёлворинг, унинг оёқларига йиқилинг: келажакнинг бутун даҳшатини, нимжон ва фосиқ бир чолнинг қучогида гулдек сўлишингизни унинг кўз олдига келтиринг. Йаттиқ тегадиган гаплардан ҳам тортилманг: агар отангиз ҳамон ўша ўжарлигига тураверса, у ҳолда сиз ўзингизга... даҳшатли бир ҳимоячи топа олишингизни айтинг... Бойлик сизга бир он ҳам баҳт бера олмаслигини, зеби зийнат фақат камбагал-бечоранигини қизиқтира олишини, ўшанда ҳам бир нафасга қизиқтира олишини айтинг. Бўш келманг, унинг ғазабидан, дўқидан қўрқманг, умиднинг қуруқ бир кўланкаси қолганда ҳам, худо ҳақи, бўш келманг. Бошқа ҳеч бир чора қолмаса, у ҳолда...

Шу чоғ Дубровский қўли билан юзини бекитди, унинг нафаси бўғилаёттандек эди, Маша йиғларди...

— Оҳ, менинг шўрлик, шўрлик тақдирим! — деди у аччиқ бир оҳ тортиб. — Мен сиз учун жонимни ҳам берардим, сизли узоқдан кўриш, қўлингизни ушлаш мен учун бир ҳузур эди. Энди сизни ҳаяжонланадаёттан қалбимга босиб: эй фариштам ўлсак ҳам бирга ўрайлик! — дейишга ҳозиргидек имкон бўлган бир пайтда ҳам, мен шўрлик бу ҳузур-ҳаловатдан ўзимни четга тортишга, уни бутун куч-қувватим билан ўзимдан нари қилишга мажбурман... Мен сизнинг оёғингизга йиқилишга ва арзимас бир книшига нолойиқ берилган катта нозу неъмат учун худойимга шукур қилишга менда журъат йўқ. О, мен ўша одамдан нақадар нафратланишим керак... Еироқ сезиб турибманки, ҳозир менинг кўнглимда нафрат билан қарашга жой йўқ.

У, қизнинг келишган қаддини оҳистагина қучди ва секингина ўз бағрига тортид. Қиз ҳам бошини ёш қароқчининг елкасига ишонч билан қўйди. Иккови ҳам жим бўлиб қолди.

Вақт ўтиб борарди.

Ниҳоят, Маша хайрлашайлик, деди.

Дубровский уйқудан уйғонгандек бўлди. У қизнинг қўлини ушлаб, бармоғига узук тақиб қўйди.

— Агар, менинг ёрдамим лозим бўлса,— деди у,— узукни олиб келиб мана шу дарахтнинг кавагига қўйсангиз бўлди, у ёгини ўзим биламан.

Дубровский, қизнинг қўлидан ўпди-да, дарахтлар орасида гойиб бўлди.

## XVI БОБ

Князь Верейскийнинг уйланиши энди қўни-қўшни учун сир эмас эди. Кирила Петровични ҳар томондан қутлашар, тўй ҳозирликлари кўрилар эди. Маша узил-кесил айтадиган сўзини тобора орқага ташларди. Лекин у кекса куёвга совуқ ва ўлганинг кунидан муомала қилас, князь бунга парво қилмас, чунки у, қизнинг бундай индамаслигини аломати ризо деб билиб, шунга қаноатланар ва севги ҳақида ҳеч ташвиш тортмас эди.

Лекин вақт ўтиб борарди. Ниҳоят, Маша ҳаракат этишга жазм қилди-да, князь Верейскийга хат ёэди: князнинг кўнглида олижаноблик туйгусини қўзғатмоқчи бўлди, унга ҳеч бир кўнгли йўқлигини очиқ айтди, менинг баҳримдан ўтсангиз, отамнинг зўридан мени ўзингиз ҳимоя қилсангиз, деб ёлворди.

Кейин у хатини секингина князь Верейскийга топширди, князь хатни хилватда ўқиб кўриб, қаллигининг бу очиқ гапидан ҳатто таъсирланмади ҳам. Аксинча, у тўйни тезлатиш кераклигини ўйлаб, хатни бўлгуси қайнотасига кўрсатишни лозим топди.

Кирила Петровичнинг жони чиқиб кетди, лекин князь уни хат мазмунидан хабардор эканини қизига билдирамасликка зўрға кўндиради. Кирила Петрович хат тўғрисида қизига индамасликка ваъда бериб, вақтни ўтказмаслик учун, тўйни индинга ётказишни тайин этди. Князь буни жуда маъқул топди-да, у ердан чиқиб, тўғри қаллигининг ёнига кирди ва унга: ҳалиги хатни ўқиб, жуда қайғурганини, лекин ҳар ҳолда, бир кун бўлмаса бир кун унинг муҳаббатини қозона олишга умиди борлигини, қиздан ажralиб қолиш ўзи учун ўлим қадар оғир эканини, аммо ўз ўлимига рози бўлиши қўлидан келмаганини айтди. Шундан кейин, ҳурмат билан қизнинг қўлидан ўпди-да, Кирила Петровичнинг индинга тўй деганини қизга айтмасдан, ўз қўргонига қайтиб кетди.

У ҳовлидан кўчага чиқар-чиқмас, қизининг ёнига отаси кириб келди ва унга тўппа-тўғри индинга тўйга тайёр бўлишни буюрди. Князь Верейскийнинг сўзлариданоқ ташвишда қолган Марья Кириловна буни эшишиб кўз ёшига зўр берди ва ўзини отасининг оёқларига ташлади.

— Отажон!— деб қичқирди қиз ачинарли овоз билан.— Отажон, мени жувонмарг қилманг. Мен князни севмайман, унга хотин бўлишни хоҳламайман...

— Бу нимаси тагин!— деди Кирила Петрович дўқ билан.— Шу чоққача индамай келдинг, ўзинг рози эдинг, энди иш бит-

гандан кейин, хархаша қилишга ва бўйин товлашга тушибсанда. Тентакликни қўй, бу билан сен мендан илтифот кўролмайсан.

— Жувонмарг қилманг мени! — деб такрорлади бечора Маша. — Нега мени ўзингиздан ҳайдаб, севмаган кишимига берасиз? Ё мен жонингизга тегдимми, мен аввалгилик сиз билан уйда қолмоқчиман. Отажон, мен бўлмасам сиз сиқилиб қоласиз, менинг бахтсиз бўлганимни ўйласангиз, яна баттар сиқиласиз, отажон, мени зўрлаб берманг, мен эрга тегишини хоҳламайман.

Кирила Петровичга бу сўзлар таъсир қилди, лекин у ўзининг хижолат тортганини яширди ва қизини туртиб юбориб, жаҳл билан деди:

— Бу гапларнинг ҳаммаси бекорчи гаплар, билиб қўй. Сени баҳтли қилмоқ учун нима кераклигини мен сендан кўра яхшироқ биламан. Кўз ёшларингдан фойда йўқ, индинга тўйинг.

— Индинга! — деб қичқирди Маша. — Э, худойим, йўқ, мумкин эмас, бу бўлмаган иш. Отажон, агар сиз мени жувонмарг қилишга қасд қилган бўлсангиз, энди менинг гапимни эшитинг: мен шундай ҳимоячини топаманки, у сизнинг хаёлингизга ҳам келмаган, кўрасиз, қўрқиб кетасиз, мени сиз шу даражага олиб келдингиз.

— Нима? Нима? — деди Троекуров. — Сен ҳали менга дўйқиладиган бўлиб қолдингми, а! Менга-я! Ҳа, беҳаё қиз! Билиб қўй, мен сенинг бошингга шундай кунларни солайки, ҳатто хаёлингга ҳам келмаган бўлсин. Сен ҳали мени ҳимоячинг билан қўрқитмоқчимисан. Қўрамиз, ким экан сенинг ҳимоячинг?

— Владимир Дубровский! — деб жавоб берди Маша жаҳл устида.

Кирила Петрович, қизини жинни бўлиб қолди, деб ўйлаб, унга ҳайрат билан қаради.

— Хўп, — деди у, бир оз жим тургандан кейин, — кимни хоҳласанг шуни ҳимояга чақирасан, аммо ҳозирча шу уйда ўтириб тур, то тўйгача бу ердан чиқмайсан. — Кирила Петрович шу сўзини айтгач, уйдан чиқиб кетди ва эшикни ташқарисидан беркитди.

Бечора қиз бошига тушадиган кунларни ўйлаб, узоқ йиглади. Лекин отаси билан ва бошқалар билан ўтган гаплар унинг кўзини очди: энди у ўз тақдиди ва бундан сўнг нималар қилиш кераклигини бемалол ўйлаши мумкин эди. Унинг учун муҳим иш: ўзи ёмон кўрган никоҳдан қутулиш эди; ҳозирланган қисматдан кўра қароқчига хотин бўлиш унга жаннатдек кўринар эди. У Дубровский бериб кетган узукка қаради. Қиз у билан ёлғиз учрашиши ва бу ҳал қилувчи дамлар олдидан яна бир марта зўр иштиёқ билан узоқ гаплашиб олишини истар эди. Қўнгли унга Дубровскийни кечқурун боғдаги шийпонча яқинидан топа олишини айтиб турарди, шунинг учун ҳам у қоронғи тушар-тушмас ўша жойга бориб, уни кутишга жазм қилди. Қоронғи ҳам тушди. Маша чиқмоқчи бўлди, бироқ эшик ташқаридан қулфланган

әди. Оқсоч хотин ташқаридан Кирила Петрович уни чиқармас-ликини буюрганини айтди. Қиз қамоқда эди. Қаттиқ ҳақоратланған қыз дераза олдиди, кийимларини ҳам ечмасдан, қоронғы осмонга тикилганича, алламаҳалгача қимир этмасдан ўтириб чиңди. Тонг отар пайтда күзи уйқуга кетиб, шу қисқа вақт ичида ёмон тушлар күриб безовта бўлди ва чиқаётган қуёшнинг илк шуълаялари уни уйқусидан уйғотиб юборди.

## XVII БОБ

Қиз уйқудан уйғониши биланоқ энг аввало аҳволи жуда даҳшатли эканини тасаввур қилди. У қўнгироқ чалди. Чўри қиз кириб унинг берган саволларига: Кирила Петрович кечакурун Арбатовога кетиб эди, уёқдан жуда кеч қайтди ва қизни мутлақо ўз уйидан чиқарманглар, у билан ҳеч кимни сўзлаштиримаглар, деб қаттиқ буйруқ берди, деб айтди ва шу билан бир қаторда, айтмоқчи, тўйга ҳеч қанақа алоҳида ҳозирлик йўқ, лекин шундай бўлса ҳам, попга ҳеч қандай баҳона билан қишлоқдан жилмасликка буйруқ берилди, деб жавоб қилди. Шу хабарларни айтгач, чўри қиз Марья Кириловна олдидан чиқиб кетди ва яна эшикни қулфлаб олди.

Чўри қизнинг сўзлари бу ёш тутқунни қаттиқ ғазаблантириди, миясига ҳар турли фикрлар келди, ҳони қайнади, у бутун воқеани Дубровскийга билдиromoқчи бўлиб, узукни маълум дарахтнинг кавагига қўйдириш учун тадбир ахтара бошлади; шу пайт ўзи ўтирган уйнинг деразаси ойнасига кичкина бир тош келиб тегди ва ойна чирсиллаб кетди. Марья Кириловна ҳовлига қараб, кичкина Сашанинг унга қараб сирли имолар қилаётганини кўрди. Қиз бу боланинг яхши кўришини биларди, шунинг учун ҳам у курсанд бўлиб дарчани очди.

— Салом, Саша,— деди у,— мени нега чақиряпсан?

— Олажон, сизнинг олдингизга менга бирор ишингиз йўқ-микин, деб келган эдим. Отамнинг жаҳли чиқиб, ҳеч кимни сиз билай гаплаштиримай қўйди, нима ишингиз бўлса менга буюраверинг, мен айтганингизнинг ҳаммасини қиласман.

— Раҳмат, укажоним Сашенъка, менга қара, сен шийпонча олдидаги каваги бор кекса эман дарахтини биласанми?

— Биласман, опажон.

— Агар сен мени яхши кўрсанг, ғизиллаб бориб, ўша дарахтнинг кавагига мана шу узукни қўйиб кел, лекин эҳтиёт бўл, ҳеч ким кўрмасин.

У шу сўвларни айтгач, узукни болага ташлади-да, дарчани ёлди.

Бола узукни олиб, жон-жаҳди билан чопиб кетди ва уч минут ичида маълум дарахтнинг олдига етиб борди. У шу ерда тўхтади, ҳаллослаб туриб теварак-атрофга қаради, узукни кавак ичида қўйди. Ишини омон-эсон битириб, энди бу тўғрида тездан Марья Кириловнага хабар бермоқчи бўлиб турган эди, бирдани-

га шийпонча орқасидан сап-сариқ ва гилай, жулдур кийим кийган бир бола чопиб чиқиб келди-да, тўғри ўзини эман дараҳтига қараб урди ва кавакка қўлини тиқди. Саша олмахондан ҳам тезроқ ҳаракат қилиб, болага қараб югурди ва иккала қўллаб унга маҳкам тирмашиб олди.

— Нима қилялсан бу ерда? — деди у ўшқириб.

— Сенинг нима ишинг бор? — деб жавоб берди бола, унинг қўлидан чиқишига уриниб.

— Узукка тегма, сариқ қуён, — деди Саша, — бўлмаса таъзиiringни бераман!

Бола жаъоб бермасдан, Сашанинг юзига бир мушт солди, Саша шунда ҳам болани қўйиб юбормай, товушининг борича:

— Угри келди-ҳо, ўғри келди! Буёққа келинглар-чи, буёққа келинглар!... — деб қичқира бошлади.

Бола унинг қўлидан чиқиб кетишга уринди. У афтидан, Сашага қараганда икки ёшлар чамаси катта ва кучлироқ эди, лекин Саша ундан кўра эпчиллик қилди. Улар бир неча минут олишишди. Нихоят, сариқ бола Сашадан зўр келди. У Сашани ерга ағдарди-да, бўғизига чанг солди.

Худди шу вақт болапинг сариқ ва қаттиқ соchlарига кучли бир қўй келиб ёпишди ва боғбон Степан уни ердан ярим газча юқори қўтарди...

— Эҳ, сариқ алвости, — деди боғбон, — ҳали сен кичкина баринни урадигаи бўлиб қолдингми?..

Саша ўрнидан иргиб турди-да, ўзини ўнглаб олди.

— Сен менинг қўлтигимдан олдинг-да, — деди у, — бўлмаса ҳеч қачон йиқитолмас эдинг. Узукни буёққа бер-да, йўқол бу ердан.

— Мана, бераман ҳозир узукни! — деб жавоб берди сариқ бола ва бирдан бурилиб, сочини Степанинг қўлидан қутқариб олди-да, дарҳол қоча бошлади. Саша етиб бориб, елкасидан итариб юборди, бола пўрт учиб йиқилди. Боғбон уни яна ушлаб олди-да, белбоғ билан маҳкам боғлади.

— Узукни бер! — деб қичқирди Саша.

— Йлошма, барин, — деди Степан. — Биз бунинг жазосини бериш учун гумаштага топширамиз.

Боғбон тутқунни бариннинг қўргонига олиб жўнади. Саша эса ўзининг йиртилган ва майдада кўкарған шимига ташвиш билан қарай-қарай, уларнинг кетидан борди. Бирдан улар отхонага бораётган Кирила Петровичнинг олдидан чиқиб қолишишди.

— Нима гап? — деб сўради у Степандан.

Степан воқеани қисқача сўзлаб берди. Кирила Петрович унинг сўзларини диққат билан эшилди.

— Сен, саёқ! — деди у Сашага қараб. — Нима ишинг бор у бола билан?

— Бу кавакдан узук ўғирлади, отажон, айтинг, берсин.

— Қанақа узук, қайси кавакдан?

— Ҳалиги, менга Марья Кириловна... ҳалиги узук...

Саша хижолат тортиб, пойма-пой гапира бошлади. Кирила Петрович қовогини солди, сүнгра бошини чайқаб туриб деди:

— Бу ишга Марья Кириловна ҳам аралашганми? Воқеани айтиб бер, бўлмаса шундай калтаклайманки, эсинг тескари бўлиб кетади.

— Худо урсин, отажон, мен, отажон Марья Кириловна менга ҳеч нарса дегани йўқ, отажон.

— Степан, бор сен менга қайнин даражтидан битта яхши, қирчиллама хипчин кесиб кел.

— Шошманг, отажон, мен сизга ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Мен бугун ҳовлида ўйнаб юрувдим. Опам Марья Кириловна дарчани очиб қолди. Мен олдига чопиб бордим, ундан кейин опам ўзи билмасдан, қўлидаги узугини ерга тушириб юборди, мен уни олиб бориб кавакка бекитиб қўйгандим... кейин... кейин мана бу малла бола келиб, узукни ўғирламоқчи бўлди.

— Ўзи билмасдан тушириб юборганмишу, сен олиб бориб бекитиб қўйган эмишсан... Степан, хипчин келтир.

— Отажон шошмай туринг, мен ҳозир сизга ҳаммасини айтиб бераман. Опам Марья Кириловна менга узукни бериб, олиб бориб кавакка қўйиб кел, деб буюрди, мен обориб кавакка қўйдим. Ундан кейин, мана бу ярамас бола...

Кирила Петрович ярамас болага қараб, пўписа билан:

— Сен кимсан? — деб сўради.

— Мен жансоб Дубровскийларнинг хизматкориман,— деди сариқ бола.

Кирила Петровичнинг юzlари бўзариб кетди.

— Демак, сен мени хўжайн деб танимас экансан-да, яхши,— деди у.— Хўш, менинг боғимда нима қилиб юрувдинг?

— Маймунжон ўғирлагани тушувдим,— деди бола жуда бепареолик билан.

— Дуруст,— деди Кирила Петрович,— хизматкори ҳам хўжаинига ўҳшапти, менинг боғимда маймунжон эман дарахтида ўсарканми?

Бола жавоб бермади.

— Отажон, айтинг, узукни берсин,— деди Саша.

— Жим тур сен, Александр!— деб жавоб қилди Кирила Петрович.— Эсингда бўлсин, мен сен билан ҳали гаплашаман. Бор, уйингга кир. Хўш, сен ғиласай, анча зийрак болага ўхшайсан. Узукни бер-да, уйингга кетавер.

Бола беш панжасини ёзиб қўлида ҳеч нарса йўқлигини кўрсатди.

— Агар сен менга ҳамма гапни айтиб берсанг, мен сени калтакламайман, ҳатто бир мири ёнғосқ пули ҳам бераман. Бўлмаса, қора кунларни бошингга соламан. Қани!

Бола индамади ва ўзини тентакликка солиб, бошини қуийи ёгканича тураверди.

— Яхши,— деди Кирила Петрович,— қамаб қўйинглар бўлмаса ва қараб туринглар, агар қочиб кетгудек бўлса, худди ҳаммангизнинг терингизни шилиб оламан.

Степан болани кантархонага олиб бориб қамади ва қушларга қаровчи Агафья кампирга унга қараб туришни буюрди.

— Ҳозир шаҳарга бориб, дарҳол исправникни айтиб келинглар,— деди Кирила Петрович болани кўзлари билан кузатар экан.— Мумкин қадар тезроқ борииглар!

«Энди ҳаммаси равшан. Демак, қизим лаънати Дубровский билан муносабатда бўлган. Наҳотки, чиндан ҳам ўшани ёрдамга чақирган бўлса?— деб ўйлади Кирила Петрович хонанинг у бошидан бу бошига бориб келар ва «Зафар гулдуроси, янгра!» қўшигини газаб билан ҳуштак қилиб чаларкан.— Балки мен ниҳоят унинг изига тушгандирман, энди у биздан ҳеч қочиб қутуолмайди. Биз албатта бу фурсатдан фойдаланамиз. Шошма! Қўнгироқ овози, ҳа худога шукур, исправникнинг ўзи келик қолди».

— Ҳой, ҳалиги тутилган болани олиб чиқ буёққа!

Бу орада ҳовлига бир арава кириб келди ва ўзимизга таниш исправник ҳаммаётини чанг-тупроқ босган ҳолда меҳмонхонага кирди.

— Хушхабар,— деди унга Кирила Петрович,— мен Дубровскийни тутдим.

— Худога шукур, жаноби олийлари,— деди исправник севинган бўлиб,— қани у?

— Яъни, Дубровскийнинг ўзини эмас, балки унинг шайкасидан бир одамни. Ҳозир уни олиб келишади. Бу бизга ўша йўлтўсарни тутишимиз учун катта ёрдам беради. Ана ўзини олиб ҳам келишиди.

Баҳайбат бир қароқчини кўраман деб ўйлаган исправник кўринишдан анча заиф бўлган ўн уч яшар болани кўриб, ҳайрон қолди ва ҳеч нарсани тушунмагандек, Кирила Петровичга қараб, ундан изоҳ кутди. Кирила Петрович, Марья Кириловна тўғрисида оғиз очмай, унга эрталабки ҳодисани дарҳол сўзлаб берди.

Исправник Кирила Петровичнинг сўзларини дикқат билан тингларкан, ҳар онда она сути оғзидан аримаган бу ёш бетамиз болага қараб қўяр, бола эса ўзини тентакликка солиб, кўз олдида бўлаётган бу воқеага ўзини мутлақо бепарво қилиб кўрсатарди.

— Рухсат берсангиз, жаноби олийлари, сиз билан хилватда гаплашсам,— деди ниҳоят исправник.

Кирила Петрович уни бошқа уйга олиб кириб, эшикни беркитди.

Ярим соатдан кейин улар яна залга чиқишиди, бу ерда тутқун ўз тақдирининг ҳал қилинишини кутиб турарди.

— Ҳой бола,— деди исправник унга,— барин сени шаҳар авахтасига олиб бориб қаматмоқчи ва тоза савалатмоқчи, ундан

кейин бадарға қылдириб юбормоқчи әди, аммо мен сенинг тара-  
фингни олиб, гуноҳингни сўраб қолдим. Ечинг қўлларини!

Боланинг қўлларини ечишиди.

— Баринга қуллуқ қил,— деди исправник. Бола Кирила  
Петровичнинг ёнига бориб, унинг қўлидан ўпди.

— Бор энди уйингга,— деди Кирила Петрович болага.—  
Аммо бундан кейин дарахтларнинг кавагидан маймунжон ўғир-  
лаб юрма.

Бола меҳмонхонадан чиққаҷ, севинганидан зинапоядан ўзи-  
ни отди, сўнгра, орқасига қарамай далама-дала Кистеневкага  
қараб чопиб кетди. У қишлоққа етгач, қишлоқ четидаги ярим  
хароба бир уй олдида тўхтади-да, дарчани чертди. Дарча очи-  
либ, ундан бир кампир кўринди.

— Буви, менга нон беринг,— деди бола,— эрталабдаи бери  
ҳеч нарса еганим йўқ, очимдаи ўлаёздим.

— Ҳа, сенмисан, Митя, қаерларда қолиб кетдинг, шайтон-  
ча?— деди кампир.

— Кейин айтиб бераман буви, худо йўлига бир бурда нон  
беринг!

— Уйга кир, ахир.

— Вақтим йўқ, буви, мен тезда яна бир жойга бориб учраши-  
шим керак. Менга тезроқ бир бурда нон беринг, Исо йўлига бир  
бурда нон беринг.

— Ҳа, саёқ тушмагур,— деб ғудурлади кампир.— Ма, мана,  
бир бурдагина,— деди ва унга бир бурда қора нон узатди. Бола  
уни бир тишлаб кавшанганича йўлга тушди.

Қоронги туши бошлиди. Митя ғалла қутилиладиган билолар  
ҳамда полизлардан ўтиб, Кистеневка ўрмонига кириб борди.  
Ўрмоннинг илғор пойлоқчилари каби ҳамма дарахтлардан ол-  
динда турган қўш қарагай ёнига етгач, тўхтади ва уёқ-буёққа  
синчилкаб қараб олгач, қаттиқ ва узиб-усиб бир ҳуштак чалди,  
сўнгра қулоқ солди, унга жавобан секин ва чўзиқ ҳуштак овози  
эшишилди-да, ўрмон ичидан аллаким чиқиб, боланинг олдига  
яқинлашиди.

## XVIII БОВ

Кирила Петрович ҳуштагини одатдагидан кўра қаттиқроқ  
чалиб, қўшигини куйлаган ҳолда, залнинг у бошидан бу бошига  
бориб келарди. Бутун хонадон ҳаракатда — хизматкорлар уёқ-  
дан-буёққа чопишар, оқсоч қизлар ивисиб юришар, саройда  
аравакашлар карета қўшар, ҳовли саҳнига одамлар тўпланган  
эди. Қизнинг пардозхонасидаги ойна олдида, оқсоч хотинлар  
томонидан ўраб олинган пардозчи хотин, ранги ўчган ва сурат-  
дек бўлиб қолган Марья Кириловнани ясантирас эди; қизнинг  
боши гавҳар тошлар оғирлиги остида төлиқиб энгашган, пардоз-  
чи хотин унга эҳтиётсизлик билан игна санчиб олса, у енгилги-

на бир силкиниб қўя қолар, лекин ойнага бепарво қарагани ҳолда, ҳеч дамини чиқармас эди.

Эшик олдидан Кирила Петровичнинг:

— Тезроқ бўласизларми? — деган овози келди.

— Мана, ҳозир,— деб жавоб қилди пардозчи хотин,— Марья Кириловна, ўрнингиздан туриб, бир қаранг-чи, чиройли чиқдимикин?

Марья Кириловна ўрнидан турди ва лекин ҳеч нарса демади. Эшик очилди.

— Келин тайёр,— деди пардозчи хотин Кирила Петровичга.— Буюинг, қаретага чиқишин.

— Худога шукур,— деди Кирила Петрович меҳри товланиб ва столдан иконани олди.— Бери кел, Маша, мен сендан розимаз...

Бечора қиз отасининг оёғига йиқилди ва ҳўнграб йиглаб юборди.

— Отажон... отажон,— деди у кўз ёшлари шашқатор бўлиб, бироқ унинг овози бўғилиб қолди.

Кирила Петрович шошиб фотиҳа берди, сўнг қизни турғизишида, кўтаргандек қаретага олиб чиқишиди. Унинг ёнига вакил оқаси билан оқсоч хотинлардан бири ўтириди. Улар черковга қараб жўнашди. У ерда буларни куёв кутиб турарди. Куёв келинчакни қарши олгани чиқди ва қизнинг ранги учганини ва ўзини аллақандай бир тусда кўриб ҳайрон бўлди. Куёв билан қаллиқ бўш ва совуқ черковга киришиди; улар киргандан кейин черков эшигини бекитиб қўйишиди. Поп меҳробдан чиқиб, дарҳол никоҳ ўқишига киришиди. Марья Кириловна ҳеч нарсани кўрмас ҳам, ҳеч нарсани эшитмас ҳам эди. У фақат биргина нарсани ўйлар аа эрталабдан бери Дубровскийни кутар эди. Ундан бир нафас ҳам умидини узмас эди. Поп унга одатдаги савонни берганда, қиз бирдан сесканиб кетди-да, сўнг яна жим бўлиб қолди: у ҳамон ўзи учун азиз одамини кутар эди. Поп эса қизнинг жавоб беришини ҳам кутмасданоқ, одамини умрбод бир-бирига боғловчи хутбани ўқиб юборди.

Никоҳ маросими тамом бўлди. Қиз ёқимсиз куёвнинг совуқ ўшишларини сезди, ҳозир бўлганларнинг хурсандчиллик билан қутлашларини эшитди, лекин шунда ҳам у ўз ҳаётига умрбод кишин солинганига, Дубровский уни қутқариб олиш учун етиб келолмаганига ҳамон ишонмас эди. Князъ унга ёқимли сўзлар билан юзланди, аммо қиз у сўзларга тушумади, улар черковдан чиқишиди, черков эшиги олдига Покровское дәжончлари тўпланган эди. Қизнинг назари бирров уларга тушгандек бўлди-ю, сўнг яна бояғи ҳолича ҳиссиз тус олди. Куёв-қаллиқ бироқ қаретага тушишди-да, Арбатовога қараб жўнашди; Кирила Петрович буларни ўша ёқда қарши олиш учун олдинроқ кетган эди. Ели қаллиғи билан холи қолган князъ қизнинг совуқ қарашига ҳеч эътибор қилмади. У, қалбаки ширин сўзлар ва бемаъни қувончлар билан қизнинг жонига тегмади, балки унинг сўзлари

оддий ва содда бўлиб, ҳатто жавоб берилиши ҳам керак эмас эди. Улар шу равиша ўн чақиримча юришди, отлар қишлоқ-нинг ўйдим-чуқур йўлларидан жуда тез чопиб борар, лекин инглизчада рессорли карета ҳеч силкинмас эди. Шу пайт бирданига қувлаб келаётганларнинг овозлари эшишилди, арава тўхтади, бир тўда қуролланган кишилар уни ўраб олишди ва юзининг ярмигача ниқоб тутган бир киши каретанинг ёш княгиня ўтирган томондаги эшигини очди-да, унга қараб:

— Сиз озодсиз, тушинг,— деди.

— Бу нима деган гап,— деб қичқирди князь,— кимсан ўзинг?!

— Бу киши Дубровский,— деди княгиня.

Князь, ҳеч бир пинагини бузмасдан, чўнтағидан йўл тўппон-часини олди-да, ниҳоб тутган қароқчига ўқ узди. Княгиня қичқириб юборди ва қўрққанидан икки қўли билан юзини беркитди. Дубровский елкасидан яраланганди. Қон кўринди. Князь, фурсатни бой бермай, яна бошқа тўппончасини олди, бироқ унга иккинчи марта ўқ узишга имкон беришмади, каретанинг нариги эшиги очилиб, бир нечта кучли қўллар уни каретадан судраб туширишди ва тўппончасини қўлидан тортиб олишди. Сўнгра унинг боши устида пичноқлар ярқиради.

— Тегманглар унга!— деб қичқирди Дубровский, шундан кейин унинг баджаҳл шериклари ўзларини бир четга олишди.

— Сиз озодсиз,— деб сўзида давом этди Дубровский, ранги ўтган княгиняга мурожаат қилиб.

— Йўқ,— деди киз.— Кеч қолдингиз, чикоқ ўқилиб қўйилди, мен энди князъ Верейскийнинг хотиниман.

— Бу нима деганингиз?— деб қичқирди Дубровский жаҳлига чидолмай.— Йўқ, сиз унинг хотини эмассиз; сизни зўрлаб беришган, сиз ҳеч қачон рози бўллишингиз мумкин эмас унга...

— Йўқ, мен рози бўлдим, қасамёд этдим,— деди қиз қатъият билан эътиroz билдириб.— Князъ менинг эrim, одамларингизга айтинг, уни бўшатиб қўйишсин, мени у билан бирга қолдиринг. Мен сизни алдаганим йўқ. Сўнгги минутгача кутдим... Лекин, мен энди сизга айтсам, вақт ўтди. Бизни қўйиб юборинг.

Дубровский энди унинг сўзларини эшиитмас эди: яранинг алами ва юракнинг қаттиқ ҳаяжонга келиши уни ҳолдан тойдирганди. У гилдирак ёнига йиқилиб тушди, қароқчилар уни ўраб олишди. У шерикларига бир неча оғизгина сўз айта олди холос. Сўнг шериклари уни отга миндиришди, иккитаси уни икки ёндан ушлаб боришли, биттаси отининг жиловидан етаклади, шундай қилиб, ҳаммаси бир томонга жўнашди. Одамлари боғланган, отлари чиқарилган ҳолда, карета кўча ўртасида қолди. Бироқ қароқчилар каретадаги дунёга ҳам қўл тегизишмай, ўз атаманларининг ўчини ҳам олишмай, бир томчи қон ҳам тўкишмай кетишли.

Қалин ўрмоннинг ўртасидаги торгина ялангликда тупроқ уюмларидан ва хандақлардан иборат чоғроқ бир тупроққўрғон қад кўтарган бўлиб, унинг ичида бир неча чайла ва ертўла бор эди.

Қўрғон ҳовлисида одам кўп бўлиб, бу одамларнинг турли-туман кийимлари ва ҳаммаси қуролланганига қараб, уларнинг қароқчилар эканини билиш мумкин эди; шунингдек улар, ялангбош ўтириб, бир қозондан овқат ейишарди. Тупроқ девор устидаги кичкина тўп ёнида чордана қуриб бир соқчи ўтиради: у худди моҳир тикувчидаи қўлига игна ушлаб, эпчиллик билан ўз кийимининг баъзи бир жойларини ямар ва ҳар дам теварак-атрофга қараб қўяр эди.

Гарчи, бир неча киши бир чўмичда овқат еса ҳам, бу гала ўртасида ажойиб бир жимлик ҳукм сурарди; қароқчилар овқатларини еб бўлиб, бирин-кетин ўринларидан туришди-да, худога ибодат қилиб, баъзилари чайлаларига, баъзилари ўрмонга кириб кетишида баъзилари рус одатича ухлагани чўзишлиши.

Соқчи ўз ишини тугатиб, кийимини қоқди-да, ямоқларини кўздан кечиргач, и gnani e n g i g a с anchi қўйди ва тўпга айри миниб, овозининг борича қуйидаги эски, ғамгин аиулани эйта бошлади:

Шувиллама жоним, эй сен, кўм-кўк эманзор,  
Халал берма менга, ўйлайдиган ўйим бор.

Шу вақт чайлалардан бирининг эшиги очилди ва бўсағада, бошига оқ чепец, устига озода ва улуғсифат либос кийган бир кампир кўринди.

— Бас қил, энди, Стёпка,— деди у аччиғланиб.— Барин ухляяпти, сен бўлсанг ҳадеб бақирганинг-бақирган! На инсоғни биласан, на раҳмни!

— Кечир, Егоровна,— деб жавоб берди Стёпка,— хўп, ашула ни бас қилай, майли, ишқилиб отахонимиз ором олиб, тезроқ тузалсин.

Кампир кириб кетди, Стёпка бўлса тупроқ девор устида у ёқдан-буёққа юра бошлади.

Кампир чиқсан чайланинг алоҳида бўлинган жойида, сафар каравотида ярадор Дубровский ётарди. Олдидаги столда унинг тўппончалари туар, қиличи эса бош томонида осиғлиқ эди. Ертўланинг ери ва деворларига қимматбаҳо гиламлар тўшалган бўлиб, бурчакда хотинларнинг кумушдан ясалган зийнат асбоблари ва тошойна бор эди. Дубровскийнинг қўлида очиқ бир китоб бўлса ҳам, лекин қўзлари юмуқ эди. Бўлманинг нариёғидан қараган кампир эса унинг ухлаганини ҳам, ёки хаёл суриб ётганини ҳам билолмасди.

Бирдан Дубровский чўчиб тушди: қўрғонда тревога садоси эшитилди. Стёпка дарчадан бошини суқиб:

— Отахонимиз, Владимир Андреевич,— деб қичқириди,— одамларимиз ишора беришиди, бизни ахтариб келаётган эмишлар.

Дубровский иргиб ўрнидан турди-да, түппончасини қўлига олиб, чайлдан чиқди. Қароқчилар шовқин-сурон билан ҳовлига тўпланишган эди. Уни кўрган замон ҳаммалари жим бўлиб қолишиди.

— Ҳамма шу ердами?— деб сўради Дубровский.

— Соқчилардан бошқа ҳамма шу ерда,— деб жавоб беришиди унга.

— Ҳамма ўз жойига борсин!— деб қичқириди Дубровский. Қароқчилар ўзларига маълум бўлган жойларни эгаллашиди.

Худди шу вақт учта соқчи юғурганча дарвоза ёнига келди. Буёқдан Дубровский бориб уларни қарши олди.

— Нима гап?— деб сўради у.

— Ўрмонда солдатлар юрипти,— деб жавоб берди улар.— Бизни қуршовга олишмоқда.

Дубровский дарбозани беркитишга буйруқ бериб, ўзи тўпни кўздан кечиргани кетди. Ўрмон томондан бир неча одам овози келди, одамлар яқинлашмоқда эди, қароқчилар уларни жимгина кутиб туардилар. Шу вақт бирдан ўрмондан уч-тўрт солдат кўринди-да, ўша оннинг ўзидаёқ яна ўзларини панага олишиди ва ўқ чиқариб шерикларига хабар беришиди.

— Жапгга тайёр бўлиглар!— деди Дубровский. Қароқчилар бир гурунглашиб, яна жим бўлиб қолишиди.

Сўнгра келаётган солдатларнинг товушлари эшитилди. Да-рахтлар орасидан қуроллар ярқираб кўринди, юз элликтacha солдат ўрмондан чиқиб, қичқириб тупроққўрғон томон ташлашишиди. Дубровский пилтани тўғрилаб, отди: мўлжаллаб отганидан, солдатлардан бирининг бошини учирив кетди, иккитасини ярадор қилди. Солдатлар гангигиб қолишиди, лекин офицер олдинга киттилди, солдатлар унинг кетидаги эргашишиди ва хандаққа қараб чопишиди. Қароқчилар милтиқ ва тўпкончалардан ўқ узиб, болталар билан тупроққўрғонни мудофаа қила бошладилар. Қаҳргазаби қайнагаи солдатлар эса хандақ ичида йигирматача яратар шерикларини қолдириб, тупроққўрғонга тармаша бошладилар. Юзма-юз жанг бошланди, солдатлар тупроқ деворга чиқиб олишиди, қароқчилар эса чекина бошлади. Бироқ шу чоғ Дубровский офицерга яқинлашиб, мўлжаллаб туриб унинг кўкрагига тўпкончадан ўқ ўзди, офицер чалқанчасига йиқилиб тушди, бир неча солдат уни қўлларида кўтаришиб тезгина ўрмон ичкарисига олиб кириб кетишиди, бошқалари эса командирсиз қолиб, тўхташиди. Дадиллашиб қолган қароқчилар парокандаликдан фойдаланиб, уларни суриб ташлашиди ва хандаққа сиқиб қўйишиди. Қамал қилинганилар қоча бошладилар, қароқчилар эса қийни-киришиб уларнинг кетидан қувиб кетишиди. Улар галаба қозондилар. Дубровский душман тумтарақай бўлиб кетгани учун ўз одамларини тўхтатди, сўнгра соқчиларни икки баробар кўпайти-

риб, ҳамманинг ўз жойидан жилмасликка ва ярадорларни ийғиб олишга буйруқ бериб, ўзи қўргонга кириб кетди.

Дубровскийнинг дадил босқинлари натижасида рўй берган сўнгги ҳодисалар ҳукуматни зўр ташвишга солиб қўйди. Унинг турган жойи тўғрисида маълумот тўпланди. Уни ё ўлик, ё тирик қўлга тушириш учун бир рота солдат юборилди. Унинг одамларидан бир неча кишини қўлга туширишди ва улар сўроқда Дубровскийнинг булар ўртасида бўлмаганини билишди. Юқорида тасеирланган жангдан бир неча кун кейин Дубровский ўз одамларини тўплаб, уларни бутунлай ташлаб кетмоқчи бўлганини айтиб, уларга ҳам ўз турмушларини ўзгартиришга маслаҳат берган эди.

«Ҳаммаларингиз менинг қўл остимда бой бўлдингиз, ҳар бирингиз энди хавф-хатарсиз бирон узоқроқ вилоятга бориб, қолган умрингизни у ерда ҳалол меҳнат билан фароғатда ва баҳузур ўтказа оладиган ҳолдасиз. Лекин ҳаммангиз муттаҳам одамларсиз, балки бу касбингизни ташлагани унамассиз».

Шу сўздан кейин у ёнига ёлгиз \*\* ни олиб, улардан ажралишади. Унинг қаерга кетганини ҳеч ким билмайди. Алвалига бу маълумотларга ишонишмайди, чунки уларга қароқчиларнинг ўз атаманларига садоқатли эканликлари маълум эди. Улар, қўлга тушган қароқчилар ўз саркардаларини қутқарив қолиш ҳаракатида шундай дейишияпти, деб ўйлашди. Бироқ бу маълумотлар тўғри чиқди, қўрқинчли ёнғинилар ва таловлар йўқ бўлиб, йўллар тинчидан қолди. Бошқа маълумотларга кўра, Дубровскийнинг чет элга кетиб қолганини билишди.

1832—1833 йиллар